

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ҳ. ЙЎЛДОШҲЎЖАЕВ, Д. РАҲИМЖОНОВ, М. КОМИЛОВ

# ДИНШУНОСЛИК

*Маърузалар матни*

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта  
кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика му-  
вофиқлаштириш комиссияси тавсия этган.*

*Масъул муҳаррир: Н. И. Иброҳимов — академик*

Тошкент — 2000 йил

**Тақризчи:** А. Абдуллаев

«Диншунослик» курсининг ҳажми - 38 соат, шундан 22 соати маъруза, 16 соати амалий машғулотлардан иборат бўлиб, I семестрга мўлжалланган.

Бу қўлланма асл манбалар асосида тузилган бўлиб, бутунлай янгича услуб ва мазмуни билан илгари ёзилган маъруза матнларидан ажралиб туради. Шунга кўра мазкур қўлланма асосида назарий ва амалий машғулотлар ўтишдан аввал тавсия этилган манба ва адабиётлар билан имкон қадар кенгроқ танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

---

Босишга рухсат этилди 18.08.2000 й. Бичими 60X84<sup>1/16</sup>. «TimesUZ»  
ҳарфида терилиб, офсет усулида босилди. Босма табағи 8,2.  
Нашр ҳисоб табағи 7,8. Адади 5000. Буюртма №264.  
Баҳоси шартнома асосида.

Қўлёзма макет олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
қошидаги ЎАЖБНТ марказида тайёрланди

ФТДҚ, ДИТАФ босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор кўчаси, 171 уй.



*«Оллоҳ барчамизнинг қалбимизда,  
юрагимизда. Яратганни доимо ёд  
этамиз, ундан мадад сўраймиз.  
Бинобарин, ислом дини ҳаётимизнинг  
туб замирига чуқур сингиб кетган.  
Бу - инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат».*

**Ислом Каримов**

## КИРИШ

«Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат.

...Эндиги энг долзарб вазифамиз — бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат»<sup>1</sup>.

«Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини бағишлайдиган фидоий зиёлилар меҳнат қилиши лозим»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биз зиёлилар олдига қўйилган вазифалар жуда улкан бўлиши билан бирга жуда масъулиятли ҳамдир. Чунки, «амалдаги давлат ва жамиятимиз қурилишида, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизни шакллантиришда мутлақо янги-янги қадамлар қўйилмоқда, замон талабларига ҳамоҳанг ўзгаришлар рўй бермоқда, аммо мактаб ва ўқув юртларида болаларимизга, эртага бизнинг ўрнимизни босиши лозим бўлган ўз фарзандларимизга даққионуздан қолган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия бермоқдамиз. Бундан ачинарли ҳолатларга барҳам бериш вақти келди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. (Президент Ислом Каримовнинг «FIDOKOR» газетасининг мухбири саволларига жавоблари). Тошкент, 2000. 11-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўша асар, 12 б.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Ўша асар, 11 б.

Мустақиллик йилларида динга янгича қараш ва муносабат натижасида биз учун нисбатан янги бўлган диншунослик фани вужудга келди. Шу сабабдан мазкур фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш зарурияти муҳим масалага айланди.

Ушбу маъруза матнлари тўшлами, биз зиёлилар олдига қўйилган вазифаларни бажариш йўлидаги амалга ошириладиган ишларнинг дебочасидир.

Бу ишни амалга оширишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, чет эллик мутахассисларнинг илмий тажриба ва асарларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Диншунослик фанини ўқитишдан мақсад талабаларга диннинг келиб чиқиши, эволюцияси, ҳозирги даврдаги ҳолати, инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида VIII асрдан бошлаб ислом ягона ҳукмрон динга айланганлиги сабабли унинг шахс, оила, жамият ҳаётига кириб бориши, маданият ва маънавиятни бойитишга қўшган ҳиссаси хусусида ёшларни илмий, фалсафий билимлар билан қуроллантириш кўзда тутилади.

Миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятларга уйғунлашиши, ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамияти тушунтирилади.

Диншунослик фанининг мазмуни талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Бунга эришишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Диншунослик фанини ўқитиш ва ўрганишнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- диншуносликни ўқитиш ва ўрганиш жараёнида чуқур илмийлик, тарихийлик, холислик тамойилларига амал қилинади;
- талабаларнинг диний онг даражасини ҳисобга олиш, диний ҳис-туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Динни қўпол (атеистик руҳда) танқид қилиш ёхуд диний ваъзхонлик қилиш, бир динни иккинчи диндан устун қўйиш қонунга зид эканлиги эътиборга олинади;

- диншуносликдан маъруза, амалий (семинар) машғулотларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фақат ўқув қўлланмаси, рисоаларда муайян мавзуга оид келтирилган ғоя, фикр-мулоҳазалар билан чегараланмасдан, балки диний матнлар, бирламчи манбалар, муқаддас китоблари асосида таҳлил қилинмоғи мақсадга мувофиқдир;

- талабалар мазкур фан мазмунини чуқур ўзлаштиришларига эришиш уларда дин ҳақида илмий дунёқарашни шакллантиради, олган билимлари асосида конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда ўз шахсий фикрларига эга бўлишларини таъминлайди;

- ушбу фан талабалар ёки бошқа шахслар муайян хатти-ҳаракатларининг давлат қонунларига, виждон эркинлиги тушунчасига мос ёки мос эмасликларини аниқлаш имкониятини шакллантириши лозим;

- мустақил Ўзбекистонда дин, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳар бир кишининг шахсий иши эканлиги талабаларга тушунтирилади. Дин маънавий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири сифатида уни сиёсийлиштиришга йўл қўймаслик лозимлигини уқтириш курснинг асосий ва муҳим вазифаларидан биридир.

Диншунослик фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, шу жумладан ислом қадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва хулосалари, таъриф ва тавсифлари диншунослик фанини ўрганишда дастурул амал, назарий асос бўлиши талаб этилади;

- диншунослик фан сифатида тикланиши ва ўқув тизимига киритилиши, унинг илмийлик, тарихийлик, объективлик, шахсий ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлик томонларини чуқур идрок этишга эришилади;

- диншуносликни асосий фанлар қатори ўқитилиши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофати эканлиги, дин, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан давлат томонидан адолатли сиёсатнинг ўрнатилиши, виждон эркинлигининг фуқароларга конституцион кафолатланишига тушуниб етиш зарур;

- диннинг таърифи, тавсифи, таълимоти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўрганишга икки хил ёндашув мавжудлиги: эътиқод (илоҳиёт-теология) фани жиҳатидан ва тадқиқот

нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ҳар иккала нуқтаи назар натижасида тўпланган илмий, амалий, тарихий, фалсафий маълумотларнинг кишилик жамияти учун улкан аҳамиятини эътироф этиш муҳим;

- ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофати эканлиги, айни вақтда бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд бўлган динлар тарихи, диний тажриба тадқирий тараққиётини ўрганиш талабаларда Ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиши лозим;

- талабалардан Ўзбекистон Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонун ва бошқа қонуний ҳужжатларда диний масала юзасидан белгиланган инсон ҳуқуқлари, турли диний жамоа ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш талаб этилади;

- дин ва қонун ўзаро муносабатларини яхши билиш Республикада демократик, ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бинобарин, талабалардан қонунга ҳурмат ҳиссини, ўзинигина эмас, балки бошқаларнинг ҳам диний ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиш, ўз шахсий фикрларини бошқа кишиларга тазйиқ билан ўтказиш, турли норасмий диний мазҳаб ва гуруҳларга жалб этиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлиги, жамоат жойларида диний масалаларда зўравонлик, мутаассибликка, тажовузкорликка йўл қўймасликни чуқур тушуниб етиш талаб этилади;

- Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда диншунослик фанини ўқитиш жараёнида талабаларда ва улар орқали фуқароларда турли конфессиялар вакиллари билан мулоқот этишнинг юксак маданиятига эришиш руҳида тарбиялаш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Диншунослик фани ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган, ривожланган ва ҳозирда ҳам шу жараён давом этмоқда.

Энг қадимги замонлардан бошлаб фалсафий тафаккурда дин масаласи файласуф олимлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Динга таъриф ва тавсифлар берилган. Фалсафий дунёқараишда динни ғоялар тизими сифатида таҳлил этувчи дин фалсафаси йўналиши шаклланган.



Психология фани тармоқлари мураккаб ҳодиса бўлган динни инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилганлар. Бунинг натижасида дин психологияси фани шаклланган ва ривожланган. Диншунослик асосларини ўрганишда психология фанининг кўп сонли ютуқларига суяниш муҳимдир.

Муайян жамиятда диний таълимнинг тарқалиши, унинг кишилар онига таъсир даражаси (диний онг даражаси), ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётга таъсири ва ролини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар хулосаларига мурожаат қилинади. Кейинги 2 аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи дин социологияси фани барқ уриб ривожланди.

Булардан ташқари диншуносликнинг дин антропологияси, дин феноменологияси, дин тарихи, дин аксиологияси каби тармоқлари мавжудки, уларнинг ютуқларидан ҳам диншунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти шароитида диншунослик фанини фақат сўз ёрдамида ўқитиш яхши самара бермайди. Шунинг учун дастурнинг мазмунидан келиб чиқиб техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, аудио, видео, киноаппаратура ва компьютерлари бўлган олий ўқув юртиларида муайян динларнинг келиб чиқиши тарихи, диний йўналишлар, мазҳаблар ҳақида ҳикоя қилувчи ўқув фильмлари, слайдларни намойиш этиш, CD компактдисклар, харита, схема, фотография ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Курс ўқитишнинг биринчи соатларидан бошлаб маъруза, амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари ва шунга оид тавсия этилган адабиётлар рўйхати билан таништирилади. Маъруза матнлари ва бошқа ўқув ҳужжатлари китобча ҳолида талабаларга кўпайтириб берилиши ҳам мумкин. Шу билан бирга курс бўйича мустақил тайёргарлик кўриш, мустақил билим олиш юзасидан талабаларга услубий йўлланмалар берилади.

Муаллифлар ушбу маъруза матнларини тайёрлаш жараёнида ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаган устозлар — т.ф.д. проф. А. Ҳасанов, с.ф.д. проф. З. Мунавваров, ф.ф.н. доц. А. Азимов, т.ф.н. доц. А. Мўминовларга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

*«Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўтадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак».*

*И. А. Каримов*

## **1-мавзу. «ДИНШУНОСЛИК» ФАНИГА КИРИШ**

### **Режа**

- I. Диншунослик фанини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад;*
- II. Бу соҳада эришилган ютуқлар;*
- III. Диннинг жамиятдаги функциялари;*
- IV. Дин ижтимоий ҳодиса сифатида;*
- V. Диннинг пайдо бўлиши масаласи;*
- VI. Динлар таснифи.*

Дин инсоният маънавий ҳаётининг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикасида зиёлилар олдида маънавий баркамол инсонни шакллантириш вазифаси қўйилган бир пайтда дин масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Мазкур масалани ҳал этишда илгариги динга агрессив ҳужум этиш услубининг салоҳиятсизлиги ҳаммага очиқ-ойдин. Лекин кейинги пайтда пайдо бўлган диний бўлмаган масалаларни диний деб аташ, ҳар қандай, ҳатто бир-бирига зид бўлган, фикрларни таҳлил қилмасдан туриб мақташ услуби ҳам ўзини оқламайди. Демак, ушбу масалага принципиал, профессионал, илмий ёндашув даркордир.

Ўзбекистон Россия империяси ва Совет Иттифоқи таркибида бўлган ва жаҳон ҳамжамиятидан ажратилиб яшаган бир даврда, Фарбда XIX асрнинг ўрталарида вужудга келган диншунослик фани анча йўл босиб ўтиб, кўплаб илмий натижаларга эришди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тадқиқотчилари бу янги соҳа билан яқиндан танишиб, мутахассис-кадрларни тарбиялай бошладилар.

Дин - эътиқод ҳамдир, бу эса ҳар бир кишининг шахсий иши. Лекин шахсни ҳар қандай миссионер ташкилотлар ихтиёрига ҳам ташлаб қўйиб бўлмайди. Озод жамиятда ҳар бир инсон динга ўз шахсий муносабатини белгилаб олиши учун унга

ҳар томонлама, бой, холис-илмий ахборот зарур. Бундай ахборот кўп қиррали бўлмоғи, бировнинг ғаразли шарҳисиз асл матнлар шаклида бўлса мақсадга мувофиқдир. Эскирган маълумотлар асосида мутахассис бўлмаган муаллифлар томонидан ёзилган асарлар ҳозирги замон ахборот эркинлиги ва унинг етиб келиши осон бўлган шароитларда ўқувчиларнинг кўз ўнгида мазкур муаллифларнинг обрўсизланишига ёки ўқувчини нотўғри тасаввурга эга бўлиб қолишига олиб келади.

Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини яхши билиш демократик жамият пойдеворини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни турли диний жамоа аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳақида тўла маълумот беради. Ўқувчиларда қонунга ҳурмат ҳиссини, ўзининггина эмас, бошқаларнинг ҳам диний ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш, тушунишга ҳаракат қилиш, ўз шахсий фикрларини бошқа кишиларга тазйиқ билан ўтказиш гайриқонуний хатти-ҳаракат эканлиги, жамоат жойларида диний масалаларда зўравонлик, тажовузкорликка йўл қўймаслик дунёқарашини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда унинг фуқаролари турли конфессиялар вакиллари билан мулоқот этишнинг юксак маданиятига эга бўлиши ҳам жуда муҳимдир.

Дин табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятнинг бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш, таълимотдир.

Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комит инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир.

Дин нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умумий нуқтаи назар шуки, дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва энг гўзал руҳий-маънавий эҳтиёжларидандир. Дунёда дини, ишончи бўлмаган халқ йўқ. Чунки муайян халқ динсиз, эътиқодсиз, бирор-бир нарсага ишончсиз ҳолда яшай олмайди.

Диншуносликда динга «диннинг ўзи нима?», «унинг моҳияти нимадан иборат?» деган савол нуқтаи назаридан ёндашишдан ташқари дин «қай тарзда фаолият олиб боради?» деган савол нуқтаи назаридан ҳам ёндашув мавжуд. Бу масала билан кўпроқ дин социологияси шуғулланади.

Социологик нуқтаи назардан қаралганда дин жамият учун зарурий нарса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу дегани динни жамиятдаги бажарадиган вазифаларига кўра ўрганиш мумкин демакдир.

Диннинг вазифалари деганда унинг алоҳида шахсга ва жамиятга таъсир қилиш йўли ва табиати назарда тутилади. Бунда ҳар бир дин унга эътиқод қилувчи муайян бир шахсга у ёки бу жамоага ва умуман жамиятга нима беради? Инсонлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатади? Шунга ўхшаш масалалар ўрганилади.

Диннинг ижтимоий вазифалари ҳақидаги таълимотни диншуносликда функционализм ривожлантиради. Функционализм жамиятга ижтимоий тизим сифатида қарайди: унда жамиятдаги ҳар бир элемент муайян функцияни бажаради. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз эътиқод қилувчилари учун **тўлдирувчилик, тасалли берувчилик - компенсаторлик** вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиши ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётини мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезган. Ана шундай эҳтиёж диний эҳтиёж эди. Дин бу ўринда маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва ҳали ҳам бажармоқда.

Масалан, буддавийлик дини роҳибликни тарғиб қилар экан, бу дунёда орзу-ҳаваслардан, роҳат-фароғатдан воз кечган инсон *нирвана* ҳолатига эришгач, абадий роҳатда бўлишини таъкидлайди.

Шунингдек, христианликда ҳар бир христиан Исо Масиҳнинг қайтишига умид қилган ҳолда ҳаётнинг турли муаммоларини енгиб, сабр-бардош билан ҳаёт кечиради. Чунки христианлик Исо Масиҳ қайтиб келгач барча издошларини саодатли ҳаётга етказиши ҳақидаги таълимотни илгари суради.



Шунингдек, ислом динида ҳам ҳар бир мусулмон бу дунёда эришмаган моддий ёки руҳий орзу-истакларига охиратда эришишига ишонган ҳолда дунё орзу-ҳавасларига ортиқча берилмай, турмуш машаққатларига сабр қилади.

**Иккинчидан**, муайян дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилган ва ҳозирда ҳам шундай. Бу ижтимоий ҳодиса диннинг **бирлаштирувчилик - интеграторлик** вазифаси деб аталади. Дин ҳамisha муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётнинг ўз таъсирида бўлишига интилади. Бу таъсирнинг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида дин халқларнинг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, шунингдек адабиёти ва санъатига ҳам таъсир ўтказади.

Масалан, яҳудийликда мазкур дин вакиллари бир мафкура атрофида сақлаб туриш учун уларни бир миллат ва ягона маслак эгалари эканликлари, ягона худо - Яхвенинг энг сеvimли бандалари эканликлари уқтирилади.

Христианликда ҳам эътиқод қилувчиларни бу динга янада кўпроқ жалб этиш учун диний меморий, тасвирий, musiқа санъати турларидан унумли фойдаланилади. Христианликда махсус *икона* чизувчилик мактаблари фаолият олиб боради.

**Учинчидан**, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини **тартибга солиб, назорат қилувчилик - регуляторлик** вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатларининг, маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида, қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди.

Масалан, исломда кунига 5 маҳал намоз ўқилиши, ҳар ҳафта жума намозини жоме масжидларда адо этилиши, Рамазон ойида бир ой рўза тутилиши, рўза ('ийд ал-фитр) ва қурбон ('ийд ал-адҳо) ҳайитларининг нишонланиши мусулмонларнинг ҳаёт тарзини тартибга солиб туради.

**Тўртинчидан**, дин алоқа боғлашлик, **бирлаштирувчилик - интеграторлик** вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқадорликда бўлишини таъминлашга интилади. Бунда у ёки бу динга эътиқод қилувчи кишиларнинг ўз динидаги бошқа кишилар билан алоқадор эканлиги, ўзаро ҳуқуқ ва бурчларининг борлиги, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажарилиши лозимлиги назарда тутилади.

**Бешинчидан**, диннинг **интеграторлик** вазифаси билан **легитимловчилик-қонулаштирувчилик** вазифаси чамбарчас боғлиқ.

Диннинг бу функциясининг назарий асосини йирик америкалик социолог Т. Парсонс ишлаб чиқди. Унинг фикрича, «ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай нормаларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни ҳам белгилайди».

**Олтинчидан,** дин вазифаларининг **фалсафий, назарий** жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу вазифа инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, *дорулфано* ва *дорулбақо* дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туришидан иборатдир.

Кишилик жамиятида дин доимо у билан бирга бўлганми ёки қандайдир даврда жамият динсиз яшаганми, деган саволга турли фикрлар билдирилган. Бу - диннинг тарихийлиги масаласи бўлиб, унга икки хил жавоб берганлар. Биринчиси, марксистик таълимотнинг собиқ тарафдорлари фикрича, «қандайдир муддат инсоният динсиз яшаган ва жамиятнинг муайян босқичида - юқори палеолит даврида, бундан 20-40 минг йил аввал дин пайдо бўлган», дейилган. Иккинчиси, «диннинг келиб чиқиши инсониятнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ», деган фикрдир.

Диний тафаккурнинг шахсий ёки ижтимоий илдизлари муаммосини ҳал қилиш билан диннинг келиб чиқиши муаммосини ҳал қилиш мумкин бўлади. Э.Тайлор каби эволюцион йўналишдаги позитивистларнинг чиқарган хулосасига кўра, диннинг илдизини «файласуфлик қилган ёввойи одам»га тақайдилар. Яъни, «у ўз-ўзига борлиқ, ўзини ўраб турган оламнинг пайдо бўлиши ва ўзи кузатган ҳодисаларнинг ҳақиқати ҳақида савол берган. Унда фикрлаш юқори даражада бўлмаган. Шундан сўнг унда руҳлар, худолар, фаришталар ҳақида тасаввурлар пайдо бўлган».

Диннинг келиб чиқиши ҳақида яна бир назария мавжуд: «*Биринчи ёлғончи биринчи нодонни учратганда* дин пайдо бўлди». Бунда дин ёмон ниятли кишиларнинг ўйлаб топган нарсаси бўлиб чиқади. Бу иккала назария ҳам ҳеч қандай илмий асога эга эмас.}

Файласуфлик қилган ёввойи одам концепцияси бўйича «ибтидоий одам ёлғиз ҳолдаги чуқур фикр юритувчи бўлган. У ўз олдига улкан саволларни қўйган. Бу саволлар унинг кундалик ҳаётида керак эмас эди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ибтидоий одамнинг фикр юритиши унинг кундалик ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган. Бу фаолиятнинг табиати, шарт-шароитлари биргина одамга тегишли бўлиб қолмай, барчага баробар, ижтимоий группа, қабила, уруғ, халққа тегишли эди».

Диннинг келиб чиқиши «бир одам бошқаларни алдаши натижасида келиб чиққан», деган фикр ҳам танқидга учраган. Бошқа фикрга кўра, «дин - бу жамиятдаги кишиларнинг бараварига ўз-ўзини алдаши натижасида келиб чиққан. Шунинг учун ҳам *дин ижтимоий ҳодисадир* деган хулосага келиш мумкин», дейдилар.

Дин инсоннинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлди. Шунинг учун ҳам динни ўрганиш - бу инсониятни ўрганиш демакдир. Динни инсониятдан, инсониятни диндан ажратиб бўлмаслигини тарихнинг ўзи исботлади. «Коммунистик жамиятда дин йўқ бўлиб кетади» дейилган фикрнинг аксича коммунизм ҳаёлий нарса-ю, дин доимий эканлиги амалда исботланди. Демак, дин инсоният билан доимо бирга бўлган.

Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, миқёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа хослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади:

1. **Уруғ-қабил динлари** - тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабил бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган;

2. **Миллат динлари** - маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик (яҳудий миллатига хос), ҳиндуийлик (ҳиндларга хос), Конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради;

3. **Жаҳон динлари** - дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъиназар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Бундан ташқари динлар таълимотига кўра **монотеистик** - якка-худолик (яҳудийлик, ислом каби) ва **политеистик** - кўпхудолик (ҳиндуийлик, конфуцийчилик каби) динларига бўлинади.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Диншунослик фанининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Динга қандай таърифлар берилган?
3. Дин жамиятда қандай вазифа(функция)ларни бажаради?
4. Динни ўрганишда қандай ёндошув турларини биласиз?

5. Динлар нималар асосида тасниф қилинади?
6. Динларнинг қандай турларини биласиз?

*Таянч сўзлар:*

- |             |                       |
|-------------|-----------------------|
| 1. Эътиқод; | 6. Қиёмат;            |
| 2. Охират;  | 7. Позитивизм;        |
| 3. Жаннат;  | 8. Ибтидоий файласуф; |
| 4. Дўзах;   | 9. Политеизм;         |
| 5. Фаришта; | 10. Монотеизм.        |

*Семинар учун мавзулар*

1. Диний эътиқод тушунчаси.
2. Диннинг жамиятдаги вазифалари.
3. Диннинг бошқарувчилик вазифаси.
4. Диннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги турли қарашлар.
5. Динлар таснифи.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Мўминов А. Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Тошкент, 1999.
3. Радугин А. А. Введение в религиоведение. М., 1996.
4. Угринович Д. М. Введение в религиоведение. М., 1985.
5. Фромм Э. Психоанализ и религия. // Фромм Э. Иметь или быть? М., 1990.
6. Закон божий: Вторая книга о православной вере. Волгоград, 1987.



«Мозийга қайтиб иш кўриш  
хайрлидир».

Абдулла Қодирий

## 2-Мавзу. ДИННИНГ ИБТИДОИЙ ФОРМАЛАРИ

### Режа

- I. Диний онг асосларининг шаклланиши;
- II. Тотемизм;
- III. Анимизм;
- IV. Шаманизм (магия);
- V. Фетишизм;
- VI. Ибтидоий мифология;

**Диний онг асосларининг шаклланиши.** Илмий адабиётларда келтирилишича, «ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин, биологик, психологик ва бошқа соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу нафақат унинг ҳаёти ва фаолиятига, феъл-атворига, балки унинг фикрлаш даражасига, кучли ҳаяжонланишига, тасаввур этишига, мустақкам ҳақиқий ёки сохта мантиқий қонуниятларни кашф этишига таъсир кўрсатди. У ибтидоий бўлса ҳам ақлли, фикр юритувчи, маълум таҳлилга қобилиятли, конкрет ҳолатда фикр юрита оладиган, доимий фаолиятида вужудга келган амалий тажрибаларга эга бўлган одам эди. Бундай таҳлил нимага асосланган? Билим миқдорининг ниҳоятда озлиги ва уни доимий такомиллашиб бориши, олдинда турган ҳаётдан кўрқув ва уни енгишга бўлган интилиш, амалий тажрибани узлуксиз кўпайиши, табиат кучларига мутлақ тобелик ва ундан қўтилишга тиришиш, атроф-муҳит инжиқликлари ва уларни енгиш ва ҳ.к. - буларнинг барчаси шунга олиб бордики, унинг илк қадамидан нафақат мантиқий талабчанлик, балки ҳиссий-ижтимоий, хаёлий-фантастик муносабатлар келиб чиқди. Гап «онгли ёввойи» ёки «абстракт фикрловчи киши» тўғрисида бораётгани йўқ, айтилган жамоанинг қонун қоидаларидан чиқмаган ҳолда, қолаверса 20-50 кишидан иборат бўлган кичик қабила, меҳнат фаолияти жараёни (ов, озуқа излаш, қурол ясаш, турар жойни жиҳозлаш, оловни сақлаш ва ҳ.к.) доимий ижтимоий муносабатлар, оилавий уруғдошлик алоқалари ва ҳодисалар жараёнида (никоҳ алоқалари, туғилиш ва ўлим) ушбу жамоанинг руҳ ҳомийлари, ғайритабиий кучлар ва воқеийлик ўртасидаги ғайриоддий

алоқалар тўғрисида ибтидоий тасаввурлар мустақамлашиб борган. Реал ҳаёт билан бир қаторда ўзга дунё мавжудлиги, марҳумлар тириклар ҳаётига таъсир эта олиши тўғрисидаги фоялар юзага келди».

**Дафн этиш жараёни.** Ибтидоий одам ўз қариндошларини кўмишда махсус маросимлар, маълум тайёргарлик удумларига амал қилар эди: жасадни қизил минерал бўёқ билан қопланар, унинг ёнига кундалик эҳтиёж буюмлари, зеб-зийнатлар, асбоб-анжомлар ва ҳ.к. қўйилар эди. Буларнинг бари ўз жамоа аъзоларини дафн этаётган жамоа охират мавжуд эканлиги ҳақида ибтидоий тасаввурларга эга бўлганлигидан далолат беради.

**Ов қилиш.** Бизга маълумки, археологик изланишлар жараёнида ер юзининг турли жойларидаги ёрларда ибтидоий одам томонидан чизилган расмлар топилган. Фанга маълум бўлган бу ёрлардаги суратларнинг кўпчилиги ов саҳнаси, одам ва ҳайвонларнинг тасвирлари, ҳайвон терисини кийган одамлар, ярим одам ва ярим ҳайвон қиёфасидаги мавжудот суратларидан иборат. Бу суратлар далолат қиладики, ибтидоий одамлар ўзлари ва ҳайвонлар ўртасидаги табиий ва тағайритабиий алоқалар мавжудлиги ҳақидаги тасаввурларга эга эдилар. Бу билан бирга марҳум аждодларининг руҳлари сеҳрли усуллар билан ҳайвонлар ҳулқига таъсир этиш имкониятига эга деб билар эдилар. Бу тасаввурлар тириклар билан марҳумлар ўртасидаги воситачилар, яъни турли хилдаги сеҳргарлар ва шаманлар фаолиятининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ибтидоий одам ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимизга кўра, унинг ҳаётида келиб чиққан диний тасаввурлар қуйидаги ибтидоий дин шаклларида намоён бўлган.

**1. Тотемизм.** Тотем сўзи - Шимолий Америкада яшайдиган **Ожибва** қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади. Унинг моҳияти «одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор», деб эътиқод қилишдир. Эҳтимол, маълум бир жамоанинг аввалда асосий озуқа манбаини ташкил қилган ҳайвон ёки ўсимликка нисбатан эътибор кейинчалик вужудга келган қабиланинг диний тасаввурларининг асосий шаклларида бирига айланган бўлиши мумкин. Уруғдош гуруҳлар ўзларини умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ёки ўсимликдан келиб чиққан деб билар эдилар. Аммо бундай тотемлар ва одамлар орасидаги алоқалар узоқ ўтмишга тегишлидир ва билвосита уларнинг

мавжуд бўлганлигини фақатгина қадимги ривоятлар тасдиқлайди. Масалан, ҳозирги давргача Австралия Аборигенлари орасида сақланиб қолган афсоналардан уларнинг тасаввурларини билиб олиш мумкин.

Уруғдош жамиятнинг шаклланиши жараёнида тотемизм муҳим рол ўйнади. Айниқса, улар қариндош гуруҳларнинг бошқалардан ажралишига сабаб бўлди. «Ўзимизники», яъни бир тотемга тегишли деган аниқ таассурот пайдо бўлди. Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар ва нормалар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилди. Бу тотемга хос бўлмаган бегоналар бу жамоа урф-одати ва нормаларидан четда ҳисобланган. Тотемизмнинг бундай ижтимоий роли тотемистик кўринишларни эволюцион характериға ҳам таъсир кўрсатди. Вақт ўтиши билан қариндошлик тизимининг мустаҳкамланиб бориши жараёнида биринчи даражали тотем тартиби ҳақида тасаввур илгари сурилди. *Зооантропоморф* кўриниши билан аралашган ҳолда одам билан унинг тотеми қариндошлиги орасида оилавий муносабатлар ҳақида, яъни одам вафот этгач унинг ўз тотемига айланиши ёки аксинча - тотемдан қайта инсон шаклиға келиши ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлди. Биринчи томондан бунинг ҳаммаси ўтган ота-боболар руҳларининг кучайишиға ва илоҳий кучларға ишончни ошишиға олиб келган бўлса, иккинчи томондан тотемға бўлган муносабатларни ўзгаришиға, тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни тақиқланишиға олиб келди. *Табу* - таъқиқлаш тизими пайдо бўлди. Улардан энг муҳими тотемни овқат сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш эди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қабила бошлиқларига тотемни ейиш руҳсат этиларди. Шундай қилиб, тотемизм уруғчилик жамоаси - ижтимоий жамоаларнинг энг биринчисида диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

Инсоният ривожланишининг дастлабки босқичларида тотемизмнинг асосий вазифалари - биринчи маърузада айтиб ўтилганидек **бирлаштирувчилик, тартибға солувчилик** эди. Тотемизм диний шаклларнинг дастлабкиси бўлишиға қарамасдан, ҳозирда ҳам кўплаб халқларнинг урф-одатларида, эътиқодларида унинг унсурлари сақланиб қолган (Масалан, Ҳиндистонда *сигир*, Австралияда *кенгуру*, Қирғизларда *оқ буғу* афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланади).

**2. Анимизм** (лотин тилида **anima** - руҳ, жон маъноларини англатади). Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини руҳлантириш ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклларида бири. Илк анимистик тасаввурлар қадим ўтмишда, эҳтимол тотемистик қарашлар пайдо бўлгунгача, оилавий жамоаларнинг шаклланишига вужудга келган. Бироқ етарли тушуниб етилган ва барқарор кўринишдаги диний характерга эга бўлган тизим сифатида кечроқ, тотемизм билан бир вақтда шаклланиган.

Анимизм тотемизмдан фарқланади. Тотемизм маълум бир оилавий гуруҳнинг ички истеъмолига уни бошқалардан фарқлаш мақсадига йўналтирилган бўлса, анимистик тасаввурлар кенг ва умумий характерга эга. Улар ҳаммага тушунарли ва маъқул бўлган. Шу билан бирга у табиатнинг қудратли кучларини - осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалдироқ ва чақмоқ кабиларни илоҳийлаштириб, уларда руҳ мавжуд деб билар эди. Табиийки, ибтидоий одамлар нафақат табиатнинг буюк мавжудликларини, балки ер юзининг айрим алоҳида қисмлари - тоғлар ва дарёлар, адир ва ўрмонлар каби одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмларга ҳам илоҳий муносабатда бўлар эдилар. Ҳаттоки кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош, жарликларга ўхшаш нарсалар ҳам ибтидоий одамлар тасавурида жонли, тафаккурли, сезувчан ва ҳаракат қилувчи, шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушунилган. Шундай бўлгач, ушбу табиий нарса, ҳодисаларга эътибор билан муносабатда бўлиш тақазо этиларди, қурбонликлар қилиш, уларнинг ҳақиқа дуо қилиб, маросимлар уюштириларди.

Анимизм замонавий динларнинг барчасининг асосий ақидавий қисмини ташкил этади. Жумладан, жаҳон динлари бўлмиш буддавийлик, христианлик ва исломда ҳам руҳлар ҳақидаги таълимот мавжуд.

**3. Шомонлик ёхуд сеҳргарлик** («шомон» сўзининг тунгус тилидаги маъноси «сеҳргарлик»). Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал - урф-одатлар мажмуасидир. У тотемизм ва анимизм билан бир вақтда пайдо бўлиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. У қадим ўтмишда пайдо бўлиб, минглаб йиллар давомида ривожланишда давом этиб, сақланиб келган. Од-



атда афсунгарлик урф-одатлари билан махсус одамлар - шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Улар орасида айниқса узок ўтмишда аёллар кўп ўринни эгаллаганлар. Бу шаманлар ва афсунгарлар жазавали ва асабий кишилар бўлиб, одамлар уларни руҳлар билан мулоқотда бўлиш, уларга жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига чуқур ишонганлар. Шаманлар, одатда, маълум ритуал ҳаракатлар орқали овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва кўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавога солиб, ўзини йўқотиш, жазаванинг юқори нуқтасига етказиш билан афсунгарлик қилишган. Томошабинлар ҳам баъзан ўзини йўқотиш даражасига етиб маросимлар ишгирокчилари бўлиб қолишар эди. Одатда шаман маросим охирида бир ҳолатга келиб ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар эди. Шунинг учун унинг руҳлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади деб ҳисобланарди. Умуман, олганда ритуал маросимлар қисмлардан иборат бўлган афсунгарлик жамиятнинг ҳақиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётда амалга оширилган. Илоҳий кучлар дунёси билан бундай боғланиш йўли ҳаётда номаълум, олдиндан билиб бўлмайдиган шароитлардан келиб чиққан. Лекин шу билан бирга афсунгарлик одамларнинг фикр юритиш, онгини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Бу эса диний онгни шаклланиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Афсунгарлик фикр юритиш ривожланган сари одамга ўз-ўзидан бўладиган, фақатгина мақсадли йўналишдаги ҳаракатлар натижасида олинадиган эмас, балки илоҳий кучлар афсуни билан боғлиқ бўлган шароитлардан келиб чиқадиган кўриниш деб ҳисобланган. Натижада кўпчилик аниқ ҳодисалар, ҳаттоки алоҳида буюмлар сеҳрли куч эгаси сифатида қабул қилина бошланди.

Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин эди. Афсунгарлик мақсадга кўра қуйидагиларга бўлинади: 1) Зарар келтирувчи - ёвуз афсунгарлик. Унинг мақсади кимгадир зарар етказишдан иборат; 2) Ҳарбий афсунгарлик. Бу душманга қарши ишлатилади (масалан, қурол-аслаҳаларни сеҳрлаш); 3) Севги афсунгарлиги. Ундан «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш мақсадида ишлатилади. 4) Тиббий афсунгарлик. Ундан даволаш мақсадида фойдаланиш. 5) Об-ҳаво афсунгарлиги. Бу сеҳргарлик туридан ёмғир чақиритиш ёки шунга ўхшаш об-ҳавони ўзгартириш мақсадида фойдаланилган.

Сеҳргарлик ҳозирда ҳам замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

**4. Фетишизм** (фетиш сўзи французча *fetich* — бут, санам; тумор маъносидаги сўзни англатади). Унинг моҳияти табиатдаги

жонсиз предметларга сифинишдир. Унга кўра алоҳида буюмлар кишининг ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларнинг ўзгартириш кучига эга. Фетиш ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиш кучига эга.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмлар пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бу бутларда ва туморларда жамоалар ғайритабiiй дунёдан келадиган илоҳiiй қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Бундай фетишга одатда афсунгарлар, шаманлар эга эдилар. Улар афсунгарлик усулларига биноан бундай буюмларга таъсир кўрсатганлар. Ибтидоiiй одамларнинг дастлабки динiiй таас-суротлари умумiiй мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм яқунловчи босқич бўлиб қолди. Ҳақиқатда, аждодларни ва табиатни жонлантириш билан боғлиқ бўлган анимизм, турли тотемлар ҳамда ўлиб кетган авлодлар шахсига боғлиқ тотемизм орқали ибтидоiiй одамлар онгида реал буюмлар билан бирга илоҳiiй ва иллюзия дунёси борлиги ҳақидаги тушунча пайдо бўлди. Натижада уларнинг онгида афсонавий фикр юритиш қобилияти мустаҳкамланди ва ниҳоят фетишларнинг пайдо бўлиши шуни кўрсатадики, афсонавий қудрат фақатгина вақт ва бўшлиқда кўчиб юриш хусусиятига эга бўлиб қолмасдан, балки воқеiiй дунёдаги буюмларда ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилиб, уруғчилик жамиятининг ташкил топиш жараёнида ибтидоiiй одамларнинг онгида дастлабки динiiй кўринишларнинг кенг, аниқ, тартибли мажмуаси ишлаб чиқилди. Унинг маъноси шуни англатадики, динiiй тасаввурлар одам ҳаётининг бўлинмас, ҳаттоки асосiiй қисми бўлиб қолди. Жамият ва табиат қонунларини, албатта, ўша дунё кучлари бошқаради. Шунинг учун жамоа яхши яшайман деса, озуқалар билан таъминланган, кимнингдир томонидан ҳимояланган бўлишни истаса, биринчи вазифаси у ўша ғайритабiiй кучларни жуда ҳам ҳурмат қилиши керак эди. Дунё ҳақидаги бу тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узок вақт мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келди.

Фетишизмнинг унсурлари ҳозирги даврда ҳам халқларнинг урф-одат ва эътиқодларида сақланиб қолган. Масалан, барча динлардаги ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва турли рамзлар бунга яққол мисолдир.

**6. Ибтидоiiй мифология.** Ибтидоiiй одамнинг тасаввури ва эътиқодлари мажмуаси, уларнинг реал ҳаётдаги

қийинчиликлари, муаммолари ва ютуқлари оғзаки ижодда акс этган. Бу нарса одамларнинг онгида қолиб, турли афсона-ларнинг яратилишига сабаб бўлган. Ибтидоий мифологияни ташкил этган ижод доим одамларнинг маънавий ҳаёти, ибодати, ҳиссиётлари ва диний тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Буни тушуниш осон: агар ибтидоий одамнинг асосий маънавий ҳаётида тотемларга, марҳум аждодларга ибодат қилиш, улар билан сирли қариндошлиги бўлса, мифологиянинг марказида зооантропоморфик аждодлар ёки ҳар-хил мўжизалар кучига эга бўлган илоҳийлаштирилган қаҳрамонлар турарди. «Маданий қаҳрамон»ларнинг исмлари афсоналарда бирон бир муҳим яратилган ихтиро ёки янгиликда мужассам бўлган. Масалан, оловни топиш, оила ва никоҳлар шаклини ўрнатиш, меҳнат ва ов қуролларини ясаш ва бошқа жасоратларга оид ақидаларни ташкил қилиш. Космогоник сюжетлар ибтидоий мифологияда катта ўрин эгаллаган. Яъни ер ва осмон, қуёш ва ой, ўсимлик ва ҳайвонот ва ниҳоят одамнинг яратилиши тўғрисида ривоятлар ва афсоналарда диний тасаввурларнинг таъсири яққол намоён бўлган. Руҳларни янги шаклга кириш сеҳрли хусусиятига, яъни ўз қиёфасини ўзгартириш қобилиятига эга, бир вақтнинг ўзида одам ва ҳайвон шаклидаги монстр деб ҳисоблашарди.

Ибтидоий мифологияда ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият, аёл ва эркеклар орасидаги муҳим алоқалар тасвирланган эди. Мифологиянинг бундай қарама-қаршиликларини таҳлил қилиш ҳозирги шароитда инсон тарихининг қадимги босқичини қайта тиклаш учун муҳим манба ҳисобланади. Хусусан, бу таҳлил ибтидоий жамоаларда тараққиётнинг боришида диний тасаввурларнинг муҳим ролини аниқлашга имкон яратади.

**7. Неолит давридаги диний тасаввурлар.** Неолит революцияси одамларнинг турмушини, уларнинг таъсир этадиган барча соҳаларни тубдан ўзгартирди. Одам ўсимликларни ўстириш, озуқа захираларини ҳосил этишни аста-секин ўрганди. Бу одамни ўтроқ ҳаёт кечирishга мажбур этди. Қадимда ҳайвонларни қўлга ўргатди ҳамда улар бераётган маҳсулотдан фойдаланишни ўрганди. Бу нафақат гўшт, балки сут ва теридир. Овқат пишириш билан танишиши ҳамда идишлар ясаш одамни янги муҳим материалларни узгартиришга мажбур этди. Одам, овқат ва ичимликлар сақлаш учун мўлжалланган идишлар, уй қуриш учун фойдаланадиган лойни тайёрлашга ўрганди. Неолит

даври юқори полеолитдан кескин фарқ қилади. Шу жумладан, тош буюмларни силлиқлаш ва сайқал бериш - бу эса муҳим фарқ ва шу фарқ даврга ном берди (Неолит - янги тош даври, янги тош ишлаш, янги усуллар даври).

Неолит даври деҳқонларга янги ишлаб чиқариш имконини берди. Деҳқонлар зич ва кўпчилик гуруҳлар билан ўрнашарди. Душмандан ҳамда ёввойи ҳайвонлардан ҳимояланган қишлоқлар кенгайиб, атрофларида кичик қишлоқчалар ўрнашар эди. Тинчлик ва овқат билан таъминлаш, туғилиш ва болаларни тирик қолиши ва ўсишига имкон берар эди. Аҳолининг кескин кўпайиши янги ерларни ўзлаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгариши диний тасаввурларнинг ривожланишига янги имкониятлар яратди.

Деҳқончиликнинг эҳтиёжлари ҳосилни узоқ вақт сабрсизлик билан кутиш кераклиги, ҳамда аниқ вақтни ҳисоблаш муҳимлиги, ер фаслларининг цикллари билиш — буларнинг ҳаммаси деҳқон қабилаларининг осмону ерга, кўёшу ойга, ёмғиру шамолга янги қизиқишини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу дегани қудратли руҳларга боғлиқлик сезиларли ва кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Илгир ва қурбонлик уларга атала бошланди. Аммо табиий имкониятлар тўғрисидаги тасаввурлар кескин ўзгарди. Натижада қадимги руҳлар - анимистик сифиниш объекти аста-секин ўта қудратли худоларга айландилар. Улар учун меҳроб ҳамда черковлар ташкил этиларди ва уларда кеча ва кундуз, деҳқонлар жамоасидан махсус ажратилган мутахассис хизматкорлар - келажакдаги қоҳинлар хизмат қиларди. Қадимги тотемистик тасаввурлар ҳам ўзгарди, деҳқонларни ҳаёти ов натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳайвонлар қадрлана бошланди, аммо ҳайвонлар ва тотемистик тасаввурлар авлодлар хотирасида сақланиб қолаверган. Бу эса зооморфик ташқи қиёфани бирон-бир сифинилган худога акс этишига олиб келди. Аксар худоларнинг кўриниши ҳайвон, қуш, балиқларнинг ё боши, ё танаси шаклида бўлар эди. Бу мифологик қаҳрамонларнинг юқорида айтиб ўтилган худога қариндошлиги сақланиб қолган.

Фетишизмнинг сокин характери ўзгарди, худоларнинг қудратли бутлари, меҳроблар ёки черковлар ёнига ўрнатилган йирик ҳайкаллар шаклига айланди.

Баъзан бутлар ўрнига рамзий ҳайкалчалар, турли шаклдаги тошлар гуруҳи фойдаланилди. Фетишизмнинг ривожланишида бу ҳайкал ва қурилмалар ибодатхоналарнинг рамзи бўлиб хизмат қилди.



Афсун ҳам ўзгарди. Афсунгарларнинг душманларга зиён етказиш ва омадли ов билан таъминлаш, руҳлар ёрдамида ўз мақсадига етишишнинг ибтидоий усуллари ўрнига янги, пухта ўйланган илоҳлар билан алоқа маросимлари, бошқа диний маросимлар, ибодат ва қурбонлик қилиш тартиблари юзага келди. Булар асосида қадимги афсунлар ётар эди. Аммо бир қанча янгиликлар юзага келди. Бундай янгиликлардан бири - фол ва башорат эди. Булар афсунга яқин бўлган, ҳамда унга асосланган афсун принциплари ва усуллари эди. Аммо унинг мақсади бошқа эди: бу истакни амалга ошириш эмас, балки уни билишдир. Фолбинликнинг илк шакллари неолит давридан илгари ҳам амал қиларди. Аммо тизим сифатида неолит даврида яқунланди. Неолит давридаги деҳқонлар қудратли тангридан кўрққан ҳолда унинг яхши ният муносабатларига жуда қизиқар эдилар. Бунинг учун табиат кучлари илоҳларига ёки илоҳийлаштирилган аждодларга ибодат (қурбонлик) қилишар эди. Уларнинг хаёлида келтирилган қурбонликлар ҳамда илоҳийларга ибодат қилишлари уларга ёрдам келтиради ва илтимосларини рад этмайди. Аммо буни қандай билиш мумкин? Мана шу ерда барча усул ва принциплари билан фол очиш ёрдамга келар эди. Ҳар бир шаманга мунсуб бўлган ибтидоий афсун маросимларидан фарқли ўлароқ, фолбинлик юқори савияли маданиятни талаб этарди. Маросимларни олиб борувчи фолбин кийим шартли белгилар тизимига риоя қилиши шарт эди. Бу шартли белгилар илоҳини қониқтирганлигини ҳамда уларнинг илгижоларига аниқ жавоб беришга тайёрлигини англатарди. Белгилар тизими ҳар хил - элементар қуръа ташлашдан то мураккаб чизик, ёруғ нуқта ва чизикларни қўшилишигача бўлар эди.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Диннинг қандай ибтидоий шаклларини биласиз?
2. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотчилар қандай фикрлар билдиришган?
3. Фетишизм диннинг қандай кўриниши?
4. Анимизм қандай эътиқодга асосланади?
5. Шомонлик деганда нимани тушунасиз?

### *Таянч сўзлар:*

- |           |           |
|-----------|-----------|
| 1. Шаман; | 4. Фетиш; |
| 2. Магия; | 5. Миф;   |
| 3. Тотем; |           |

### *Семинар учун мавзулар*

1. Диннинг пайдо бўлиш масаласи.
2. Диннинг эътиқодлар ва урф-одатларнинг уйғунлашуви.
3. Ижтимоий ҳаёт тарзининг диний эътиқодлар шаклланишига таъсири.
4. Сеҳргарлик фаолияти ва уларнинг турлари.
5. Ҳайвонларни муқаддаслаштириш эътиқоди.
6. Жонсиз нарсаларга сифиниш шаклланиши.
7. Руҳ ҳақидаги тасаввурлар.
8. Ибтидоий дафн маросимлари.

### **Адабиётлар:**

1. Жўраев У. Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т., 1998.
2. Мень А. История религии. М., 1994.
3. Мифы народов мира. В 2-х томах. М., 1973.
4. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. под общ. ред. И. Н. Яблокова. М. 1995.
5. Радугин А. А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996.
6. Религиозные традиции мира. В 2-х томах. М., 1996.
7. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
8. Васильев А. С. История религий Востока. М., 1997.
9. Кривелев И. А. История религии. М., 1989.
10. Леви-Брюль. Первобытное мышление. М., 1930.

*«Умрининг бутун маъноси  
мавҳумликни тўхтовсиз забт этиши,  
тобора ва ҳамиша кўпроқ билишга  
интилишидир».*

*Эмил Золя*

### 3-Мавзу. МИЛЛИЙ ДИНЛАР

#### Режа

- I. Яҳудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти;
  1. Яҳудийликдаги оқимлар;
  2. Муқаддас манбалари;
  3. Маросим ва байрамлари;
  4. Яҳудийлар Ўрта Осиёда;
- II. Веда ва веда динлари;
  1. Ведалар;
  2. Брахманлик;
  3. Ҳиндуйлик;
- III. Конфуцийчилик;
- IV. Даосизм.

#### 1. ЯХУДИЙЛИК

**Яҳудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти.** Яҳудийлик дини эрамиздан аввалги 2000 йилларнинг охирларида Фаластинда вужудга келиб, яккахудолик ғоясини тарғиб қилган диндир. Яҳудийлик миллат дини бўлиб, фақатгина яҳудий халқига хос; Яҳудийликнинг китобий асослари эр. ав. IV-III асрларда шаклланди. Бу диннинг таълимотига кўра оламларни яратувчи ягона худо Яҳве мавжуд. У Тавротни яҳудийларга бериш билан улар билан аҳд тузган. Гўёки яҳудийлар Яҳвенинг ер юзидаги халқларнинг «энг мумтози» ва кейинги дунёда берилажак инъомларнинг энг ҳақлиси, Мусо Яҳвенинг элчиси, Тора (Таврот) Яҳве томонидан Мусога Тур тоғида берилган муқаддас китоб. Яҳве оламларни яратишни якшанбада бошлаб, жума куни тугатди, шанба куни эса дам олди ва яҳудийларга ҳам шу куни дам олишни буюрди. Шунинг учун яҳудийлик динига кўра шанба куни улуғ кун ҳисобланиб, ҳеч қандай меҳнатга қўл урилмайди.

Бундан ташқари яҳудийликда *мессия* - халоскорнинг келиши ҳақидаги таълимот ҳам кенг ўрин олган. Унга кўра охирзамонда

Яҳве яҳудийлар орасидан бир халоскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) дунёни қайтадан, ислоҳ қилган ҳолда қуриш; 2) бутун яҳудийларни Синон (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофида тўплаш; 3) уларнинг барча душманларини жазолаш.

Мусо Тур тоғида Яҳве билан учрашганда унга 10 та лавҳани туширди. Уларда ушбу дин асосини ташкил қилган 10 та насиҳат бор эди:

1. Яҳведан бошқани илоҳ деб ушламаслик;
2. Бут, санам ва расмларга сифинмаслик;
3. Бекордан-бекорга Худо номи билан қасам ичмаслик;
4. Шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш;
5. Ота-онани ҳурмат қилиш;
6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик;
7. Зино қилмаслик;
8. Ўғирлик қилмаслик;
9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик;
10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

**Яҳудийликдаги оқимлар.** Яҳудийликдаги оқимлар ҳақида гапирганда уларни қадимий оқимлар ва замонавий оқимларга бўлишимиз мумкин. Қадимий оқимларга: *Садуқийлар, Фарзийлар, Ессейлар* киради.

Садуқий номи подшоҳ Довуд пайғамбар даврида яшаган руҳоний Садуқ номи билан боғлиқ. Кўплаб мансабдор руҳонийлар садуқий бўлганлар. Улар диний ишларда фақат Қонун (Мусонинг беш китоби)ни тан олганлар. Қонунда руҳонийлар, қурбонликлар, ибодатлар ҳақида сўз боради, лекин охираат ва қиёмат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шунинг учун садуқийлар қиёматда ўлганларнинг қайта тирилишини тан олмаганлар.

Фарзий номи қадимий яҳудий тилидаги «тушунтириш», «ажратиб кўрсатиш» сўзидан олинган бўлиб, улар Мусонинг қонунини шарҳлаганлар ва оддий одамларга ўргатганлар. Фарзийлар Мусонинг замонидан бери оғзаки анъана давом этиб келяпти деб ҳисоблайдилар. Улар ҳар бир авлод ўз эҳтиёжларини қондириш учун Қонунни шарҳлай олади деб билганлар.

Улар муқаддас манба сифатида нафақат Мусонинг қонунини, балки бошқа пайғамбарларнинг ҳам муқаддас ёзувларини, ҳатто ўзларининг урф-одатларини ҳам қабул қилганлар ва буларнинг ҳаммасига синчковлик билан амал қилганлар. Шунинг учун улар овқатга, кийимга ва бошқа нарсаларга жуда эҳтиёт бўлганлар. Қўллари ва баданларининг озодалигига катта эътибор берганлар. Фарзийлар жуда кўп пайғамбарлар таъкидлаган қиёматга, ўлганларнинг қайта тирилишига ишонганлар.

Ессейлар. Қуддусдаги кўпгина руҳонийлар Худо улардан талаб қилганидек яшамас эдилар. Ундан ташқари римликлар баъзи диний



мансабларга Мусонинг Қонунига мувофиқ муносиб бўлмаган шахсларни тайинлаган эдилар. Буни кўрган бир гуруҳ руҳонийлар Қуддусда ибодат қилиш ва қурбонлик қилиш Қонунга тўғри келмай қолди, деб ҳисобладилар. Улар Қуддусни ташлаб, яҳудий саҳроларига чиқиб кетдилар ва ўша ерда ўз жамоаларини ташкил қилдилар. Уларни *ессейлар* деб аташди. Ессейлар Худо томонидан юбориладиган халоскор - Мессиянинг келиши ва Қуддусни то-залашини кутиб, ибодат қилиб яшар эдилар.

Массонизмнинг маъноси «озод қурувчилар» бўлиб, яҳудийликдаги яширин ташкилотдир. У милодий 44 йили Рим императорларидан Ирод Акриба томонидан ўзининг икки яҳудий маслаҳатчиси: раис ўринбосари Ҳерон Абюд ва биринчи секретар Муоб Ломий ёрдамида ташкил этилган. Мақсади — дунёда яҳудийлар ҳукмронлигини ўрнатишга эришиш. У ташкил топган даврда «махфий қудрат» деб аталарди. Кейинчалик мас-сонизм деб аталди.

Сионизм номи Қуддусдаги Сион тоғи билан боғлиқ. Бу оқим австралиялик яҳудий журналист Т. Герльцнинг «Яҳудийлар давлати» рисоласи асосида тузилган. Бу оқимнинг ўз олдига қўйган мақсади — яҳудийлар ўзлари яшаб турган турли ўлкалардан чиқиб, Фаластинда «миллий бирлашиш»га эришиш. Сионизм «жаҳон яҳудий миллати» - «олий миллат» каби ғояларни илгари суради. Ўз ғоясига кўра сионизм сиёсий оқим бўлиб, мақсадига эришиш йўлида яҳудий динидан фойдаланади.

**Яҳудийлик манбалари.** Яҳудий дини бошқа динлар каби ўзининг муқаддас ёзувларига эга. Унинг асосан иккита манбаси бўлиб, бири эр. ав. XIII асрда яшаган ва Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиб кетишга бошчилик қилган Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган Тора (Таврот). Бу манба хри-стианлар учун ҳам муқаддас ҳисобланганлиги учун у ҳақида христианлик мавзусида кенгроқ тўхталамиз.

**Талмуд.** Талмуд (қад. яҳуд. тилида *ламейд* - *ўрганиш*) милoddан аввалги IV асрларда вужудга келган ва ёзма Торадан фарқли ўлароқ, авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб борган. Шунинг учун Торани ёзма қонун, Талмудни эса оғзаки қонун деб юритилган. Талмуд Мишна ва Гемара китоблари мажмуаси бўлиб, Мишна раввинлар томонидан Тавротга ёзилган шарҳлар, Гемара эса Мишнага ёзилган шарҳлардан иборат. Талмуднинг Фаластин (Ўршалим) ва Вавилон (Бавлий) нусхалари мавжуд. Ўршалим Талмуди эрамизнинг III асрларида Бавлий талмуди эрамизнинг V асрида таҳрир қилинган.

Унда илгари яхудийлар учун номаълум бўлган ўзига хос эсхатологик (яъни охират, қиёмат, марҳумларнинг тирилиши, у дунёдаги ажр ва жазо ҳақидаги) тасаввурлар ўз аксини топган. Талмудда яхудийликнинг маросимлари, урф-одатлари аниқ баён этилган бўлиб, улар 248 та васият ва 365 та тақиқни ўз ичига олади. Шунингдек, унда қадимий яхудийлар орасида дин, партия, гуруҳлар (садуқийлар, фарзийлар, ессейлар)нинг келиб чиқиши ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган. Унда баён этилган диний қонун-қоидалар, ақидалар, кўрсатмалар яхудий динининг асосини ташкил этади.

**Яхудий маросимлари ва байрамлари.** Яхудийлар ўзларининг Яҳвега нисбатан содиқ эканликларини исботлаш учун бир неча расм-русумларни ижро этадилар. Улар йиллик ва кунлик ибодатлардан, байрамлардан, маросимлардан иборат. Ибодат уйда ҳам синагогада ҳам бирдай олиб борилади. Яхудийлар синагогасининг шарқий томонида Торанинг нусхалари сақланадиган сандиқ ва Раввин учун минбар қўйилган. Аёллар эркаклардан алоҳида ибодат қилишади. Синагогада ибодат хор шаклида олиб борилади.

Янги туғилган ўғил болалар саккизинчи куни хатна қилинади. Яхудийликда бир неча тур озиқ-овқатлар, асосан чўчқа, кўён, кўшоёқ, туя, яхлит туёқлилар, ўлаксахўр қушлар каби баъзи ҳайвон гўшларини ейиш тақиқланади.

Яхудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Песах (Пасха) байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли ўлароқ, яхудийларнинг Мисрдаги қуликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Қадимий яхудийларда Пасха деб кўзичоқ гўшти ва винодан иборат кечки овқатга айтилган. Яхудий ривоятларига кўра худо Мисрдаги яхудий бўлмаган гўдакларни қириб ташлашга қарор қилганда улар ўз уйларининг пештоқини ўша кўзичоқ қони билан бўяб, ўзларини яхудий эканликларини билдирганлар.

Яхудийлар пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир — *маца* ейдилар. Мацани ейиш билан ҳар бир яхудий Мусо бошчилигидаги ўз отабоболарининг чеккан машаққатларини ҳис этади. Бу байрам яхудийларнинг кўёш-ой календарининг *Нисон* ойининг 14 куни (апрел ойининг ўрталарига тўғри келади) нишонланади.

Пасхадан кейинги 50-куни яхудийлар *Шабуот* (*Шевуот*) байрамини нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик

байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо томонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. У яҳудийларнинг календари бўйича *Сивона* ойининг 6—7- кунлари нишонланади.

Кузда яҳудий календаридagi *Тишри* ойининг 1—2- кунлари (сентябр охири, октябр бошлари) янги йил байрами - *Рош-Аиона* нишонланади. Бу байрам яҳудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган кўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, гуноҳлари қолмаслиги учун чўнтақларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар.

Тишри ойининг 9-куни гуноҳлардан покланиш байрами - *Йом-Кипур* нишонланади. *Рош-Аиона* ва *Йом-Кипур* байрамлари ўртасида яҳудийлар рўза тутадилар. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёқ, эски-туски кийимларга ўраниб юрадилар. Синагогада надоматлар билан йиғлаб тавба қиладилар.

*Пурим* (қуръа) байрами яҳудий байрамларининг ичида энг қувноқ ҳисобланади. Бу байрам яҳудийларнинг уларни қириб ташламоқчи бўлган Форс подшоҳи Хомон зулмидан қутилганликлари шарафига баҳорда нишонланади. Уларни Хомондан ўз амакиси Мордехай кўлида тарбияланган Есфир исмли қизча қутқарган. Шунинг учун бу куни яҳудийлар «Хомонга лаънатлар бўлсин», «Мордехайга Худонинг раҳматлари ёғилсин», деб қичқирадилар.

**Яҳудийлар Ўрта Осиёда.** Маълумки, яҳудийлар Ўрта Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Уларнинг ичида умум эътироф этилганларидан бири шуки, яҳудийлар бу минтақага Эрон орқали кириб келганлар. Бу халқнинг Ўрта Осиёга ҳижрати кўп асрлар мобайнида давом этди. Тахминларга кўра, улар Ассирия қувғинлари пайтида — эр.ав. VII-VI асрларда Эронга кўчиб кела бошлаганлар. Ҳатто эр. ав. VIII асрларда баъзи яҳудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон каби ўлкаларда бошпана топганликлари ҳақида ҳам хабарлар бор. Форс давлати маълум муддат Ўрта Осиёни ўз ҳукмлари остида тутиб турган ва худди шу даврда яҳудийларнинг кўчиб келиши амалга ошган. Бу фикрни маҳаллий яҳудийларнинг форс лаҳжаларидан бирида гаплашишлари ҳам қувватлайди. Уларнинг ҳаёт тарзлари, урф-одатлари қадимий яҳудий, форс ва маҳаллий - Ўрта Осиё маданиятларининг қоришмасидан иборат. Тарихнинг турли жараёнларида бу уч маданиятдан баъзиларининг таъсири

кучайиши ёки аксинча сусайиши кузатилган. XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар туфайли яҳудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Қўқон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан Ўрта Осиёнинг маълум бир қисмининг босиб олиниши яна яҳудийларнинг Туркистон Мухторияти ва Бухоро Амирлиги жамоаларига бўлиниб кетишига олиб келди. Яҳудийлик миллат дини бўлганлиги учун яҳудийлар қаерда бўлмасин, бири-иккинчисидан қанча узоқ бўлмасин, ўқийдиган китоби — Таврот, эътиқод қиладиган дини ягона бўлиб қолаверди. XVIII асрда Ўрта Осиё яҳудийлари тушкунлик даврини бошдан кечирдилар. 1793 йили ўзи Фарбий Африкадан бўлиб, Фаластиннинг Цфат шаҳрида яшовчи Иосиф Мамон Мағрибий ўз шаҳри яҳудийлар учун моддий ёрдам тўплаш мақсадида Бухорога келади. У бу ерлик яҳудийларнинг ўз динларидан узоқлаша бошлаганликларини кўриб, шу ерда қолишга ва миллатдошларига диний таълим беришга аҳд қилади. Яҳудийлар доимо тинч, кам аҳолили жойларда яшашни афзал кўрганлар. Агарчи Ўрта Осиёлик яҳудийларни *Бухоро яҳудийлари* дейилса ҳам, улар кўпроқ Самарқандда яшаганлар. XVIII асрнинг ўрталарида Нодир-шоҳ Самарқандни босиб олганида унинг лашкарлари орасида турклар, лазгинлар, афғонлар, эронийлар, шунингдек, яҳудийлар бўлганлар. Улар Самарқанднинг Шоҳ-Каш, Чор-Рага, Новадон, Қўшқовуз каби гузарларида яшаб қолганлар. Бухоро ҳукумати Нодир-шоҳ даврида яҳудийларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлган.

Сон жиҳатдан кўпайган яҳудийларнинг барчалари бир мавзегга жам бўлиб яшашни хоҳлашарди. Бироқ, Бухорода ҳам, унинг Шаҳрисабз, Каттакўрғон, Кармана каби вилоятларида ҳам яҳудийларни мусулмонлардан ажралган ҳолда алоҳида яшашга мажбур эдилар. 1843 йилнинг баҳорида маҳаллий яҳудийларга Самарқанднинг шарқий қисмидан 2,5 гектар жойни 10000 кумуш тангага сотиш ҳақидаги шартнома тузилди. Бу шартномани яҳудийлардан 32 киши имзолади, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Шундай қилиб, яҳудийлар ўзларининг биринчи маҳаллаларига эга бўлдилар.



## II. ВЕДАЛАР ВА ВЕДА ДИНЛАРИ

**Ведалар.** Эрамиздан аввалги 2-минг йилликлар ўрталарида Ҳиндистонга Шимолдан ерлик аҳолидан тиллари ва ранглари фарқ қилган халқлар кириб кела бошладилар. Улар Европа тилларига ўхшаш бўлган *санскрит* тилида гаплашар эдилар, ўзларини эса *орийлар* (аслзодалар) деб аташ эдилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувларини ҳам олиб келдилар. Улар *Ведалар* (санскр. тилида - Башорат) эди. Унинг таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий ахборотларни ўз ичига олган эди. Ведаларнинг бошқа муқаддас (мас. Библия) ёзувлардан фарқли томони шунда эдики, улар ниҳоясига етказилмаган ва охири очиқ эди. Унга кейинги рухонийлар томонидан ҳам қўшимчалар қўшиш имкони бор эди. Шунинг учун кейинчалик бу ёзувлар жуда ҳам кенгайиб кетди. Ведаларда 33 та, баъзи манбаларга кўра 333 ёки 3339 та афсонавий худолар ҳақида мадҳиялар битилган. Бу худоларнинг энг машҳурлари - Индра, Варуна, Митра, Дяус, Адита, Агню, Вишну, Кришна.

**Брахманлик.** Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликларга келиб орийлар Ҳиндистонда ўзларининг князликларига эга бўлдилар. Ведаларнинг маросимлар ҳақидаги кўрсатмалари анча мураккаблашди. Шу даврга келиб аҳоли ўртасида брахманларнинг нуфузи ошиб кетди. Улар олдинги таълимотларни ислоҳ қилиб, янгича диний қонун-қоидаларни ишлаб чиқдилар ва *брахманлик* динига асос солдилар.

Брахманлик таълимоти *касталар* (ижт. табақалар)га асосланган, яъни жамиятдаги инсонлар ўзларининг келиб чиқишлари, мансаблари ва ҳунарларига кўра турли табақаларга бўлинадилар. Брахманликда энг юқори каста *брахманлар*. Улар худонинг тилидан яратилган бўлиб, худолар номидан гапириш ҳуқуқига эга эдилар. Иккинчи каста *кшатрийлар*. Улар худонинг қўлидан яратилган инсонлар ҳисобланиб, подшоҳлар, князлар, жангчилар шулар жумласига киради. Касталарнинг яна бири *вайшлар*. Улар худонинг сонидан яратилган инсонлар ҳисобланиб, савдогарлар ва ҳунармандлар шу кастага мансубдирлар. Касталарнинг энг қуйи табақаси *шудралардир*. Улар худонинг оёғидан яратилган ҳисобланиб, оддий халқ, деҳқонлар шулар жумласига мансуб.

Брахманликнинг кастачилик асослари эр. ав. V асрларда яшаган Ҳиндистоннинг ярим афсонавий ҳукмдори Ману қонунларида мустаҳкамланган.

Брахманликдаги руҳнинг кўчиб ўтиш таълимоти Ҳиндистоннинг деярли барча дин ва фалсафаларига таъсир этган.

**Ҳиндуийлик.** Эрамиздан аввалги VI асрда Ҳиндистонда кейинчалик жаҳон динларидан бирига айланган Буддавийлик вужудга келди. У брахманликдаги бир неча элементларни қабул қилган бўлса-да, каста таълимотини инкор этди. Ўша даврда Ҳиндистондаги каста тузумини сақлаб қолишга, брахманлик динини ислоҳ қилиб, қайта тиклашга ҳаракат бошланди. Бу ҳаракат брахманлик билан буддавийлик ўртасидаги курашни ифодаловчи ҳиндуийлик эди. Ҳиндуийлик кўпхудолик дини бўлиб, унда брахманликнинг асосан учта худоси тан олинади; 1) коинотнинг яратувчиси бўлган Брахма; 2) дунё низомини ушлаб турувчи Вишну; 3) коинотни ҳалок қилиш қудратига эга Шива.

Ҳиндуийлик таълимотига кўра олам, ҳаётнинг барча шаклини Брахма яратган. Бироқ Брахма бу динда уч худонинг номигагина бошлиғи. Ҳозир Брахмага сиғиниш деярли йўқ. Ҳиндуийлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар, уларга атаб қурбонликлар келтирадилар.

Ҳиндуийликда жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар ҳам мавжуд. Улар марҳумларни Ганг дарёси соҳилларида куйдириб, кулини сувга оқизадилар.

Бу дин асосан Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 83% шу динга эътиқод қилади. Ҳиндуийликнинг уни қабул қилмоқчи бўлганларга қўядиган биринчи ва асосий шарти Ҳиндистондаги каста тузумини қабул қилишидир.

### III. КОНФУЦИЙЧИЛИК

Қадимги Хитойда Лао-Цзи фалсафий таълимоти билан деярли бир даврда Кун-Цзи (Конфуций - милoddан аввалги 551-479)нинг фалсафий таълимоти ҳам пайдо бўлди. Конфуций - Қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, Конфуцийчиликнинг асосчиси. Конфуций, гарчи, самони олий руҳий қудрат, аждодларга қурбонлик келтиришни уларни эъзозлашнинг асосий ифодаси деб билса ҳам, ўз таълимотида осмон сирлари муаммоларини деярли тилга олмаган ҳамда руҳлар ва нариги дунё каби тушунчаларга кам эътибор берган. Конфуцийнинг

фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради.

Конфуций фикрича оламдаги барча мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ. Шунинг учун одамларнинг олийжаноблиги ёки тубанлиги, олий ёки паст табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди.

Бинобарин, подшоҳ - подшоҳлигича, фуқаро - фуқаролигича, ота - оталигича, фарзанд - фарзандлигича қолиши керак. Бундай ғоя, кўрамизки, мавжуд тузумни сақлаб қолишни назарда тутар эди. Шу билан бирга, Конфуций идеал, олий инсон, асл, мард киши концепциясини ишлаб чиққан. Бу концепцияга кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатгўйлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли юксак камолотга етишуви мумкин.

— Конфуцийнинг фалсафий таълимоти кейинчалик Хитойда хукмрон динларнинг бирига айланган ва Конфуцийчилик деб ном олган диннинг асоси бўлди (милоднинг бошларида). Конфуцийчилик манбаи - Конфуций издошлари ёзган «Лунг-Юй» (Суҳбатлар ва мулоҳазалар, милоддан олдинги VI аср) китобидир. Конфуцийчилик Лао-Цзи таълимотидан тубдан фарқ қилади. У жамиятни ижтимоий ларзалардан асраб қолишга интилган феодал амалдорларнинг қарашлари ва манфаатларини ҳимоя қилган. Конфуцийчиликнинг мақсади - халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдир. Бу дин ақидасига кўра, жамиятда осмондан юборилган «Женг» (Инсонпарварлик) қонуни амал қилади. Бу қонунни ўрганиб олиш учун инсон «Ли»га, яъни ижтимоий ахлоқ нормаларига, қоидаларига, анъанавий маросимларга амал қилиши, ўзининг жамиятдаги даражасига қараб иш тутиши зарур.

Конфуцийчилик белгиланган диний тартибларга қаттиқ амал қилишни талаб этади. Конфуцийнинг ўзи ҳаётлигида диний тартибларни сидқидилдан бажарган.

Эндиликда, ҳар бир оиланинг ўз ибодатхонаси бўлиши зарур бўлди. Ҳар бир оила ўз ибодатхонасига аجدодларнинг тимсоли бўлган «Чжу» тасвирини жойлаштиради. Унинг ёнига қурбонликларни қўяди ва диний маросимларни ижро этади.

Конфуцийчиликда ижтимоий-ахлоқий масала алоҳида ўрин эгаллайди. Шу маънода Конфуций таълимотини инсон хатти-ҳаракати, ҳаёти меъёрлари ҳақидаги таълимот дейиш ҳам мумкин. Инсонлар ўртасидаги ҳаёт тарзи анъанавий беш муносабатдан иборатлиги қайд этилган:

- давлат бошлиғи билан амалдорлар ўртасидаги муносабат;
- ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат;
- эр билан хотин ўртасидаги муносабат;
- катта ва кичик ака-укалар ўртасидаги муносабат;
- дўст-биродарлар ўртасидаги муносабат.

Бу таълимотда шундай қадриятлар ҳам борки, унга қойил қолмай илож йўқ. Биргина мисол келтирамиз:

Ўғил ота-онаси олдида қуйидаги бешта вазифани бажариш шарт эди:

1. ҳар доим ота-онани тўла ҳурмат қилиш;
2. уларга энг суюкли таомни келтириш;
3. улар бетоб бўлиб қолганларида чуқур қайғуриш;
4. улар вафот этганларида юрак-юракдан ачиниш;
5. улар хотирасига тантанали равишда қурбонликлар қилиш.

Конфуцийчиликда диний маросимларнинг асосий мазмуни - конфуцийчиликка қадар мавжуд бўлган анъаналарни, уруғ-қабилавий маросимларни мустаҳкамлаш, қонунлаштиришни ташкил этарди. Чунки Конфуций ўзининг ҳеч қандай янги таълимот яратмаганлигини тан олиб, фақат эски маросимларга, тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя этишни талаб қиларди. Бу ўринда унинг қуйидаги сўзларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик: «Қадимдан жорий этилган маросимлар сақланмас ёки улар бекор қилинар эди, унда ҳамма нарса аралашиб кетади, издан чиқади. Никоҳ маросимини йўқ қилингчи, унда эр-хотинлик бўлмайди, бу билан боғлиқ катта-катта жинойтларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилингчи, унда болалар вафот этган ота-оналари хотираси тўғрисида ўйламай, тирикларга эса хизмат қилмай кўядилар; Пин-Цзин маросимини йўқ қилингчи - унда подшоҳ билан амалдор ўртасидаги фарқ йўқ бўлиб кетади, кичик-кичик князчалар ўзбошимчалик қила бошлайдилар, натижада таъқиб этиш ва зўравонлик бошланади».

Хитой халқи тарихида қадимги маросимлар катта ўрин тутганлигини Конфуций яхши билар эди. Шунинг учун ҳам Хитой халқ анъаналарини, маросимларини ўзининг



таълимотида асосий мазмунга айлантирган. Хитойликлар учун энг ёмон фожеа - эркак томонидан авлоднинг қолмаслигидир. Улар авлодлари қолмаса, биз ўлганимиздан сўнг ким бизларни ёд этади деб қаттиқ қайғуга тушадилар.

Конфуцийчиликнинг бош худоси - осмон Худоси эди. Кейинчалик Конфуцийнинг ўзи ҳам илоҳийлаштирилган. Унинг шарафига, ҳатто императорнинг ўзи ҳам диний маросимларни бажо келтирар эди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки, Конфуцийчилик оддий халқ устидан «аслзодалар»нинг ҳукмронлигини оқларди. Бу динга кўра айни пайтда императорнинг ўзи олий Худонинг ердаги вакили эди. Конфуцийчиликда императорга қарата ёзилган қуйидаги маслаҳат ҳам бор эди: «Агар император бирор кагга мақсадни амалга оширмоқчи бўлса, у албатта аждодлари ибодатхонасига бориши лозим. Қилмоқчи бўлган ишидан, ўзининг мақсаидан авлодларини хабардор этмоғи керак. Шу пайтда у осмонда юлдузларнинг ҳолатига қарамоғи, улар қулай жойлашганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ўзининг мақсадини амалга оширмоғи мумкин».

#### IV. ДАОСИЗМ

Даосизм - аслида фалсафий таълимот бўлиб, у милoddан аввалги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган. Унинг асосида милoddан аввалги II асрда даосизм дини шаклланди.

Даосизмнинг фалсафий принциплари «Дао-Дэцзин» китобида баён этилган. Бу асар ўтмишдаги Хитой донишманди Лао-Цзи қаламига мансубдир. Лао-Цзининг тарихийлиги хусусидаги масалага синологлар шубҳа билан қарайдилар.

Асарнинг асосий тушунчаси «дао» (йўл) бўлиб, у оламнинг моҳияти ва бош сабаби, дунёнинг турли-туманлиги манбаи, барча нарсаларнинг онаси деб тушунилган. Бу, гўё қандайдир йўл бўлиб, атрофни ўраб олган олам ва барча кишилар шу йўл билан бориши лозим. «Дао» диний мазмун касб этган йўлгина бўлиб қолмай, айни пайтда у ҳаёт тарзи, усули, принциплари ҳам эди.

Даосизм динининг асосий рамзи Дао бўлиб, у осмон худоси рамзига яқин эди. Унга кўра, ҳар бир бахтиёр бўлишни истаган одам Даони таний олиши ва у билан бирлашиб кетиши зарур. Чунки, одам *микрокосм* (кичик дунё) бўлиб, у ҳам макрокосмдек абадийдир. Инсоннинг вафоти билан руҳ танадан ажралиб

чиқиб, макрокосм билан бирлашиб кетади. Инсоннинг вазифаси у ўлмай туриб, руҳи Даога қўшилиб кетишига интилишдир. Бу нарсага қандай эришиш мумкин деган саволга Дао таълимотида жавоб берилган.

Лао-Цзининг таълимотига кўра, Дао йўли «Де» кучига мосдир. Фақатгина шу кучда Дао шахси намоён бўлади. «Де»нинг маъноси *фаолиятсизлик* бўлиб, тўлақонли фаолиятни инкор этишдир. Демак, илоҳий мукофотга Даонинг мақомига яхши ишлар билан эришишга тиришган одам эмас, балки медитация ва ўзининг ички дунёсига фарқ бўлиш жараёнида ўзини тинглашга ҳаракат қилган ва ўзи орқали дунё тузилиши маромини тинглаш ва унга эришишга ҳаракат қилган одам етишади.

Шундай қилиб Даосизмда ҳаёт моҳияти абадийликка, ўз илдизларига қайтиш деб тушунилади.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Яхудийлик дини қайси вақтда вужудга келган?
2. Яхудийлик динининг муқаддас китоби қайси?
3. Яхудийлик динининг асосий таълимоти нималардан иборат?
4. Ведаларнинг бошқа муқаддас китоблардан қандай фарқи бор?
5. Брахманлик жамиятни қандай табақаларга бўлади?
6. Ҳиндуийлик қандай динлар қаторига киради?
7. Ҳиндуийлик таълимоти нималардан иборат?
8. Конфуцийчилик нима асосида вужудга келган?
9. Конфуцийчилик Хитойда қандай мавқега эга эди?
10. Даосизм асосчиси ким?

### *Таянч сўзлар:*

- |               |                 |               |
|---------------|-----------------|---------------|
| 1. Тора;      | 9. Галаха;      | 17. Веда;     |
| 2. Талмуд;    | 10. Исроил;     | 18. Каста;    |
| 3. Песах;     | 11. Яҳудо;      | 19. Брахман   |
| 4. Йом-Кипур; | 12. Сионизм;    | 20. Дао;      |
| 5. Синагога;  | 13. Массонизм;  | 21. Конфуций; |
| 6. Яҳве;      | 14. Фарзийлар;  |               |
| 7. Рош-Ашона; | 15. Садуқийлар; |               |
| 8. Раввин;    | 16. Ессейлар;   |               |

### *Семинар учун мавзулар*

1. Яҳудийликнинг вужудга келиши.
2. Яҳудийлик манбалари.
3. Яҳвенинг яҳудийларга қилган 10 васияти.
4. Ведаларнинг Ҳиндистонга кириб келиш тарихи.
5. Брахманлик касталари.
6. Ҳиндуийликнинг Ҳиндистонда тарқалиши.
7. Конфуцийчилик фалсафий таълимоти.
8. Конфуцийчилик таълимотида инсоний қадриятларнинг акс этиши.
9. «Дао-Децзин» - Даосизмнинг асосий манбаси.
10. Даосизм таълимоти.

### *Адабиётлар*

1. Қуръони Карим.Таржима ва изоҳлар А.Мансурники.Тошкент, 1992.
2. Библия.Москва, 1997.
3. Ҳасанов А.А.Макка ва Мадина тарихи.Т., 1992, 54-57-бетлар.
4. Яҳудий ой-қуёш календари.М., 1990.
5. Марҳабан бикум фи Исроил (Исроилга хуш келибсиз).Ал-Қоҳира, 1988.
6. Беруний, Абу Райҳон.Танланган асарлар.V том.Т., 1973, 157-167-бетлар.
7. Беруний, Абу Райҳон.Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Танланган асарлар, I том, Т., 1968.
8. Жўраев У., Саиджонов Й.Дунё динлари тарихи.Т., 1998.
9. Кулаков А.Е.Религии мира.М., 1996, сс.150-173.
10. Религиозные традиции мира.Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника.Бишкек, 1997, сс.170-282.

*«Тарихни билмай туриб, мафжуранинг  
фалсафий негизларини англаб бўлмайди».*

*И. А. Каримов*

#### 4-Мавзу. ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ

**Режа:**

- I. *Зардушт ҳаёти ва фаолияти;*
- II. *Зардушт таълимоти;*
- III. *Зардуштийликнинг шоҳ Виштаспа томонидан қўлланилиши;*
- IV. *Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси.*

Зардуштийлик дини эрамиздан аввалги VI-V асрларда Ўрта Осиё ва Қадимий Эронда юзага келган диндир. Бу дин *Заратуштра* (ёки *Зардуст*, ёки *Зароастр*) номи билан боғлиқ. Тадқиқотчилар ўртасида Зардуштнинг тарихда бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билишса, яна бошқалар уни афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у эрамиздан аввалги, тахминан, 570 йилларда туғилган илоҳиётчи, файласуф, шоирдир. Зардушт Ўрта Осиёдаги кўпхудоликка асосланган қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилиб янги динга асос солди.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жойи тўғрисида икки фикр мавжуд: биринчиси «Ғарб теорияси» бўлиб, унга кўра Медиа (ҳозирги Эрон ҳудудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили - биринчидан зардуштийликнинг Қадимий Эрон ҳудудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан зардуштийликнинг муқаддас китоби саналмиш Авестонинг бизгача етиб келган нусхаси қадимий эрон-пахлавий тилида ёзилганлигидир.

Яна бир бошқа фикр «Шарқ теорияси» бўлиб, бунга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади ва кўпчилик манбашунослар шу теория тарафдоридирлар. Хоразм биринчи бўлиб Зардуштийлик муқаддас олови «Атар-хурра» ёқилган ва Ахурамазда Зардушт билан боғланган жой ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаси ҳисобланган Авестода: «биринчи бор муқаддас олов «Атархурра» «Эран-веж» (баъзи манбаларда «Айриан веджа»)да ёқилди» дейилади.

«Эран-веж»нинг географик ва иқлимий тавсифи Хоразмникига тўғри келади.



Авестода Ахурамазда томонидан берилган «Барокот ва нажот» соҳиби бўлган бир қатор мамлакатларни зикр этилади ва уларнинг энг биринчиси деб, «дунёда ҳеч нарса унинг чиройига тенг кела олмас Эран-веж», кейин «одамлар ва чорва подаларига мўл» Согд (Суғд), «Кудратли ва муқаддас» Моуру (Марв), «Баланд кўтарилган байроқлар мамлакати» Батхи (Бактрия) зикр этилади.

Авестода, шунингдек, Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида ҳам маълумот берилади. Айтилишича, «Шундай мамлакатни кўп сонли лашкарларни ботир саркардалар бошқарадилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса муҳайё, чуқур, сувга мўл кўллари бор, кенг қирғоқли ва кема юрар дарёлари ўз тўлқиларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харева (Ария) Бава (Суғд худудида), Хивайризима (Хоразм) мамлакатлари томон элгувчи дарёлари бор».

Шубҳасиз, «Кенг қирғоқли, кема юрар дарёлар» бу Аму ва Сирдарё бўлиб, Авесто тасвирлаган мазкур шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарларининг бу икки дарё қирғоқларида жойлашганларидир.

Шунга асосланиб, биз Зардуштнинг ватани, Зардуштийликнинг илк макони ва Авестонинг келиб чиқиш жойи деб Хоразм, Суғд, Фарғона ёки Бактрияни айта оламиз.

Авестонинг «яшт» қисмида баён этилишича Зардуштнинг ватандошлари унга ишонмайдилар, ва унинг таълимотини қабул қилмайдилар. Зардушт ватанни тарк этиб, кўшни давлатга кетади, у ернинг маликаси Хутоаса ва Шоҳ Вишгаспанинг хайрихоҳлигига эришади, улар Зардушт таълимотини қабул қиладилар. Натижада кўшни давлат билан уруш бошланиб, Вишгаспа ғалаба қозонади. Шундан сўнг бу таълимот халқлар ўртасида кенг тарқала бошлаган.

Шоҳ Вишгаспа фармонига биноан Зардуштнинг 1200 бобдан иборат пандномаси Авестонинг қадимий қисми «Готни» ёзиб шоҳнинг оташкадасига топширган.

**Зардуштийлик таълимоти.** Зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечирिशга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қолади. Зардушт ўз таълимоти билан инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. У ўз таълимотини инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша ёки абадий роҳат - *жаннат*га, ёки ёмон ишлари кўп бўлса, на хурсандлик ва на хафалик кўрмайдиган аросат жой - *мисвонгату*га тушади, деган ғояга асослантирган.

Зардуштийлик таълимотининг асоси олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилган. Яхшилиқ ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшилиқларни Ахурамазда ва барча ёмонликларни Анхрамайнюю ёки Ахриман ифодалайди.

Ахурамазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб, уларга амал қилишни, ёмон ишларни баён этиб, улардан сақланишни буюради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги, ҳар бир Зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб уни олқишлаб сифиниши шарт бўлган.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур - сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дафн маросими ўзига хос бўлиб, ўлганлар бир неча паст, баланд «сукут миноралари» - дахмаларга солинади, у ерда мурдаларнинг гўштарини қушлар еб, суяқларини тозалайди. Гўшдан тозаланган суяқлар минора ўртасидаги кудуққа сочиб юборилади. Бунда «ҳалол» билан «ҳаром»нинг бир-бирига яқинлашмаслигига эришилади.

Зардуштийлик дини жаҳон миқёсида энг қадимги динлардан бири ҳисобланиб, эрамиздан аввалги VII-VI асрлар Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқларининг эътиқод қилувчи динлари ҳисобланган.

Эроншоҳлар даврида Эронда расмий давлат динига айланган. Бироқ бу даврда уни руҳонийлар, зодагон ҳокимлар ўз манфаатларига бўйсундирганлар.

Ўрта Осиёни араблар исломлаштиришгунларига қадар, зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий динлари ҳисобланган.

Ҳозирги кунда зардуштийликка эътиқод қилувчилар сони кескин камайиб кетган. Улар Ҳиндистоннинг Бомбай, Гужарот штатларида (115.000га яқин) ва Эроннинг баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолганлар. Бомбайда зардуштийларнинг маданий маркази Кома номидаги институт фаолият олиб боради.

Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одағлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб 2 минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки равишда кўчиб борган.

Ахурамазданинг расмий тус олишига қадар унинг Зардушт орқали ваҳй қилинган илоҳий хабарлари Турон ва Эрон замини халқлари орасида асрлар давомида турли диний маросимлар, дуолар, мадҳлар, сура ва оятлар сифатида йиғила бошлаган. Булар Зардуштнинг ўлимидан кейин китоб ҳолида жамланган ва «Авесто» (ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар) деб ном олган.

Афсуски, бу энг қадимги ёзма адабиёт, ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассамлаштирган асар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Авесто ҳақида буюк олим Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Йилнома китобларида бундай дейилган: Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Авестонинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилгани, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини куйдиртириб юборгани, ўн икки минг қорамол терисидаги тилло матн ҳақида (Табарийда 12000 пергамент) кейинги даврларда яратилган Зардуштийлик адабиётида («Бундахишин», «Шаҳрихон Эрон», «Денкард» (IX аср), «Арда Вираф-намак» (IX аср), «Тансар хатлари» (VI аср), «Муруж аз-заҳаб», «Форснома» ва бошқалар) маълумотлар бор. Бу асарларда

юнонийлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-тарож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган Авесто, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. Авесто ўттиз «наسخ» эди, мажусийлар қўлида ўн икки насх чамаси қолди».

Ёзма манбаларга кўра ҳақиқатан ҳам Авесто мўбидлар орасида авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яширин сақланган. Даставвал (1 ёки 2 асрларда), Аршакийлар даврида Авесто қисмларини тўплаш бошланган. Кейинчалик Сосонийлар даврида, Ардашер Папакан (227-243) даврида ёзиб олинган. Айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, кейинчалик бу асосий матн тўлдириб борилган. Авестонинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланади: бири Бомбайда зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда; иккинчиси Калькуттадаги давлат кутубхонасида. Ҳар иккаласи *парфян* ёзувида.

Бизнинг фикримизча, Жанубий Уралдаги ўтга сиғинувчи халқларнинг дини ҳали маслак, назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган бўлса керак. Авестонинг 13,17,149 яштларида айрия, туирия, саирима, саина, даха қабилалари зардуштийлик динини қабул қилишгани ҳақида хабар берилади.

Натижада Авестонинг энг қадимги қисмлари, яшглар юзага келади. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди.

Авестонинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи «Вадовдот» (девларга қарши қонун) деб аталади. У йигирма икки боб бўлиб, асосан Зардушт билан Ахурамазданинг савол-жавоблари ва мулоқотларидан иборат. Иккинчи китоб «Ёсин» деб аталади. Ва унинг мазмунини асосан Зардуштнинг хатлари (номалари) ёки «Гат»лари ташкил этади. У етмиш икки «Ҳа», яъни башоратдан иборатдир. Биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир Ахурамазданинг ваҳйлари ҳақлигига имон келтиришга доир дуолар мавжуддир. Учинчи китоб «Виспорат» деб номланган. У йигирма тўрт бобдан иборат бўлиб, оламни билишга доир панд-насихатлардан иборатдир. Уни ибодат на-



мозлари йиғиндиси ҳам дейишади. Айни пайтда «Ёсин»га қўшимча ҳисобланади. Тўртинчи китоб «Бундахаш» деб аталиб, у қадимий Эрон (*пахлавий*) тилида ёзилган. Унда худонинг зolim кучларга қарши курашда улуғловчи ўзига хос йиғирма ик-кита қадимий қўшиқлар мажмуаси жой олган.

Авесто ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид «Денкард» (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг йиғирма бир китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар: савобли ишлар йўриқномаси; диний маросимлар ва расм-русумлар қоидаси; зардуштийлик таълимоти асослари; дунёнинг Ахурамазда томонидан яратилиши; охираг кун ва ундаги ҳисоб-китоб; фалакиёт; ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар; Зардуштнинг туғилиши ва болалиги; ҳақ йўлини тутиш; жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари; девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

Зардуштийлик дини ҳақида англиз олими Дж.Бутер, француз олими А. Дюшперон жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Масалан, А. Дюшперон 1755 йилда Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштийлар орасида уч йил яшаган, уларнинг ибодатлари, урф-одатларини яхши ўрганган ва Авестони француз тилига таржима қилган. Уч жилдлик таржима 1771 йилда нашр этилган. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олимларимизнинг фикрича Авесто Фарбий Европа, Эрон ва Ҳиндистон тиллари орқали бизга етиб келгани учун ундаги номлар, атамалар аксарият ҳолларда аслига тўғри келмайди. Авестода туркона жиҳатлар кам қолган.

#### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Зардуштийликнинг асл ватани қаер?
2. Зардуштийлик қандай даврда юзага келди?
3. Зардуштийликнинг муқаддас китоби нима?
4. Ҳозирги пайтда зардуштийлик динига эътиқод қилувчлар қаерларда мавжуд?

### *Таянч сўзлар:*

- |                |              |
|----------------|--------------|
| 1. Зардушт;    | 7. Эран-веж; |
| 2. Авесто;     | 8. Вишгаспа; |
| 3. Ахурамазда; | 9. Яшт;      |
| 4. Ахриман;    | 10. Ёсин;    |
| 5. Митра;      | 11. Шопур.   |
| 6. Атархурра;  |              |

### *Семинар учун мавзулар*

1. Зардуштийликнинг вужудга келиши.
2. Зардушт шахси ва унинг таълимоти.
3. Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби.
4. Авестонинг таркибий қисмлари.
5. Авестонинг ғарб тадқиқотчилари тарафидан ўрганилиши.
6. Зардуштийлик тарқалган ҳудудлар.

### **Адабиётлар:**

1. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдишлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва «Авесто» ҳақида) / «Тил ва адабиёт таълими» журнали, 1993, № 2, 3-12 бетлар.
2. Сулаймонова Ф.С. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997.
3. История Узбекской ССР. М., 1967.
4. Мифы народов мира. В 2-х томах. М., 1973.
5. Религиозные традиции мира. В 2-томах. М., 1996.
6. Струве В.В. Родина зороастризма. / Советское Востоковедение, Москва-Ленинград, 1948. - сс. 5-34.
7. Васильев А.С. История религий Востока. М., 1997
8. Кривелев И.А. История религий. М., 1989.

«...Ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин».

**И. А. Каримов**

## 5-Мавзу. БУДДАВИЙЛИК

### Режа:

- I. Буддавийлик асосчисининг шахси;
- II. Буддавийлик таълимоти;
- III. Медитация;
- IV. Буддавийликнинг тарқалиши;
- V. Буддавийлик манбалари.

**1. Буддавийлик** - учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, эрамиздан аввалги VI - V асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбодже, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россиянинг шимолий минтақалари - Бурятия, Қалмиқистонда истиқомат қиладилар.

Ҳозирги кунда дунёда буддавийликка эътиқод қилувчилар сони қанчалиги аниқланмаган, чунки кўпгина мамлакатлар ҳуқуқ нормаларига кўра қайси динга эътиқод қилувчилар сони қанча деб ҳисобот ишлари олиб борилмайди. Бироқ тахминан олинганда ҳозирги кунда дунёда буддавийлар сони 400 млн.га яқин бўлиб, улардан 1 млн.га яқини *монахлардир*.

Буддавийлик бундан 2500 йилдан аввалроқ Ҳиндистонда диний фалсафий таълимот сифатида вужудга келган бўлиб, унда кўплаб қонуний манбалар ва кўп сонли диний йўналишлар мавжуддир.

Буддавийликнинг турли миллатлар томонидан кенг қабул қилиниши ва унинг кенг доирада тарқалиб кетишининг сабаби унинг турли миллий ва диний анъаналар билан кириша олиши бўлиб, бу нарса буддавийликнинг ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий қатламларга кириб боришига сабаб бўлди.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, идеология ёки маданият қонунлари тўплами ёки ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Ҳозирги буддавийликка эътиқод қилиб келаётган шарқ мамлакатларидаги буддавийлик таълимотини ўрганиш у ердаги сиёсий-иқтисодий, маънавий маданиятини тушунишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Бу давлатларда буддавийлик қоида ва анъаналари буддавийликка эътиқод қилувчилар назарида марказий ҳукумат қонунларидан кўра устун туради. Бу нарса замирида буддавийликнинг потенциал кучи ётади.

**2. Буддавийлик асосчисининг шахси.** Буддавийлик асосчиси ҳақиқий тарихий шахсдир. Буни кўплаб буддавийлик билан шуғулланган тадқиқотчи олимлар бизгача етиб келган манбалар асосида исбот қилганлар. Буддавийлик асосчиси ҳақида хабар берувчи фольклор ва бадиий адабиётлар уни Сиддхартта, Гаутама, Шакьямуни, Будда, Тадхагата, Джиша, Бхагаван каби исмлар билан зикр этадилар. Бу исмларнинг маънолари қуйидагича: Сиддхартта - шахсий исми, Гаутама - уруғ исми, Шакьямуни - шаклар ёки шакья қабиласидан чиққан донишманд, Будда - нурланган, Тадхагата - шундай қилиб шундай кетган, Джина - ғолиб, Бхагаван - тантана қилувчи. Бу исмлар ичида энг машҳури Будда исми бўлиб, шу исмдан унинг динига *буддавийлик (буддизм, буддийлик)* номи берилган.

Ҳозирги кунда Будданинг бешта биографияси маълумдир: «Махавосту» - эрамизнинг II асрида ёзилган, «Лалитавистара» - эрамизнинг II-III асрларида юзага келган, «Буддахачарита» - Будда файласуфларидан бири Ашвагхошей томонидан эрамизнинг I-II асрларида яратилган, «Ниданакатта» - эрамизнинг I-асрида ёзилган ва «Абнихишкрамансутта».

Бу биографиялар орасидаги асосий зиддият Будданинг қайси йилларда яшаганлиги хусусидадир. Улар эрамиздан аввалги IX-III асрлар орасидаги турли муддатларни кўрсатадилар. Расмий буддавийлик ҳисобига кўра эса Гаутама - Будда эр. ав. 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ, кўпчилик тадқиқотчилар унинг туғилиши эр. ав. 564 йилда, ўлими эса 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Баъзан 560 - 480 деб тўлиқ сонлар билан кўрсатадилар.

Юқорида зикр қилинган биографияларда Будданинг ҳақиқий ҳаёти билан унинг афсонавий ҳаёти ўзаро қоришиб кетган.

6. Сиддхартта Шакья қабиласининг полшоҳларидан бири Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Химолай тоғлари этагида



Капилавасти деган қишлоқда бўлган. (Ҳозирда Непал ҳудудида). Онаси - малика Майя. Подшоҳ ўғлини орзу ҳаваслар оғушида тарбиялар, уни ҳеч бир камчиликсиз катта қилади. Улғайиб қўшни подшоҳлардан бирининг қизи Яшадҳарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхартха иттифиқо қариган чолни, беморни, оғир меҳнатли бир роҳибни учратади. Бундан қаттиқ таъсирланган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўллари ахтариб саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳибга кўшилиб, улар билан қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. Кўп вақт бу роҳибларга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг йўлларида маълум мақсад йўқлигини ва бу йўл ўз олдига қўйган мақсади - инсониятни азоб уқубатдан қутқаришга олиб бормаслигини англайди ва роҳиблар жамоасидан ажралади.

У чакалакзор ўрмонларда кезиб, чарчаб бир дарахт тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзига токи ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликни ваъда беради.

Бу ўтиришнинг 49- кунининг қалбидан «Сен ҳақиқатни топдинг» деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради. Ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч - Тришна - яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигин англади. Шу ондан у Будда - нурланган деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса - нурланган дарахт деб атала бошлади.

Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришипатана боғида, ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва ўшалар унинг биринчи шогирдлари бўлдилар.

Шу кундан бошлаб, Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотни тарқатиб ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказди ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтди. Унинг жасади ҳинд удумига кўра у ерда куйдирилиб, унинг хоки 8 та будда жамоаларига бўлиб юборилди ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона барпо этди.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли афсоналар ҳам тўқилган. Бу афсоналарда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта подшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товуқ, 8 марта ғоз, 6 марта фил шунингдек балиқ, қурбақа, каламуш, қуён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтган. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Ботха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб Буддалар ўтган деб даъво қилади.

**3. Буддавийлик таълимоти.** Буддавийлик қадимий Ҳинд диний - фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариядан иборат диний тизимдир. Унинг асоси «Ҳаёт - бу азоб, уқубатдир» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. Буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзидан туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида мужас-самлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини тошган.

**Биринчи ҳақиқат** - «Азоб уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт - қийноқ, азоб-уқубатдир.

Туғилиш - қийноқ, касаллик - қийноқ, ўлим - қийноқ, ёмон нарсага дуч келиш - қийноқ, яхши кўрилган нарсадан айрилиш - қийноқ, ўзи хоҳлаган нарсага эга бўлмаслик - қийноқ. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса у хоҳ моддий ёки маънавий бўлсин Дхарма (элемент)лардан тузилган. Бу элементлар ўз хусусиятига кўра ҳаракатсиз бўлиб, уларни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг хаёллари ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи Дхармалар оқимидир. Ҳаракатдаги Дхармалар мавжудлигининг 5 формасини яратади: тана, сезги, ҳис-туйғу,

ҳаракат, англаш. Бу беш форма инсонни ташкил қилади. Инсон улар ёрдамида яшайди ва борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Бу нарса инсоннинг ўлими билан тугалланади. Инсонни ташкил қилувчи беш форма (*скандх*) ўз навбатида қайта туғилади. Янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш, истак ва норма. Бу процесс «ҳаёт ғилдираги»ни ташкил қилади. «Хаёт ғилдираги»да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

**Иккинчи ҳақиқат** - «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир». Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ва доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлардан тuzилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун *карма* ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Буддистлар фикрича Буддадан кейин ҳеч ким Нирвана ҳолатига эриша олмаган.

**Учинчи ҳақиқат** - «қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ёки ёмон ниятлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтабди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, «Хаёт ғилдирагидан» ташқарига чиқишдир. «Мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғулларини тўла тугатилишидир.

**Тўртинчи ҳақиқат** - қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл — қуйида баён этилган уч нарсага амал қилиш демакдир. Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тугади.

Буддавийлик таълимоти асосан уч амалӣ қисмдан иборат: 1. Медитация; 2. Ахлоқ; 3. Донолик.

#### 1. Медитация:

- 1) Тўғри тушуниш;
- 2) Тўғри ният қилиш;
- 3) Тўғри ўзини тутиш;
- 4) Тўғри англаш;
- 5) Тўғри ҳаракат қилиш;
- 6) Тўғри муомалада бўлиш;
- 7) Тўғри фикр юритиш;
- 8) Тўғри гапириш;

2. Ахлоқ нормалари - Будда «Панча Шила» насиҳати:

- 1) Қотилликдан сақланиш;
- 2) Ўғриликдан сақланиш;
- 3) Гумроҳликдан сақланиш;
- 4) Ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш;
- 5) Маст қилувчи нарсалардан сақланиш;
- 6) Тушдан кейин овқатланишдан сақланиш;
- 7) Ўйин - кулгудан сақланиш;
- 8) Зебу-зийнат, атир-упалардан сақланиш;

3. Донишмандлик - бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушуниш.

Илк буддавийликнинг дхармалар табиати ҳақидаги маъхум метафизик асослари буддавийликда икки оқим «Хинаяна» (кичик гилдирак) ва «Махаяна» (катта гилдирак) юзага келишига олиб келди.

Хинаяна таъкидлашича дхармалар табиатини ўрганиш ва нирванага эришиш маънавий йўл билан бўлади. Бу йўл жуда оғир ва фақат монахларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин. Махаяна эса Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли жонзот формасига кириши мумкин ва ҳаёт занжиридаги барча уни ўрганиши, англаши мумкин дейди. Бу нарса чексиз Будда рамларини, худоларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу худоларга ишониш йўллари барчага мумкин. Шу сабабли «Катта гилдирак» деб номланади.

#### **4. Буддавийликнинг тарқалиши.**

Буддавийликнинг ёйилишида Сангха - буддавийлик жамоаларининг роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, улар аҳолисини буддавийликка даъват қилиб уларга Будда таълимотини ўргатиб юришган. Фақатгина Муссон ёмғирлари тинмай куйган 3 ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб ибодат билан шуғулланганлар.

Эрамиздан аввалги 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган Император Ашока даври буддавийликнинг кенг ҳудудга ёйилишига катта имкониятлар яратди. Ашока ўзининг илк ҳукмронлик пайтида ноқ буддавийликка эътиқод қила бошлади. У буддавийликка, монахларига, уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига хайрихоҳлик қилди. Улар ўз даъватлари асосида бирон-бир ерлик аҳоли ёки руҳонийлар томонидан қаршиликка учрасалар, улар ҳеч қандай қарши ҳаракат қилмай, ўз



йўлларида давом этганлар. Агар маҳаллий аҳоли томонидан ўзларига нисбатан хайрихоҳлик сезсалар, ўша ерга кўпроқ аҳамият бериб, уларни кўпроқ даъват қилишган.

Буддавийлик жамоалари ҳар қандай бошқа дин, маданият ёки урф-одатлар қамровида ёки аралашувда бир неча юз йиллаб ўзларини сақлаб қолиш, ҳамда фурсат келганда уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларни бу хусусиятлари Ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлар даврида, Шри-Ланкада португаллар, голландлар ва инглизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцийчилари даврида, Жануби-Шарқий Осиёга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлган.

Шундай қилиб, буддавийлик эрамиздан аввалги I минг йиллик охирларида Шри-Ланкага ва Ўрта Осиё ҳамда Олд Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келди. Бизнинг диёримизда олиб борилган археология қазилари ишлари асносида Ўратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган Шакьямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий гилдираклар ва ступа қолдиқларининг гувоҳлик беришича Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилган.

Буддавийлик эрамизнинг I асрида Хитойга, IV асрда Кореяга, VI асрда Японияга, VII асрда Тибетга, XIII асрдан XVI асргача Монголияга, XVII асрдан XVIII асрларгача Бурятия ва Тувага, XIX-XX асрларда Америка ва Европа қитъаларига кириб борган.

Хитой манбаларининг хабар беришича буддавийлик Хитой худудига кириб боришида диёримиздан борган будда олимларининг хиссаси катта бўлган. Тахминан 30 га яқин даъватчи олимлар Хитойнинг турли шаҳарларида будда таълимотини ёйганлар. Ҳанузгача Самарқанд, Бухоро, Шондан борган будда олимларининг мақбаралари муқаддас жой саналади.

Буддавийлик ўз таълимотида ҳеч қачон бошқа худоларга сиғинишни таъқиқламаган. Балки уларга ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ, нирвана ҳолатига олиб бормайди деб айтган. Шу сабабли буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган худолари ёки улуғлаган шахсларининг тимсоллари ибодатхоналарни эгаллаган.

Масалан, Ҳиндистоннинг буддавийликка мансуб худолари «дунёни яратувчи Брахма», «чақмоқ ва момақалдиноқ худоси Индра», «хунармандчилик ишлари худоси Хатиману», Тибетда: «Тибет эпоси қаҳрамони Басер» тимсоли, Монголияда

Чингизхон каби миллий пантеон буддавийлик илоҳлари сифатига айланди. Бироқ бу пантеонлар Нирвана ҳолатига олиб бормади. Фақатгина Будда нирванага олиб боради ва инсонни қийноқдан қутқаради.

**5. Буддавийлик манбалари.** Буддавийлик таълимоти бир қатор девон шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси Трипитака (ёки Типитака) - уч сават маъносини англатади. У уч қисмдан иборат бўлганлиги учун шундай ном билан аталган. Буддавийликнинг бу ёзма манбаси ҳозирги даврда Шри-Ланкада сақланиб қолган. У эраизмнинг бошларида шаклланган. Улар - будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган сутра матнлари (сутта-питака), раҳбонийлик ахлоқи ва хонақоҳлар низомларига бағишланган виная матнлари (виная-питака), буддавийликнинг фалсафий ва психологик муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган абхидхарма матнлари (абхидхарма-питака)дан иборат. Кейинчалик шаклланган санскрит, хитой, тибет, кхмер ва япон тилларидаги буддавийликка оид адабиётлар анча кенг тарқалган, аммо уларнинг тарихий қиймати камроқ. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг барчаси Трипитакада жамланган.

#### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Буддавийликнинг асосчиси ким?
2. Буддавийлик қайси даврда ва қаерда вужудга келди?
3. Буддавийликнинг ҳаёт ҳақидаги таълимоти қандай?
4. Буддавийлик қайси даврда кенг ёйилди?
5. Ҳозирги пайтда қайси мамлакатларда буддавийлик кенг тарқалган?
6. Буддавийликнинг муқаддас китоби қайси?

*Таянч сўзлар:*

- |                  |               |
|------------------|---------------|
| 1. Трипитака;    | 7. Махаяна;   |
| 2. Типитака;     | 8. Хинаяна;   |
| 3. Виная-питака; | 9. Карма;     |
| 4. Сутта-питака; | 10. Нирвана;  |
| 5. Сиддхартха;   | 11. Медитация |
| 6. Будда;        |               |

*Семинар учун мавзулар*

1. Будда Шакьямуни ҳаёти.
2. Трипитака буддавийликнинг асосий манбаси.
3. Трипитаканинг таркибий қисмлари.
4. Буддавийлик таълимоти.
5. Буддавийликнинг тарқалиши.
6. Нирвана ҳақидаги таълимот.

**Адабиётлар:**

1. Жўраев У. Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т., 1998.
2. Мень А. История религии. М., 1994.
3. Мифы народов мира. В 2-х томах. М., 1973.
4. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. М.Н. Яблокова. М., 1995.
5. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996.
6. Религиозные традиции мира. В 2-х томах. М., 1996.
7. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
8. Васильев А.С. История религий Востока. М., 1997
9. Кривелев И.А. История религий. М., 1989.

«...Иймон келтирган зотларга энг яқин дўст бўлгувчилар эса: «биз насронийлармиз», деган кишилар эканини кўрасиз. Бунга сабаб уларнинг орасида олимлар ва роҳиблар бор эканлиги ва уларнинг кибр-ҳаво қилмасликларидир».

*Куръони Карим (5:82)*

## 6-Мавзу. ХРИСТИАНЛИК

### Режа:

- I. Христианликнинг вужудга келиши;
- II. Православ оқими;
- III. Католик оқими;
- IV. Протестант оқими;
- V. Христианликнинг бошқа оқимлари;
- VI. Христианлик тарихида апостол Павелнинг тутган ўрни;
- VII. Ўрта Осиё халқлари тарихида христиан дини;
- VIII. «Библия» христианликнинг муқаддас китоби.

1 **Христианликнинг вужудга келиши.** Христианлик дини буддавийлик ва ислом динлари қаторида жаҳон дини ҳисобланади. Бу дин ўзига эътиқод қилувчиларнинг сони жиҳатидан жаҳон динлари орасида энг йириги ҳисобланади. Унга эътиқод қилувчиларнинг сони 1 млрд. 600 млн. бўлиб, бу сон дунё аҳолисининг деярли учдан бирига тўғри келади.

Христианлик асосан Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия қитъаларида ҳамда қисман Африка қитъасининг жанубий қисмида ва Осиё қитъасининг шарқий қисмида тарқалган.

Христианлик эрамининг бошида Рим империясининг шарқий қисмида Фаластин ерларида вужудга келди. Исо Масих (Иисус Христос) Библиянинг хабар беришига кўра, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747- йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худонинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг дунёга келиши билан боғлиқ.



Эрамизнинг бошларида яҳудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушкунликни бошдан кечирар эдилар. Бир томондан Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан Фаластин подшоҳи Ирод Антипа, учинчи томондан эса руҳонийлар халқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан кўмиб ташлаган эдилар. Худди шу даврда яҳудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлди. Улар халқни кутилаётган *халоскор* келишига тайёрлаш учун чиққан эдилар. Шунда Исо Масих яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яҳудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилдилар. Исони 33 ёшида фитначиликда айблаб қатл этишга ҳукм қилдилар.

Исонинг тарихийлиги хусусида диний ва диний бўлмаган манбалар орасида ихтилоф мавжуд: христианлик манбалари Исонинг ўзи худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилганини, унинг тарихий шахс эканини таъкидлаб, унинг ҳаёт тарзини, инсонлар билан мулоқоти ҳақидаги кенг маълумотларни берсада, диний бўлмаган манбаларда Исонинг номи учрамаганлигини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсонавий шахсдир дегувчилар ҳам бор.

Исо номига кўшилувчи Масих сўзи қадимий яҳудий тили - *иврит*даги «*мошиах*» сўзидан олинган бўлиб, «силанган» ёки «сийланган» маъноларини беради. Грекчада бу сўз «христос» («*christos*») шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» ёки «масихийлик» деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари христианлик Исо Масихнинг туғилган қишлоғи - «Назарет» билан боғлаб, *назронийя* деб ҳам аталган. Кейинчалик бу ном *насронийя*, *насронийлик* шаклини олган.

Исо Масих ўз таълимотини ўзининг 12 ўқувчиси *Апостоллар* - *Ҳаворийларга* ўргатди. Улар эса Исонинг вафотидан кейин устозларининг таълимотларини ҳар бирлари алоҳида-алоҳида тарзда китоб шаклига келтирдилар. Бу китоблар *Библия*нинг «Янги аҳд» қисмини ташкил этади.

**2. Христианликнинг таълимоти.** Манбалар хабар беришича, христианлик яҳудий муҳитида юзага келган. Бу эса христианликнинг яҳудийликдан кўп жиҳатдан таъсирланишига сабаб бўлди. Христианликнинг асосий ғояси - Исонинг одамзоднинг халоскори «мессия» эканлиги яҳудийликда мавжуд

бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган халоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққандир.]

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки моҳияти - одам моҳияти, худо моҳияти ҳақида «гуноҳни ювиш», яъни Исонинг ўзини ихтиёрый тарзда қурбон қилиши ҳақиқатдаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик муқаддас руҳ ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ - уч юзлик худо тўғрисидаги таълимот, жаннат ва дўзах, охиратда гўё дунёнинг охирига бориш, Исонинг қайтиши ҳақида ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.]

Христиан жамоасининг шаклланиши, унинг ақидаларини тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқилиши, диний табақалар тузумининг вужудга келиши эрамизнинг IV аср бошларида 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга ошди.

325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя ҳудудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида Никей шаҳрида I Бутун Олам Христиан Соборини чақирди. 381 йили Константинопольда II Бутун Олам Христиан Собори бўлиб ўтди. Бу соборларда христианлик таълимотининг асослари қабул қилинди ва бу асослар 12 қисмда ифодаланди.

- Биринчи қисмда оламни яратган Худо ҳақида сўз юритилади.
- Иккинчи қисмда Худонинг ўғли Исус Христосга имон келтириш ҳақида сўз боради.
- Учинчи қисмда илоҳий мужассамлашув ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон қиёфасига кирган.
- Тўртинчи қисмда Исонинг азоб-уқубатлари ва ўлими ҳақида сўз кетади. Бу гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги ақидадир. Бунда Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилади деб эътиқод қилинади.
- Бешинчи қисмда Исонинг хочга миҳланганидан сўнг уч кун ўтиб қайта тирилганлиги ҳақидаги ақида келади.
- Олтинчи қисмда Исонинг мерожии ҳақида сўз юритилади.
- Еттинчи қисмда Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида сўз юритилади.
- Саккизинчи қисм Муқаддас Руҳга имон келтирмоқ борасидадир.
- Тўққизинчи қисм черковга муносабат ҳақида.

- Ўн биринчи қисм ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида.

- Ўн иккинчи қисмда абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.)

Христианликнинг бундан кейинги фалсафий ва назарий ривожда авлиё Августиннинг таълимоти катта роль ўйнади. Бешинчи аср бўсағасида у диннинг билимдан афзал эканлигини тарғиб қила бошлади. Унинг таълимотига кўра, борлиқ инсон ақли билишга ожизлик қиладиган ҳодисадир, чунки унинг ортида улғу ва қудратли Яратувчининг иродаси яширинган.

Августиннинг тақдир ҳақидаги таълимотида айтилишича, Худога имон келтирган ҳар бир киши нажот топганлар сафидан ўрин эгаллаши мумкин. Чунки имон тақдир тақозосидир.

3. **Христианликдаги оқимлар.** Христиан черковининг Католик ва Православ черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истанбул Патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келди. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида Папа Николай ва Истанбул патриархи Фетий орасида узил-кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди.)

XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютеранлик, баптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланди. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос бўлган томонларга эга бўлиш билан бир қаторда, булар ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинди.)

3.1. **Православ оқими.** Православ оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўлароқ, тарихан унинг шарқий шаҳобчаси сифатида рўёбга чиқди ва шаклланди. Бу оқим асосан Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. Православ атамаси юнонча *ортодоксия* сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиенинг китобий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди.)

Муқаддас китоб бўлмиш Инжил ва муқаддас ўтитлар IV-VIII асрлардаги етти бутхона Соборларининг қарорлари, шунингдек Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамасский, Иоанн Златоуст каби йирик

черков ходимларининг асарлари ушбу оқим таълимотининг асоси деб тан олинган.

Христианликнинг Шарқий тармоғи бўлмиш православиенинг ривожланиши жараёнида 14 Мустақил (автокефал) черковлари: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албания, Польша, Чехословакия, Америка черковлари шаклланган.

Православ оқимида сирли расм-русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.

*Чўқинтириши* - сирли ҳодисаси. Бунда диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши Худо-отани, Ўғилни ва Муқаддас руҳни чақириш билан руҳий туғилишни касб этади.

*Баданга елейни суркаш* ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас руҳнинг руҳий ҳаётга қайтарувчи ва чиниқтирувчи эҳсонлари улашилади.

*Покланишининг сирлилиги.* Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди.

*Надоматнинг сирлилиги* шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради.

*Руҳонийликнинг сирлилиги* у ёки бу шахсни руҳоний даражасига кўтариш учун епископнинг қўлини ўша шахс баданига тегизини (ёки қўйиши) орқали амалга оширилади.

*Баданни елей билан шиқалаш* сирлида Худонинг руҳий ва жисмоний заифликларни тuzатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади.

Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. *Пост* диний маросими одатда, катта черков байрамларидан олдин ўтказилади. Постнинг моҳияти инсон руҳини тозалаш ва янгилаш, диний ҳаётнинг муҳими воқеаларига тайёргарликдан иборат.

Рус Православиесининг кўп кунлик постлари тўртта: Пасха олдидан, Пётр ва Павел куни олдидан, Богородица уйқусидан олдин ва Исо туғилган кундан олдин.

Буюк байрам ичида Пасха биринчи ўринда туради. Пасха Исонинг ўлганидан сўнг қайта тирилганини нишонлаб ўтказиладиган байрам. У йилнинг 22 апрелидан май ойининг биринчи якшанбасигача ўтказиладиган байрам. У «Отцовский день»дан аввал ўтказилади. Пасханинг тарихи яҳудийликдаги *песах* байрами билан боғлиқ бўлиб, у яҳудийларнинг Мисрдан қочиб



чиқиши ва озодликка эришишини нишонланишидир. Христианлик яхудийликдан тўла ажралиб чиққач пасха янгича тус олган.

Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади. Улар: *Исо туғилиши, Сретение, Исони чўқинтириши, Преображение, Қуддусга кириши, Исонинг осмонга кўтарилиши, Троица Муқаддас бутнинг осмонга кўтарилиши, Благовещение* (Инжилнинг нозил бўлиши), *Рождество Богородицы* (Исонинг хочга осилиши) ва ҳакозо.

2.) **Католик оқими.** Христианликнинг йирик йўналишларидан бири католиклардир. У Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, мухлислари тахминан 800 млн. кишини ташкил этади.)

Католицизм *умумий, дунёвий* деган маъноларни ифодалайди. Унинг манбаи - унча катта бўлмаган Рим Христиан жамоаси бўлиб, ривоятларга кўра унинг биринчи Епископи апостол Петр бўлган.

Католицизмда Библияни шарҳлаш ҳуқуқи фақатгина руҳонийларга берилади, чунки улар уйланмаслик ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлар дабдабали ва соҳталаштирилган кўринишга эга, диний ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. провславиядаги каби католицизмда ҳам фаришга, икона, илоҳий куч, чиримайдиган марҳум жасадларига сиғиниш одатлари мавжуддир.

Католицизм христианликнинг йўналишларидан бири сифатида унинг асосий ақида ва қоидаларини тан олади, бироқ диний таълимот, сиғиниш ва ташкилий масалаларда бир қатор хусусиятлар билан ажралиб туради.

Католик диний таълимотнинг асосини Муқаддас китоб ва Муқаддас ёзувлар ташкил қилади. Бироқ Православ черковидан фарқли ўлароқ католик черкови Муқаддас ёзувлар деб нафақат аввалги етти Бутун Олам Христиан Соборларининг қарорларини, балки ҳозиргача бўлиб ўтган барча Соборлар қарорларини, бундан ташқари Папанинг мактублари ва қарорларини ҳам ҳисоблайди.

Католик черкови ташкилоти қатъий марказлашув билан ажралиб туради. Рим папаси бу черковнинг бошлиғи. У диний ахлоқ масалаларига оид қонун-қоидаларни белгилайди. Унинг ҳокимияти дунёвий соборлар ҳокимиятидан юқори туради.

Католик черковининг марказлашуви жумладан диний таълимотни ноанъанавий таҳлил қилиш (шарҳлаш) ҳуқуқида акс этган догматик тараққиёт тамойилини келтириб чиқаради.

Масалан, Православ черкови томонидан тан олинган диний рамзда таъкидланишича, Муқаддас руҳ *ота* худодан келиб чиқади. Католик ақидасига кўра эса Муқаддас руҳ *ота* худодан ва *ўғил* худодан келиб чиқади. Черковнинг нажот борасидаги роли ҳақида ҳам ўзига хос алоҳида таълимот шаклланган. Нажотнинг асоси имон ва хайрли ишлар ҳисобланади. Черков, Католик таълимотига кўра, хайрли зарурий ишлар хазинасига Исо томонидан яратилган «Хайрли ишлар захирасига» эга.

Черков Исо, Биби Марям, Муқаддас Руҳ номидан бу хазинани тасарруф қилиш, ундан муҳтожларга улашиш, яъни гуноҳларни авф этиш, надомат чекувчиларга пул ёки туфҳа эвазига авф - кечирим туфҳа қилиш ҳуқуқига эга. Пул эвазига ёки черков олдидаги хизматлари учун гуноҳларини кечириш - *индульгенция* ҳақидаги таълимот мана шундан келиб чиққан.

Аъроф ҳақидаги (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ақида фақат католик таълимотида мавжуд. Гуноҳи катта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда куяди (эҳтимол бу виждон ва надомат азобининг рамзий инъикосидир), кейин жаннатга йўл топади. Руҳнинг аърофда бўлиш муддати хайрли ишлар туфайли қисқартирилиши (ибодат ва черков фойдасига хайр-эҳсон қилиш билан) мумкин. Бу ибодат ва хайр эҳсонлар ўлганлар хотирасига яқинлар томонидан қилинади.

Аъроф ҳақидаги таълимот I асрдаёқ пайдо бўлган эди. Православ ва Протестант черковлари аъроф ҳақидаги таълимотни рад этади.

Бундан ташқари, православ дини таълимотидан фарқли ўлароқ, католик йўналишида папанинг беғуноҳлиги ҳақидаги ақида ҳам бор. Бу ақида 1870 йилдаги биринчи Ватикан соборида қабул қилинган. Ғарб черковининг Богородицага нисбатан алоҳида эътибори 1950 йилда папа Пий XII томонидан киритилган, Биби Марямнинг мерожи ҳақидаги ақидада ўз аксини топди. Католик таълимоти православ таълимоти каби етти асрорни тан олади, бироқ бу асрорларни талқин қилинишидан қарашлар мос келмайди. Масалан, причешение (тамади) қилиш қаттиқ нон билан, (православиеда бўктирилган нон билан) дунёвий (миряне)ларга нон ва вино билан шунингдек фақат нон билан амалга оширилади. Чўқинтириш сирини ўташ пайтида сув сепилади (чўқинтирилувчига), муз остидаги сувга чўктирилмайди.

*Миропомазание* (чўқинувчининг пешонасига елей суркаш) етти-саккиз ёшларда амалга оширилади, гўдаклигида эмас.

Бунда ўспирин (бола) яна битта исмга эга бўлади. Бунда у ўша авлиёнинг қилмишлари ва ғояларини мақсад қилиб қўяди. Шундай қилиб, бу русумнинг ижро этилиши имон мустаҳкамланишига хизмат қилиши зарур.

• Православларда никоҳсизлик русумини фақат қора руҳонийлик қабул қилади. Католикларда эса никоҳсизлик (целибат) Папа Григорий VII томонидан жорий қилинган қоидага кўра барча руҳонийлар учун мажбурийдир.

Дин маркази - эҳромдир. Диннинг муҳим элементлари черковга қатновчилар ҳаётининг маиший асосларини тартибга солувчи байрамлар, шунингдек постлардир.

Милодий пост католикларда адвент деб аталади. У Авлиё Андрей кунидан кейинги биринчи якшанбада - 30 ноябрда бошланади. Улар уч ибодат билан: ярим тундаги, эрталабки ва кундузги ибодат билан нишонланиб, Биби Марям ҳомиладор бўлиши, Исонинг туғилиши ва диндорнинг қалбида бўлиши каби рамзий маънони англатади. Ўша кун тазим қилиш учун эҳромларда гўдак Исонинг фигураси қўйилган яслилар ўрнатилади.

Католик иерархиясида уч даражадаги руҳонийлар бор: диакон, руҳоний (кюре, патер, кендз) Епископ.) Епископни папа тайинлайди. Папани кардинал коллегия сайлайди. Бунда умумий овознинг учдан икки қисми плюс 1 овоз тўпланиши шарт. (яширин овоз бериш йўли билан). II Ватикан соборида (1962-1965 йиллар) черков ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш, замонавийлаштириш жараёни бошланди. Биринчи навбатда ибодат анъаналарига тегишли бўлди. Масалан, ибодатни латин тилида олиб боришдан воз кечилди.

**3. Протестантизм дини.** Протестантизм тарихи Мартин Лютердан (1483-1546) бошланади. У биринчи бўлиб католик черкови билан алоқани узди ва протестант черковининг асосий қоидаларини ишлаб чиқди ва уни ҳимоя қилди. Бу низомга кўра, инсоннинг Худо билан бевосита мулоқоти мумкин. Лютернинг диний ва дунёвий ҳокимиятга қарши чиқишлари, католик диндорларнинг имонни ва виждонни инсон билан Худо ўртасидаги воситачи сифатида назорат қилиш ҳақидаги мулоҳазаларга қарши чиқиши жамоатчилик томонидан фавқулодда диққат билан тингланди.

Протестантизмнинг моҳиятига кўра, илоҳий лутфу марҳамат инсонларга черковнинг воситасисиз, бевосита инъом этилади. Инсон нажот топиши унинг шахсий эътиқоди ва Исонинг воситаси орқали рўй беради. Авом руҳонийлардан



фарқланмайди, руҳонийлик ҳамма диндорларга бир хилда жорий этилади.

Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор қилди, фақатгина лютеранликда нон ва вино билан чўқинтириш сақаланиб қолди.

Ўлганларга бағишланган дуо ўқиш, азиз-авлиёларга сифиниш, муқаддас мурдаларга, санамларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблардан, санамлар, ҳайкаллардан тозаланди, руҳонийларнинг уйланмаслик шартлари бекор қилинди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шарҳлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди.

Асрорлардан фақат *чўқиниш* ва *мансублик* (черковга) эътироф этилади. Ибодат ваъз-насиҳатлар, биргаликдаги ибодат ва сураларни куйлашдан иборат бўлди. Протестантлар Богородица шахсиятини, аърофни тан олмайдилар.

Лютер томонидан тузилган реформация бош таомиллари 95 тезис шаклида ёзиб берган. Улар Виттенбергнинг Насрий черковининг шимолий эшикларига ёзиб қўйилган. Мана шу тезислардан бири: Исо пайғамбар: «Тавба қилинг, чунки самовий шоҳлик яқинлашиб қолди» деб жар солганида шуни таъкидлайдики, имон келтирганлар ҳаёти бошдан-оёқ тўхтовсиз тавба-тазаррудан иборат бўлмоғи даркор.

Тавба-тазарру руҳоний (авлиё) олдидаги биргина тазаррудан иборат эмас. Биринчи тўрт тезисда, Лютер таъкидлайдики, ҳақиқий тавба узоқ муддатли жараёнدير, биргина хатти-ҳаракат билан рўёбга чиқмайди.

Папа фақат ўзи белгилаган жазони олиб ташлаши мумкин. Черков ҳеч қайси самовий жазодан инсонни озод қила олмайди. Тавба-тазарру қонунлари тириклар учун жорий қилинади (белгиланади). Бу ерда ва кейинги бир қанча тезисларда папанинг аъроф устидан ҳукмронлиги рад этилади.

«Руҳлар учун индульгенция олган шахсларга тавбу-тазарру қилиш талаб қилинмайди», деган таълимот Исо таълимоти эмас. Чиндан тавба қилган кишиларни Худо гуноҳларини кечади ва абадий азобдан озод қилади. Гуноҳкор папа ёрлиғисиз ҳам бундай мағфиратдан умид қилиши мумкин.

Лютер бир неча тезисларда таъкидлайдики, чиндан тавба қилган, надомат чеккан христиан (насоро) «самовий жазога шошилмайди, яъни унга самовий жазо жорий этилмайди».



Черковнинг ҳақиқий хазинаси муқаддас Инжил ва худо марҳаматидир. Лютернинг таъкидлашича, «хайрли амаллар хазинаси»нинг мавжудлиги камбағаллар учун эмас бойлар учун фойдалидир, бу хазиналарга папа марҳамати билан эмас, ўз амаллари билан эришуви мумкин. Бу хил воситалар билан Худонинг меҳрини қозонмоқни Лютер сароб деб атайди.

Ҳақиқий христиан Исога эргашиб истаги билан ёнмоғи зарур. Нажот йўли рухсатнома ёрлиғида эмас, балки чин юракдан надомат чекмоқ ва тавба қилмоқдадир.

1517 йили 31 октябрда жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган тезислар шундан иборат. Кейинчалик бу кун протестантлар байрами бўлиб қолди.

**Кальвинизм.** Диний ислохотнинг бошқа бир йирик арбоби Жан Кальвин (1509-1564) эди. Унинг 1536 йилда нашр этилган «Христиан динидаги кўрсатмалар» деган бош асари, протестантизм таълимот сифатида шаклланиданидан кейин янги бир диний йўналиш - кальвинизмнинг асоси бўлиб қолди.

Дастлабки ислохот арбобларидан фарқи ўлароқ, Кальвин учун диққат маркази Инжил эмас Таврот бўлиб қолади. Кальвин абсолют тақдир ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Бу таълимотга кўра, барча одамлар худонинг биз учун номаълум бўлган иродасига асосан мағфират қилинганлар ва маҳкум этилганлар тоифасига бўлинади. Инсон на имон ва на «хайрли ишлар» билан тақдирга ёзилганни ўгартира олмайди: мағфират қилинганлар нажотга маҳкум, мағфиратдан маҳрум бўлганлар эса абадий азобга маҳкумдирлар. Тақдир ҳақидаги таълим шундай асосга қурилганки, Исо ҳам бизнинг гуноҳларимиз учун азобу уқубатларга гирифтор қилинган эди.

Протестант черковининг кальвинистик йўналишдаги давомчилари (кальвинистлар ёки реформаторлар) Шотландия, Голландия, Шимолий Германия, Франция, Англияда кенг обрўга ва таъсирга эга эдилар.

**Пресвитерианлар.** Пресвитерианлик кальвинистик черковдан келиб чиққан бўлиб, (юнонча энг эски) мўътадил пуританлардир. 1592 йили Шотландия парламенти бу таълимотни асосий мафкура деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилган. Бу жамоа бошида унинг аъзолари томонидан сайланган пресвитер туради. Жамоалар маҳаллий ва давлат иттифоқларига бирлашади. Диний маросим ибодат, пресвитернинг мавъизаси, оятларни куйлашдан иборат. Литургия бекор қилган, на «дин

рамзи» ва на «отче наш» ўқилмайди. Фақат дам олиш кунлари байрам куни деб ҳисобланади.

**Англикан черкови.** Англикан черкови - Англиянинг давлат черкови 1534 йилда маҳаллий католик черкови Рим қироли Генрих VIIIни черков бошлиғи деб эълон қилди, яъни черков қирол ҳокимиятига бўйсундирилди. XVI аср ўрталарига келиб ибодатни инглиз тилида олиб бориш жорий этилди, постлар бекор қилинди, бут ва санамлар олиб ташланди, руҳонийлар уйланмаслиги мажбурий бўлмай қолди. «Мўътадил йўл» таълимоти, яъни Рим католицизми ва протестантизм орасидаги ўртача йўл шаклланди. Англикан диний таълимоти «Умумий ибодатлар китоби»да акс эттирилгандир.

**Баптизм.** Протестант таълимотининг энг кўп сонли давомчилари баптистлардир. Баптизм (юнонча «сувга чўктириш») XVII аср бошларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 130 мамлакатада ўз тарафдорларига эга. Бу таълимот тарафдорлари фақат ўспириларнигина чўқинтиришга олиб борадилар. «Ҳеч ким, жумладан, ота-оналар ҳам киши учун бирор динни танлай олмайди. Киши динни онгли равишда ўзи ихтиёр қилмоғи зарур», деган қоида баптистлар ва забур христианларининг асосий қоидасидир, уларда ибодат ўта соддалаштирилган бўлиб, диний кўшиқ, ибодат ва мавъизадан иборат. Забур христианлари тўртта русумни сақлаб қолишган: чўқинтириш, (ўспирилар учун) тановул, никоҳ, қўл билан силаб қўйиш. Бу христианлар учун бут эҳтиром рамзи эмас.

**Адвентистлар ҳаракати.** Адвентистлар (лотинча - *келиш*) ҳаракати Америкада XIX асрнинг 30 йиллари оғир иқтисодий буҳрон (кризис), умумий ишсизлик даврида вужудга келди. Унинг асосчиси Вильям Миллер (1782-1849). Адвентистлар бир неча мустақил черковларга бўлинган бўлиб, уларнинг энг каттаси «*Еттинчи кун адвентистлари*». Уларнинг асосий ғояси Исонинг иккинчи бор ерга тушиши ва инсониятни халос этиб, шайтон ва унинг тарафдорларини билан урушиб, уларни мутлақ яқсон қилишидир. Улар кишиларни Исони кутиб олиш учун яхши ахлоқли бўлишга чақиради. Адвентистлар диндорлардан ўз маблағларидан ўндан бирини черков ҳисобига ўтказишларини ва тинмасдан тарғибот ишларини олиб боришларини талаб қилади. Исо пайғамбарнинг иккинчи марта ерга қайтиши ҳақидаги башорат *нажот йўли* деб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ғарбий ҳамда Шарқий черковларнинг раҳбарлари кўп асрли ихтилофларнинг аянчли оқибатларини

бартараф қилишга интилноқдалар. Масалан, 1964 йили Рим Папаси Павел VI ва Константинополь патриархи Афинагор иккала черков вакилларининг XI асрда айтган ўзаро қасамёдларини тарқоқлигини бартараф қилиш учун биринчи қадам қўйилди.

### Павлуснинг таржиман ҳоли

Масихийликда Павлус (Павел) исмли шахс катта ўрин тутган. Масихийликдаги эътиқод ва амаллар, диний манбалардан кўплари унга нисбат берилдики, ҳеч ким бу борада ундан ўзиб кетмайди. У ўзининг серҳаракатлилиги, тиниб-тинчимаслиги ва мағрибу машриқ узра жаҳонгашталиги билан бирор жойда муқим турмас, доимо бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юрарди ва масихийликнинг энг ашаддий давъатчиси ҳисобланар эди. Масихийлар у тутган йўлдан таъсирланганлар ва унинг хабарлари ҳамда сўзларини ўзи битиб тартиблаган мактублар орқали ёки ўзи битмаса ҳам кўпчиликка юборилган маърузаларини нақл қилиб келтирилган хабарлар орқали ўрганганлар.

Масихийлар Павелнинг йўриғидан юришди, унга эргашишди ва уни ўзларига биринчи намунавий (идеал) шахс деб билишди. Шундай экан, биз унинг аввалги масихийликдаги ўрни ҳозирги масихийликдаги каби бўлганми-йўқми, буни билишимиз учун унинг тарихига назар солишимиз керак бўлади.

Павел ҳақида бирор нарсани зиёда қилиб юбормаслик ва масихийлар наздида унинг қандай шахс эканлигини кўрсатмоқ учун, у ҳақда сўз юритганда масихийлик манбаларидан четта чиқмаймиз.

«Хаворийларнинг фаолияти» (Х.Ф.) китобида («Янги аҳд»нинг бир қисми) Павлус ҳаёти батафсил ёритилади ва унинг қилган ишлари ушбу китобнинг энг катта қисмини ташкил қилади. Унда Павелнинг туғилган жойи Тарс шаҳри эканлиги, ўзи Оршалим (Қуддус)да тарбия топгани, асл исми Шоул эканлиги айтиб ўтилган. Мана бу 22-бобнинг 3-ояти: «Мен яҳудийман. Киликиснинг Тарс шаҳрида туғилган бўлсамда, ушбу шаҳарда (Ўршалимда) тарбияланганман».

Яна унинг фарзийлардан эканлиги ҳақида ҳам хабар қилган. 2-3-бобда айтилади: «Уларнинг бир қисми садуккий ва бошқа қисми фарзий мазҳабидан бўлганни Павел билгач, кенгашга баланд овоз билан хитоб қилиб:

- Биродарлар! Мен фарзийман, ҳам фарзийнинг ўғлиман. Мен ўликларнинг тирилишига қаттиқ эътиқод қилганим учун мени тергаятгилар, - деди».

Масихийликдаги китоблар Павелнинг яҳудийлардан эканлигига иттифиқ қилади. Лекин «Хаворийларнинг фаолияти» (қисқача-Х.Ф.) китобида унинг римликлардан эканлигига ҳам далолат қилувчи сўзлар бор. 22-бобнинг охирида айтилади:

Уни тасма билан боғлашаётган вақтда,

Павел ёнида турган юзбошига:

- Рим фуқаросини ҳукм қилмай қамчилаш, сизнингча қонунга мос келадими? - деб сўради.

Юзбоши бунга эшитгач, бориб мингбошига хабар берди.

- Қаранг, сиз нима қилмоқчисиз ўзи? Бу одам Рим фуқароси экан-ку, - деди. Шунда мингбоши Павелнинг ёнига келиб:

- Менга айтингчи, сиз Рим фуқаросимисиз? - деб сўради.

- Ҳа, - деди Павел. Мингбоши:

- Мен бу фуқароликка кўп пул билан эга бўлганман, - деди . Павел:

- Мен ҳатто бу фуқароликда туғилганман, - деб жавоб берди.

Шунда Павелни сўроқ қилмоқчи бўлганлар дарҳол ундан қўл тортишди.

Мингбоши ҳам унинг Рим фуқароси эканлигини билгач, уни боғлаб қўйгани учун кўрқиб кетди».

Мана булар шубҳасиз қарама-қарши фикрлардир. Тўғрироғи, у яҳудий эканлиги бўлса керак, чунки у ўзининг қамчиланишини билгач, ўзини римлик деб атади ва ҳийла ишлатиб қамчидан қутилиш учун ўзини римлик деб даъво қилди. Ҳийла иш бериб Павел (жазодан) омон қолди ва уни яна бир бор келтирганларида ҳам мингбоши уни қамчилатмади.

«Х.Ф.» да Павел ўзининг фарзий эканлигини баланд овоз билан хитоб қилиб айтиши садүқийлар билан фарзийлар ўртасида ихтилоф чиқиши учун бўлган эди. Китобда Павел ўзини фарзий деб тан олган ўринда «уларнинг бир қисми саддиқий ва бошқа қисми фарзий мазҳабларидан бўлганини Павел билгач:» деган сўзлар келган. Демак Павелнинг бундай хитоб қилиши улар ўртасида келишмовчилик чиқариб, уларнинг зараридан бир томоннинг ҳимояси орқали нажот топиш учун бўлган.

Ҳақиқатда у хоҳлаган баъзи нарса рўй берди ва улар ўртасига нифоқ тушиб, қаттиқ жанжаллаша бошладилар, бу воқеа «Х.Ф.» китобининг 23-бобида зикр қилинган. Шундай экан биз бу нарсани унинг миллатини кўнгил таскин тогудек аниқлай олмаймиз.



Миллати қайси бўлишидан қатъий назар ушбу Павел ҳаётининг аввалги босқичида масиҳийликнинг ашаддий душманлари, масиҳийларга энг кўп ҳийла-найранг ишлатадиган, бу динга кирганларга энг кўп қийноқ - азиятлар берадиган одам эди. Бу нарса «Х.Ф.» китобининг кўп ўринларида зикр қилинган. Шу китобнинг 8-бобида айтилади:

«Ўша куннинг ўзида Қуддусдаги имонлилар жамоасига қарши кескин қувғин даври бошланди. Ҳаворийлардан бошқа ҳамма яҳудийлардан қочиб, Самариянинг ҳар хил жойларига тарқаб кетдилар. Баъзи диндор одамлар Стефанни кўмиб, у учун катта йиғи қиладилар. Шоул эса имонлилар жамоатини талон-тарож қилар эди. Уйма-уй юриб, эркакми, хотинми, ҳаммани судраб қамоқхонага берар эди».

9-боб аввалида айтилади: «Шоул ҳали ҳам Исо Масиҳнинг шогирдларига қарши қатлу қирғин таҳдидлари билан нафас олиб юрар эди. У олий руҳонийнинг ҳузурига бориб, Дамашқ шаҳридаги яҳудий ибодатхоналари учун мактублар сўради. Бу таълимотни изидан бораётган кимсани топса, у эркак ё хотин бўлишидан қатъиназар, кишанлаб Қуддусга келтирмоқ ниятида эди».

«Ҳаворийларнинг фаолияти» китобининг бир неча ўринларида унинг ушбу ўз ўтмишини эътироф этгани келтирилган.

22-бобда Павел яҳудийларга хитобан у бундай дейди:

«Бугун бу ерда йиғилган ҳаммаларингиз каби мен ҳам ота-боболар Қонуни йўриғида жиддий тарбияланиб, Худо учун фидоий бўлиб келганман. Ҳатто бу Исо йўлининг избосарларини эркакми, аёлми демасдан ҳаммасини боғлаб зиндонларга топширар, ўласи қилиб қувардим. Ана, омий руҳоний билан оқсоқолларнинг ҳаммаси менинг гувоҳларимдир. Мен улардан Дамашқдаги яҳудий биродарларига ёзилган мактублар олиб, у ерда яшаган Исога имон келтирганларни жазолаш учун Қуддусга кишанлаб келтирмоқ ниятида йўлга тушган эдим».

Лекин «Х.Ф.» китоби масиҳийларга ана шундай найранглар кўрсатган, қийриқ-азиятлар етказган ушбу одамнинг шайтон ва тоғут йўлидан масиҳийликка тўсатдан кириб қолганини таъкидлайди, аммо бир йўлни ёки эътиқодни қабул қилиш учун бўладиган тайёргарлик ёки турткилар ҳақида лом-мим демайди.

9-бобда айтилади: «Йўли Дамашққа яқинлашганда, тўсатдан осмондан тушган нур унинг атрофини ёритиб юборди. У ерга йиқилган заҳоти:

- Шоул, Шоул ! Нега мени қувғин қилаяпсан? - деган овозни эшитди. Шоул:

- Э Раббий, Сен кимсан? - деди.

- Мен сен қувғин қиляётган Исоман, Менга қарши кетишинг қийин, - деди у. Шоул ваҳималаниб, титроқ билан:

- Э Раббий , нима қилишимни буюрасан? - деди. Исо унга:

- Қани ўрнингдан туриб шаҳарга кир, унда нима қилишинг кераклиги сенга айтилади, - деди.

Павлус ёки Шоул масиҳийликка кирди ва Исо Масиҳ шогирдлари билан боғланишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин шогирдлар ундан хавф қилиб иймонига ишонч ҳосил қилмадилар. Шунда Барнабо Шоулнинг иймонига гувоҳлик бериб, йўлда содир бўлган воқеани сўзлаб берди».

«Х.Ф.» китобининг 9-бобида айтилади: «Шоул Қуддус шаҳрига етиб боргач, у ердаги Исо шогирдларига кўпилиб иноқлашишга уринди. Лекин у Исонинг шогирди бўлганлигига ҳеч ким ишонмай ундан қўрқишарди. Ўшанда Барнабо Шоулни ҳаворийларнинг ҳузурига бошлаб келди ва унинг йўлида Исони қандай кўриб, Исо унга нима деб сўзлаганини, Дамашқда Исонинг номи билан қандай довюраклик билан ваъз айтганини уларга айтиб берди».

Шу вақтдан бошлаб Шоул масиҳийликни тарғиб қилишдаги фаол бир қувват ва доимий ҳаракатга айландики, бунга «Х.Ф.» китоби далолат қилади. Павел ўз сафарларида Барнабо билан ҳамроҳ бўлди. Кейин эса улар ўртасида ихтилоф чиқди ва ажралиб кетдилар.

Ана шу нуқтага етганда муҳим бир масала мавҳум бўлиб қоляпти. «Х.Ф.» китоби бизларга Павелнинг ўзи даъват қиляётган ва ўн тўртта мактубида тартиблаган масиҳийликни кимдан олгани, ўрганганини баён қилиб бермайди. (Баъзи Ёзувчилар «Х.Ф.» китобини Лукага нисбат бериш ўрнига Павелга нисбат берадилар) масиҳийлик китоблари у масиҳийлик асосларининг кимдан қабул қилиб олганини баён қилмаган. Балки улар Павел бировдан ўрганишга муҳтож эмас, деб эътиқод қилсалар керак. Чунки у масиҳийликда душман кофир даражасидан уларнинг эътиқод бўйича пайғамбар даражасига кўтарилган ва ваҳий орқали илҳом билан гапирадиган шахсга айланган. Демакки, у ўрганиш ва дарс қилишга муҳтож эмас эди, чунки ваҳий унга кифоядир.

Шоул турли иқлимларда канисалар ташкил қилди, даъват билан машғул бўлди, маърузалар қилди. Мактублар битди. Кейинчалик

унинг мактублари эътиқод асосларини ва баъзи шаръий амалларни ўз ичига олган таълимий рисоалар бўлиб қолди.

Айтишларича, у император 66 ёки 67 йили Нерон қирғинбаротлари вақтида ўлдирилган.

### **Павлуснинг сифатлари**

Павлуснинг мактубларида тартибланган ва «Х.Ф.» китобида зикр қилинган ҳолатлари ва сўзларидан уни ажратиб турувчи учта сифати яққол кўзга ташланадики, булар уни масиҳийликка даъват қилувчиларнинг йўлбошчиси бўлишига олиб борди.

**Биринчи сифати:** У доимий серҳаракат, чарчамайдиган серкувват ва эринмайдиган шахс бўлган.

**Иккинчи сифати:** У пишиқ, ҳийласи ўткир, фикрлаш доираси кучли, ҳар ишни ғоятда ўткирлик билан ҳал қилувчи ва усталик билан амалга оширувчи шахс бўлган.

**Учинчи сифати:** У кўпчилик қалбига таъсир қила олувчи ва уларнинг хоҳиш-истакларини эгаллай олувчи шахс бўлган.

Павел ана шу аъло сифати ва ўткир қудрати билан масиҳий даъватчиларнинг меҳр маркази бўлишга, ўзининг раъй-фикрларини масиҳийларга фарз этиш ва уни дин қилиб олишларига, унинг сўзини ҳужжат қилиб олишлари ва Худодан келган ваҳий деб тан олишларига эриша олди.

Павлус ана шундай ажойиб сифатлари билан дўст Барнабони Исо Масиҳни кўрганига ишонтира олди ва шогирдлар ўртасида биринчи даражани эгаллашга эришди, ваҳоланки, у уларга фитна, бало ва шайтоннинг ҳийласи бўлиб келганди. Ана шундай кучли сифатлар билан у ҳаворийларни унинг ўтмишини унутишлари ва уни фақат яхши инсон деб қабул қилишларига эриша олдики, ҳатто кўпчилик ичида унинг сўзини рад қила олмай қолдилар. Ҳатто бориб-бориб ҳозирги масиҳийлик Павел табиатининг кўчирмасига айланди қолди. Динлар борасида шуғулланган ва ундаги шахсларнинг ҳолатлари ва тутган мавқеларини биладиган кишилар гоҳи: «Қандай қилиб бир динга кофир бўлган одам ҳеч қандай турткисиз бир юмалаб шу динга қаттиқ эътиқод қилиш ҳолатига ўтиб қолди?» деб ажабланадилар. Бунга унча ажабланмаса ҳам бўлар эди, қачонки бу куфрдан иймонга ўтишнинг ўзидангина иборат бўлса. Чунки бунга мисоллар кўпдир. Лекин ҳаммадан ажабланарлиси бир шахснинг бир динга нисбатан мутлақ куфрдан, ўзи кофирлик қилган, қарши чиққан, душманлик қилган худди шу динга

пайғамбарлик даражасига кўтарилишидир. Мана бунинг ўхшашини ҳам, мисоли ҳам кўрилмаган, бу нарса ҳеч бир набий ва расулда содир бўлмаган ҳодисадир. Мана масиҳийлар ўзлари иймон келтириб ривож қиладиган яҳудийлар Тавротини, қадимги Аҳд китобларидан бирор-бир пайғамбарнинг ҳаётининг аввалида ваҳийни қабул қилишга тайёргарлиги бўлмай, илҳом аҳлидан бўлиши учун покиза нафсли бўлмай элчилик вазифасига тайинланганини бизга зикр қила оладиларми? Пайғамбарликдан илгари унинг аломати мавжуд бўлмас экан ҳеч, бўлмаса унга қарама-қарши туриш содир бўлмаган бўлиши керак-ку! Лекин ҳайратомуз Павлус ўз замонида бу таажжубни енгиб, ўзидан кейин масиҳийларни унга сўзсиз итоат этишга мажбур қила олди ва унинг сўзлари, раъй-фикрлари ҳамда таълимотларини ўрганаётганларида ақлни унутиб қўйишларига имкон топа олди.

Гарчи Павлуснинг заковати ва усталиги кўпчилиكنинг ақл кўзига парда тортган бўлсада, масиҳийлар ичида унинг сўзларига қарши кучли мулоҳаза билдириб инкор қилувчи ва ботилга чақирувчи кишилар ҳам бўлган. Руҳоний Абдулаҳаднинг сўзини келтирамиз: «Янги аҳд» китобларидан 15 та мактуб ушбу (Павел) исмини ўз ичига олади. Агар сен ҳозирги масиҳийликнинг ҳақиқий муассиси Павлус десанг ҳайратга ўрин йўқдир. Бенямин уруғидан, фарзийлар мазҳабидан ҳамда замонасининг олимларидан биринчи шогирди бўлган... Тарслик йигит Шоул Исо номини ва унга эргашганларни ер юзида йўқ қилиб юбориш йўлида бор кучини сарф қилган. Ўзининг Назаретлик душманини (яъни Исони) пешин пайти осмондан тушган нур атрофини ёритиб юборганда кўрган бу йигит ҳидоят топди ва Павлус деб номланди. Ана у Исавийлик асосини қўйган кишидир.

### **Ўрта Осиё халқлари тарихида Христиан дини.**

XI асрнинг охирида христианликнинг Шарққа томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий тус олди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айрим вилоятларига илгарироқ кириб борганлар. 280 йилдаёқ Талос (Марке) черковлари қурилиб бўлган, Самарқандда (310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марида ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самарқандда, Марода (430 йиллар), Ҳиротда (658 йиллар) епископликдан иборат диний ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар



зардуштийлар, монавийлар, буддавийлар, билан бир қаторда христианлар ҳам бўлган.

Ўрта Осиё территориясида исломнинг тарқалиши даврларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бироқ, X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973-1056) Марвда православ метрополияси бўлган.

Ана шу даврда христианлик Кавказда ҳам тарқала бошлади. Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланади. Озарбайжон ва Жанубий Доғистон территориясида IV-VII асрларда ҳукмрон дин ҳисобланган.

**Библия.** Библия, яҳудийлик ва христианлик динлари таълимотига кўра, у Худо томонидан нозил қилинган, асосий диний ақида ва ахлоқ қонунларини ўзида жамлаган муқаддас китоблар мажмуасидир.

Унинг таркибига кирган яҳудий динига таллуқли китоблар «Қадимий аҳд» деб, христиан таълимотига тегишли китоблар «Янги аҳд» деб номланади. Яҳудий ва Христиан библиялари бири-бирига мос келмайди. Яҳудийларнинг муқаддас китоби Қадимий Исроил ва Қадимий Яҳудийларнинг диний таълимот ва урф-одатлари асосида эрамиздан авалги XIII асрда ёзилган бўлса, Христианларнинг китоби эса эрамизнинг бошларида вужудга келди. Яҳудийлар христианларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олмайдилар христианлар эса яҳудийларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан оладилар.

Библия сўзининг грекчадан таржимаси *biblia* - *китоб*, *ўрам* маъноларини англатади. Ҳозирги Библия католик нашрларида 72 та китобдан, протестант нашрларида эса 66 китобдан иборат. Яҳудийларнинг яна бир диний манбаси Талмуднинг хабар беришича Қадимий аҳдда 24 та китоб бўлиши керак. Қадимий яҳудий тарихчиси Иосиф Флавийнинг айтишича 22 та китоб бўлиши керак. Протестантлар ва яҳудийлар, Тридент Соборидан кейин (1545-1563) католиклар ҳам қадимий аҳд таркибига 45 та китоб киргиздилар. Бу сон билан юқорида келтирилган сон ўртасидаги тафовутни кейинчалик баъзи китоблар бир неча мустақил китобларга бўлиниб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, «Мусонинг беш китоби» аввал бир бутун бўлиб, кейинчалик бешта мустақил китобга ажратиб юборилган, «кичик пайғамбарлар китоби» 12 китобга ажратиб юборилган.

Яхудийлар Қадимий Аҳдни 3 қисмга бўладилар:

- биринчисига «Мусонинг беш китоби» - «Тора» («Таврот»);
- иккинчисига «Пайғамбарларнинг аввалги ва кейинги китоблари (Неггим);
- учинчисига қолган китоблар (Кетубим).

Христианлар Қадимий Аҳдни «Ривоятлар китоблари», «Таълимотларга китоблари»га, «Пайғамбар китоблари»га бўлишади. Улар Янги Аҳднинг 27 китобини ҳам шундай тасниф қиладилар. «Ривоятлар китоблари»га «Инжил» ва «Ҳаворийлар фаолияти» китоблари киради. «Таълимотлар»га «Ҳаворийлар мактублари» киради, «Пайғамбарлар китоблари»га «Ваҳй» китоби киради.

Библиянинг китоблари бобларга, боблар эса сураларга бўлинади. Унинг ҳозирги қабул қилинган бўлиниши Нентерберия епископи Стефан Лангтон (вафоти 1228 й.) томонидан киритилган. У 1214 йили лотин тилидаги матнни бобларга бўлиб чиқди ва бу нарса кейинчалик яхудий ва юнон тилларидаги матнларга ҳам жорий қилинди. Суралар аввал Сантес Панино (в. 1541 й.) кейинчалик 1555 йиларда Роберт Этьенлар томонидан рақамланди.

**Таврот.** Мусога тегишли бўлган, беш китоб «Таврот» деб аталади ва у қуйидаги китобларга бўлинади: 1) «Борлиқ» ёки «Ибтидо»; 2) «Чиқиш»; 3) «Левит»; 4) «Сонлар»; 5) «Иккинчи қонун».

**Инжил.** Инжил - хушxabар маъносини англатади. Янги аҳд таркибига кирган Инжил 4 га бўлинади. 1) Матвей инжили; 2) Марко инжили; 3) Лука инжили; 4) Иоанн инжили.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Христианлик биринчи бўлиб қайси даврда ва қаерда тарқалди?
2. Христианликнинг асосий ақидаси қандай?
3. Христианликнинг қандай асосий оқимларини биласиз?
4. Христианликнинг муқаддас китоби қайси?
5. Иисус Христос шахси ҳақида нималар биласиз?
6. Ҳозирги пайтда христианликнинг асосий марказлари қаерда?
7. Христианликнинг қандай манбаларини биласиз?
8. Библиянинг таркибига қандай китоблар кирган?
9. Жумхуриятимиз ҳудудида христианликнинг қайси оқимлари тарқалган?

### *Таянч сўзлар:*

- |                  |                   |
|------------------|-------------------|
| 1. Библия;       | 8. Епископ;       |
| 2. Муқаддас Рух; | 9. Диакон;        |
| 3. Пасха;        | 10. Папа;         |
| 4. Чўқинтириш;   | 11. Митрополит;   |
| 5. Хоч;          | 12. Алтарь        |
| 6. Икона;        | 13. Индульгенция; |
| 7. Патриарх;     | 14. Пост.         |

### *Семинар учун мавзулар*

1. Христианликнинг вужудга келиши.
2. Исо Масих ҳаёти.
3. Библия – христианликнинг муқаддас китоби.
4. Павлуснинг христианликда тугган ўрни.
5. Христианликнинг икки асосий оқимга бўлиниши.
6. Православиенинг асосий таълимоти.
7. Католицизмнинг тарқалиши.
8. Протестантлик оқимининг вужудга келиши.
9. Баптистлар, адвентистлар, пресвитериянлар ҳаракати.
10. Ўзбекистонда христианлик.

### *Адабиётлар:*

1. Мень А. История религии. М., 1994.
2. Мифы народов мира. В 2-х томах. М., 1973.
3. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. под общ. ред. М.К. Яблокова. М., 1995.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996.
5. Религиозные традиции мира. В 2-х томах. М., 1996.
6. Религиозные традиции мира. Буддизм, нудизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек-1997.
7. Васильев А. С. История религий Востока. М., 1997.
8. Кривелев И. А. История религий. М., 1989.
9. Кон-Щербок Д. Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. М., 1995.
10. Никольский К. М. История русской церкви. М., 1985.
11. Закон божий. Волгоград, 1987.

«...Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

...Биз ҳаммамиз, «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман», деб эътиқодимизни эътироф этамиз».

**И. А. Каримов**

## 7-Мавзу. ИСЛОМ

### Режа:

- I. Жоҳилия;
- II. Ислом таълимоти;
- III. Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳаётлари;
- IV. Ислом Макка даврида;
- V. Мадина ислом давлатининг вужудга келиши.

**Жоҳилия.** Бу сўз араб тилида (*жаҳула-билмаслик*) жоҳиллик, билимсизлик, нодонлик маъносини беради. Жоҳилия сўзи Арабистоннинг исломдан олдинги даврига нисбатан ишлатилади. Чунки бу даврда араблар орасида *ал-Васанийя* - *кўпхудолик* ҳукм суриб, улар яккахудоликдан беҳабар эдилар. Бундан ташқари халқ орасида қизларни тириклайин кўмиш, майхўрлик ва бошқа ахлоқий бузуқликлар кенг ёйилган бўлиб, ислом дини уларга чек қўйди.

Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисмини қадимдан Ҳижоз деб аташган. Бу ярим оролнинг катта қисмида ислом вужудга келгунига қадар кўпхудолик ҳукм сурарди. Арабларнинг энг қадимги динлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм ва ўтмиш авлодларга сифинишни киритиш мумкин. Тотемизмнинг яққол далили сифатида кўп араб қабилаларининг номини келтириш кифоя; асад (арслон), калб (ит), бакр (бўғалоқ), саълаб (тулки), зийб (бўри) ва ҳ.к.

Арабистонда ҳар хил худоларнинг тимсоли - санамлар қачон пайдо бўлганлиги ҳақида конкрет тарихий маълумотлар йўқ. Ҳарқалай, бут-санамларга сифиниш - диннинг янги босқичи бўлди. Эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ ҳар бир араб қабиласининг ўз санамлари бўлган. Икки қабилани урушидан сўнг, одатда, мағлуб қабилани ғолиб қабилани санамига сифина бошларди.



Баъзида ғолиб қабила мағлуб қабиланинг санамини ҳам ўз санами ёки санамлари сафига қабул қилиши мумкин эди. Арабистоннинг турли ерларида муайян санамларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Макка Арабистоннинг диний марказига айлангач, у ердаги Каъба санамларнинг пантеонига (тўшланган жойига) айланиб қолди. Ислом арафасида араблар орасида бутпарастлик шунчалик авжида эдики, ҳатто ҳар хонадоннинг ўз санами бор эди, дейиш мумкин. Сафарга отланган киши бундай санамни кўли билан ишқаб, сўнг йўлга тушарди, сафардан қайтгач эса, биринчи навбатда у яна санамини силаб-сийпарди.

Ибн ал-Асирнинг уқтиришича, 630 йили Муҳаммад с.а.в. Маккани забт этганларида Каъба ичида 360 та санамни кўрганлар ва уларни синдириб ташлашни буюрганлар<sup>1</sup>. Санамларнинг сони учун бу рақам жуда катта кўринади, аммо муайян санам бир неча қабилада эҳтиром қилинган бўлса, у Каъбага шунча нусхада қўйилган бўлиши мумкин.

Ибн ал-Калбийнинг араб кўпхудолигига бағишланган «Китоб ал-асном» асарида тилга олинган датлабки 5 санамнинг номи (Вадд, Суво‘, Яғус, Я‘уқ, Наср) Қуръонда ҳам зикр қилинган (Нух, 22-23-оятлар). Уларнинг тасвири кўпчиликка маълум эди. Вадд — эркак киши, Суво‘ — аёл киши, Яғус — шер, Я‘уқ — от ва Наср — бургут қиёфасида ифодаланар эди.

Қуръонда зикр қилинган энг қадимги санамлар жумласига Манот, Аллот ва ал-‘Узза ҳам киради. Жоҳилия арабларининг тасаввурида бу уччала санам ҳам аёл худолар бўлган.

Ислом вужудга келиши арафасида Жанубий Арабистон аҳолисининг этиқодида катта ўзгаришлар юз берди. Арабистон ярим оролининг жанубида ҳам, шимолида ҳам аксарият аҳоли ҳар хил бут-санамларга сиғинарди, яъни кўпхудолик этиқодида эди. Аммо арабларнинг бутпарастлиги фақат тотемизм, фетишизм каби ибтидоий, илк дин шакллари эмас, балки узоқ йўлни босиб ўтган, нисбатан ривожланган кўпхудолик эди.

---

<sup>1</sup>Пайғамбарларнинг номи зикр этилганда *салавот* айтиш, яъни Қуръонда номи келган пайғамбарларга *алайҳис салом*, Муҳаммад пайғамбар номлари айтилганда ёки ёзилганда юқоридаги каби баъзан *алайҳис салом* (қисқача: а.с. *ёзилади*), асосан эса у зотга хос бўлган *саллаллоҳу алайҳи васаллам* (қисқача: с.а.в. *ёзилади*) дейиш мусулмонлик одоб-ахлоқларидан бўлиб, вожиб саналади. Шунингдек, ўзбек тилида уларнинг номлари ҳурмат юзасидан “Сиз”лаб айтилади ва ёзилади.

Исломдан олдин Арабистоннинг кўп жойларида яҳуд жамоалари мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар кўп. Яҳудлар билан бирга Арабистон ярим оролига яҳудий дини ҳам кириб келди. Арабистон яҳудийлар ҳақида, асосан, Куръон, Ҳадис, Тафсир, Сира ва аҳборлар китоблари хабар беради. Бу мавзуга аниқлик киритадиган ҳозирга қадар топилган ҳужжатларнинг энг қадимийси — Янги Бобил подшоҳи Набонидга (эр.ав.555-539) тегишли хроникадир. Унда айтилишича, эрамиздан аввалги 552-542 йиллар Шимолий Арабистондаги Тейма шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олган Набонид бу ердаги шаҳарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган; улар орасида кўпчиликни яҳудлар ташкил қилган. Маълумки, бундан олдинроқ (эр.ав.586 й.) Навуходоносор II Куддусни забт қилганида салкам 30 минг яҳудийни асир қилиб, Бобилга келтирган ва «Бобил асирлиги» 50 йил давом этганди. Шундан сўнг ҳам баъзи яҳудлар Фаластинга қайтмай Бобилда қолиб кетгандилар.

**Ислом таълимоти.** Ислом дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Фаластин, Туркия, Эрон, Покистон, Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср Араб Республикаси, Судан, Сомали сингари мамлакатлар халқлари, Ўрта Осиё, Эфиопия, Бруней Султонлиги, Малайзия, Индонезия ҳамда Ливан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми, Европа қитъасида эса Болқон ярим ороли, Кавказорти ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Фарбий Сибирда яшовчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Ер юзида Исломга эътиқод қилувчилар, яъни мусулмонлар қарийб 1,5 млрд. га етади ва улар сони жиҳатидан христианлардан сўнг иккинчи ўринда туради.

Ислом сўзи арабча «Оллоҳга ўзини тошпириш», «итоат этиш», «таслим бўлиш», «бўйсунуш» маъноларини беради. Исломнинг асосий манбаси бўлмиш Куръони Карим VII асрда нозил бўлган бўлса-да, ислом таълимотига кўра бу дин, ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, барчаларига нозил қилинган. Муҳаммад с.а.в. аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирувчи, улар динини қайта тикловчи, қиёмат олдидан юборилган охириги пайғамбар - *Набий* ва *Расул* деб тан олинадилар.

*Набий* — пайғамбар, араб тилидан таржимаси *хабарчи*, *хабар етказувчи* маъноларини беради. Пайғамбарлар орасида уларга

Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат нозил қилинмаган ва аввалги пайғамбарнинг китоб ва шариатини инсонларга тарғиб қилганлари *набийлар* деб аталади (Исмо‘ил, Исҳоқ, Ўа‘қуб, Закарийо каби).

*Расул* - пайғамбар, араб тилида *элчи* маъносини англатади. Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат берилган пайғамбарлар *расуллар* даражасига эришган ҳисобланади (Иброҳим, Мусо, ‘Исо каби).

Ислом ақидаси, асосан етти нарса — аллоҳга, унинг фаришталарига, нозил қилган муқаддас китобларига, юборган пайғамбарларига, охират кунига, тақдирнинг яхшилиги ва ёмонлиги Аллоҳдан эканлигига, ўлгандан кейин қайта тирилишга имон келтиришдан иборат. Бу ақидалар имон калималари деб аталмиш олти калимада ўз ифодасини топган.

Ислом дини ҳар бир ўзини мусулмон деб атаган кишига дин арконлари деб аталган қуйидаги беш вазифани юклайди: 1) Аллоҳнинг ягона илоҳ эканлигига ва Муҳаммад а.с. унинг пайғамбари эканлигига гувоҳлик бериш; 2) кунига беш маҳал намоз ўқиш; 3) миқдорига етганда ўз молидан закот бериш; 4) ҳар йили Рамазон ойида рўза тутиш; 5) қодир бўлса умрида бир марта ҳаж қилиш. ✓

**Макка даври.** Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абд ал-Мутталиб Арабистон тарихида «фил воқеаси» номи билан машҳур жангдан 50 кун кейин таваллуд топдилар. Мисрлик мунажжим Маҳмуд пошонинг аниқлашича Пайғамбарнинг таваллуд топишлари милодий сананинг 571 йил 21 апрель кунига тўғри келади. Оталари Абдуллоҳ Муҳаммад с.а.в. туғилмасларидан олдин савдо иши билан Шомдан қайтаётиб Ясриб(Мадина)да вафот этдилар ва ўша ерга дафн этилдилар.

Бола соғлом ва зийрак бўлиб ўсиши учун арабларда саҳройи аёллардан суг-она топиб эмизиш одати бор эди. Ана шу одатга кўра, Бакри қабиласидан бир гуруҳ аёл гўдак излаб шаҳарга келади. Муҳаммад с.а.в.га суг-она бўлиш Абу Зуайбнинг қизи Ҳалимага насиб этди. Ҳалиманинг эри чорвадор Абу Кабша эди. Қурайш мушриклари Пайғамбар а.с.ни масхаралаб кулганда у кишини Абу Кабшага мансуб қилиб: «Бу Абу Кабшанинг ўғли нукул осмондан гапиради» дейишарди. Расулulloҳни 4 йилдан ортиқ вақт ичида эмизган Ҳалиманинг оиласига барака ёғилиб турди. «Шарҳи садр» ёки «Шаққи садр» («Кўкрак ёриш») воқеаси ана шу даврда юз берди (Қуръони Каримнинг 94-сураси).



Ривоят қилинишича, Расулulloҳ Ҳалиманинг қўйларини яйловда боқиб юрганларида икки ошпоқ кийимли киши келиб у кишининг кўкраklarини ёришади-да, ичларидан бир нарсани олиб ташлаб, кесилган жойни тикиб қўйишади. Муҳаммад с.а.в.ни икки оқ кийимли киши олиб кетишаётганини кўрган акалари ўз оналарига бу хабарни етказишганида биби Ҳалима воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келадилар. Бу вақтда кичкина Муҳаммад с.а.в. ранглари бир ҳолатда турган эдилар. Кейин уларга бўлган воқеани ўз оғизлари билан гапириб берадилар. Шундан сўнг бировнинг фарзандига бирор шикаст етиб қолишидан кўрққан Ҳалима болани ўз оналарига топширади.

Ибн Касирнинг «ал-Бидойа ва-н-ниҳойа» асарида келтиришича, мазкур олиб ташланган нарса «инсон қалбида мавжуд бўладиган шайтон насибаси, яъни шайтоний ҳис-туйғулардир». Ат-Табарийга кўра, бу воқеа Муҳаммад с.а.в.нинг қалбларидан шайтон насибасини зам-зам суви билан покиза қилиб ювиб ташлашдир.

6 ёшларида оналари Омина вафот этдилар. 8 ёшгача боболари Абдулмутталиб қўлларида қолиб, боболари вафот этгач, амакилари Абу Толиб Муҳаммад с.а.в.ни ўз қармоғига олди.

Муҳаммад с.а.в. 25 ёшга тўлганларида Асад жамоасидан бўлган бой аёл Хадича бинт Хувайлид у кишидан ўзининг савдо карвони билан бирга Шомга сафар қилишни сўради. Бу савдодан катта фойда тушди. Муҳаммад с.а.в.нинг тўғрисиўзлик, ҳалоллик, садоқатлилик каби юксак инсоний фазилатларини кўрган Хадича ёшлари анча катта бўлишига қарамай, таомилга зид равишда унга совчи қўйди. Муҳаммад с.а.в. томонидан амакилари Абу Толиб, Хадича томонидан амакиваччаси Варақа розилик бериб, никоҳ ўқилди.

Муҳаммад с.а.в.нинг шу хотинлари у кишининг етти фарзандларидан 6 тасининг онаси бўлган. Улар, Зайнаб, Умму Кулсум, Руқия, Фотима, Қосим, Абдуллоҳлардир. Мория исми аёлларидан эса Иброҳим туғилган.

Муҳаммад с.а.в. 35 ёшга кирганларида маккаликлар Каъбани таъмир этишади. Уни қайта қуриш жараёнида муқаддас саналган «ал-Ҳажар ал-асвад» (Қора тош)ни ким ўрнига қўяди деган масалада тортишиб қоладилар. Шунда улардан бири - «эрталаб Сафо эшигидан ким биринчи кириб келса ўша бизга ҳакамлик қилсин», дейди. Эрталаб Сафо тарафидан Муҳаммад с.а.в. кириб



келадилар. Уни кўрган оламон «Муҳаммад ал-Амин (ишончли Муҳаммад) келди» деб, хурсанд бўлишади. У зот чопонларини ечиб, унга Қора тошни қўйиб, барча қабила бошлиқларини чопонни бараварига кўтаришга буюрадилар ва ўзилари Қора тошни жойига қўядилар. Муҳаммад с.а.в. ўзларининг зукколиклари билан қабилалар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низонинг олдини оладилар.

Муҳаммад с.а.в. 40 ёшга етганларида кўпроқ ёлғизликни кўмсайдиган бўлиб қолдилар. Маккадан 3 мил масофадаги Ҳиро тоғида жойлашган ғорга кетар ва Рамазон ойини у ерда кечириб, ибодат қилардилар. Фамлаган озуқалари тутагач, биби Хадича олдига қайтар, бу ерда бир оз қолиб, яна ўша ғорга кетар эдилар. У ерда ўзларини сукунатга бериб, чуқур ўйга толар эдилар. Ғойибдан кулоқларига «Сен Аллоҳнинг элчисисан» деган товушлар эшитилар эди.

Милоднинг 610 йилида Рамазони шариф ойида Пайғамбар а.с. одатга кўра, яна Ҳиродаги ғорга чиқдилар. Жамиятда юз бераётган ноҳақликлар, инсоният жабр тортаётган залолатдан қутулиш - олий ҳақиқатга эришиш ҳақида фикр юритар эдилар. Ҳиро тоғида аввалги ўтган пайғамбарлар Иброҳим, Мусо, Исо каби «таҳаннус» ибодати билан машғул бўлардилар. Имом ал-Бухорий бу ибодатга шундай шарҳ берадилар: «Пайғамбаримизнинг қайси шаклда ибодат қилганлиги сўраладиган бўлса, бунинг тафаккур ва ибратдан иборат бўлганлигини айтамыз».

Пайғамбарликнинг бошланиши тушда аён бўла бошлади. Тушда кўрилган ҳар бир нарса ойдин бир субҳ каби ўнгда юз берарди. Кунларнинг бирида Ҳиро тоғидаги ғорда ваҳй келтирган фаришга Жаброил а.с. Пайғамбарга кўринди ва:

- Ўқи, - деди.

Пайғамбар:

- Мен ўқишни билмайман, - дедилар.

Фаришга яна амрини такрорлади. Пайғамбар яна:

- Мен ўқишни билмайман, - жавобини бердилар. Сўнгра фаришга у кишини бошдан оёққа қадар кучлари қолмагунча сиқди.

Шунда Пайғамбар:

- Нимани ўқишим керак? - деб сўрадилар.

У замон фаришга илоҳий оятларни ўқий бошлади:

*«Яратган раббинг номи билан ўқи! У инсонни лаҳта қондан яратди. Ўқи! Карамни кенг бўлган Раббинг ҳаққи учунки, У қалам билан таълим берди, инсонга билмаганларини ўргатди».*

«Алақ» сурасининг бошидаги бу оятлар илк келган ваҳидир. Пайғамбар а.с. бу оятларни қалбга жойлаб, фариштанинг кетидан қайтардилар. Шундан сўнг бўлиб ўтган воқеадан ниҳоятда ҳайрат ва қўрқувга тушганларидан дарҳол биби Хадичанинг ҳузурларига қайтдилар ва «Мени ўраб қўйинг, ўраб қўйинг», дедилар. Ўранганларидан сўнг узоқ уйқуга кетдилар. Уйғонгач бўлган воқеани аёлларига сўзлаб бердилар. Хадича буни яхшиликка йўйиб, Варақа ибн Навфал номли аввалги самовий китоблардан бохабар бўлган қариндошларининг ҳузурига бориб, бу воқеанинг тафсилотини сўрадилар. Варақа бу кўринган фаришта Мусо ва Исо пайғамбарларга ваҳини олиб тушган «*Номуси Акбар*» - *Жаброил* эканлигини айтди. У яна келажакда Муҳаммад с.а.в. умматга пайғамбар бўлишлари, бу йўлда кўп азият чекишлари, ўз юртларидан чиқарилишлари ҳақидаги хабарларни билдирди.

Расулулоҳ яширин даъватга ўтдилар. Биринчи бўлиб Хадича бинт Хувайлид ва амакиваччалари Али ибн Аби Толиб имон келтиришди. Кейин Зайд ибн Ҳориса, Абу Бакр имон келтиришди. Биринчилардан бўлиб иймон келтирганларни кўрадиган бўлсак, улар аёллардан - Хадича, эркаклардан - Абу Бакр, ёш болалардан - Али ибн Аби Толиб, қуллардан - Зайд ибн Ҳориса бўлдилар. Улар жамиятнинг турли табақаларидан бўлиб, бу нарса ислом ҳамма учун ҳам муносиб дин эканини кўрсатарди. Вақт ўтиши билан жами мусулмонлар 30 кишига етди. Улар қурайшийларнинг янги динга қарши эканликларини билганликлари учун ўз динларини яширин сақладилар. Бу ҳолат уч йил давом этди. Шундан сўнг исломга очиқ даъват қилиш вақти етганлигини билдирувчи қўйидаги мазмундаги оятлар нозил бўлди:

*«Яқин қариндошларингни уйғот, мўминлардан сенга тобеъ бўлганларга раҳмат ва ҳимоя қанотларини тушир. Агар сенга осий бўлиб қарши тураверсалар, уларга: Мен сизнинг амалларингиздан покдурман (тамомила узоқман), деб айт» (Шуаро сураси, 214-216-оятлар).*

*«Сен ўзингга амр қилинган ишни (ҳақ динга даъват қилишни) очиқдан-очиқ юзага чиқар ва мушриклардан юз ўгир» (Ҳижр сураси, 94-оят).*

Пайғамбар бу оятга биноан Абдулмутталиб оиласини, амакилари Абу Толиб, Аббос, Ҳамза, Абу Лаҳабларни уйларига зиёфатга таклиф этдилар. Овқатдан сўнг Пайғамбар ваҳй қабул қилганлари, янги дин исломга даъват этишга буюрилганлари ҳақида гапирдилар. Абу Лаҳаб бу сўзларни қатъий инкор этиб, йиғилганларни тарқатишга тушди.

Бир муддат ўтгач Пайғамбар даъватни янада кучайтирдилар. Бир куни Сафо тепалигига чиқиб: «Эй Қурайш халқи», - дея хитоб қилдилар. Бу хитобни эшитганлар Муҳаммад с.а.в.нинг атрофига тўпландилар. У киши тўпланганларга қарата:

- Сизга шу тепанинг орқасида бир душман қўшини борлиги хабарини айтсам, менга ишонасизми? - дея сўрадилар.

- Ҳа, ишонамиз, чунки сенинг ёлғон сўзлаганингни ҳеч эшитмадик,- дедилар.

Пайғамбар уларга:

- У ҳолда сизни огоҳ этаман. Агар сиз Аллоҳга ишонмасангиз, буюк бир азобга дучор бўласиз,- деб қабила номларини бирма-бир санаб ўтдилар. Сўнгра:

- Хабарингиз бўлсинки, Аллоҳ менга яқин қабиламни огоҳ этишимни амр этди. Мен сиз учун на дунё манфаатини сақламоққа, на охиратда топадиган насибамизни ҳозирлашга қодир эмасман. Булар сизнинг бир сўзингизга боғлиқ. У ҳам бўлса, «Ла илаҳа иллаллоҳ» («Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир»), дейишингиздир,- дедилар.

Тингловчилар орасида бўлган Абу Лаҳаб дарҳол ўрнидан туриб:

- Кунимизни захар қилдинг. Бизни бу ерга шунинг учун тўшладингми?- деди.

Шу сабаб бўлиб, бу йиғин ҳам бир натижа бермади.

Илк мусулмон бўлганларнинг ичидан ҳеч кими ва орқасида қувватли суянчиғи бўлмаганлар мушрикларнинг таъқибига учрадилар. Макка мушриклари Абу Бакр, Усмон ибн Аффон каби обрўли ва бадавлат зотларга бир нарса дея олмас эдилар. Аммо заиф бўлган фақирларни оч ва сувсиз тутишар, урар эдилар. Улар орасида Билол Ҳабаший, Аммор ибн Ёсир, Суҳайб Румий, Ҳаббоб ибн Арат, Абу Фукайҳа каби қуллар ҳамда Лубайна, Наҳдийя, Зиннира, Умму Абис каби жориялар бор эдилар.

Мушриклар Усмон ибн Аффон каби мусулмонларга қўлларидан келган азобларни беришдан чекинмаётган эдилар. Пайғамбарга энг кўп душманлик қилганлар қуйидагилар эдилар:

Абу Лаҳаб, Абу Жаҳл, Валид ибн Муғира, Абу Суфён, Умайя ибн Халаф, Ос ибн Воил.

Курайш улуғлари Муҳаммад с.а.в. нинг Аллоҳ элчиси бўлганлигини тан олган эдилар. Аммо ҳасад юзасидан унга қарши чиқар эдилар. Буни Аҳнас Абу Жаҳлдан ислом ҳақидаги фикрини сўраганида у берган жавобдан билса бўлади: «Биз билан Ҳошимийлар ўртасида қадимдан рақобат бордир. Шарафни ўртада бўлиша олмаймиз. Улар зиёфат берсалар, биз ҳам берамиз. Улар хайр-саховат кўрсатсалар, биз ҳам кўрсатамиз; улардан орқада қолмаймиз. Шундай баробар кетаётган пайтимизда улардан бири ўзига кўкдан ваҳй келганини хабар беряпти. Биз бунга қандай қўшила оламиз? Валлоҳи, биз уларнинг Пайғамбарига ишонмаймиз!...».

Мусулмон бўлмаган маккаликлар ҳам Муҳаммад с.а.в.нинг юксак ахлоқ эгаси эканликларини тан олар эдилар. Мусулмонлар сафи кенгайиб Пайғамбар амакилари - жасур Ҳамза ундан сўнг Умар ибн ал-Хаттобнинг имон келтиришларидан мушриклар саросимага тушиб қолдилар. Улар мусулмонларга озор беришни янада кучайтириб юбордилар. Бу азиятлардан холи бўлишлари учун Пайғамбар мусулмонларга Ҳабашистонга ҳижрат қилишни буюрдилар.

Ҳабашистонга кетишни истаган 11 экак ва 4 аёлдан иборат бўлган биринчи гуруҳ Маккадан яширин равишда чиқиб, Қизил денгиз бўйлаб кетди. Уларнинг ичида Усмон ибн Аффон ва хотини Руқия (Пайғамбарнинг қизлари), Абу Ҳузайфа ва хотини, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Масъуд бор эдилар. Гуруҳ бошлиғи Усмон ибн Мазъун эди. 15 киши бир гуруҳ ҳолида ваҳйнинг 5-йили Ҳабашистонга кетдилар. Уларни Ҳабашистонда жуда яхши кутиб олдилар. У ерда яхши сокин ҳаёт кечира бошладилар. Уларнинг бундай осойишта ҳаёт кечираётганликларини эшитган бошқа мусулмонлар ҳам бир йилдан сўнг иккинчи бир гуруҳ ҳолида у ерга ҳижрат этдилар. Бу гуруҳнинг бошида Жаъфар ибн Аби Толиб бўлиб (Алининг акаси), улар 80 киши эдилар.

Ҳабашистон халқи ва унинг подшоҳи Нажоший мусулмонлар жуда яхши муносабатда бўлдилар.

Маккаликлар Абдуманоф уруғини Абу Толиб дарасига қамал қилдилар. Шундан сўнг икки марта Ҳабашистонга ҳижрат қилинди.

Қамалдан сўнг Хадича вафот этди. Пайғамбар Тоифга ҳижрат қилдилар.



Маккада «Исро ва Меърож» воқеаси юз берди<sup>4</sup>. Душманлар Расулulloҳни ўлдиришга қарор қилишди.

**Мадина даври.** Мадиналиклар Маккага Пайғамбар ҳузурларига келиб ислонни қабул қилдилар. Улар билан маккалик мусулмонлар ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди. Макка мушрикларининг мусулмонлар устидан тазйиқлари кучайгач Пайғамбар уларга Ясриб(Мадина)га ҳижрат қилишни буюрдилар. Улар кетидан ўзлари ҳам ҳижрат қилдилар.

Мадиналик «ансор» («ёрдамчи»)лар маккалик муҳожирларни жуда самимий кутиб олдилар. Муҳаммад с.а.в.нинг ҳижратлари раби ал-аввалнинг 8-куни милодий 622 йил 20 сентябрда бўлди. Биринчи мусулмонлар масжиди қурилди. Азон жорий этилди. Авс ва Ҳазраж араб қабилалари ва Бану Қурайза, Бану Қайнуқоъ, Бану Надир қабилалари билан ўзаро сулҳ тузилди. Ҳар томондан мусулмонларга қарши ҳужумлар уюштирилди. Мусулмонлар уларни муваффақият билан қайтардилар. 624 йил, март ойида «Бадр» ғазоти бўлди.

Мадина даврида Муҳаммад пайғамбар етакчиликларидаги ислон жамоаси яқин давлатлар орасида тузилажак кучли бир давлатнинг вазифаларини бажариб, турли араб қабилаларининг ва бир-бирига қарам бўлган қабилалар иттифоқларининг ўзаро душманлигини йўқотишга улар ўртасида яқин ва узоқ муддатли сулҳ шартномаларини тузишга киришган эди.

Ҳижратнинг 6 - йилида Макка қурайшийлари билан тузилган Худайбия шартномаси энг муҳим тарихий ҳужжатлардан биридир. Бу сулҳ битими тузилиши арафасида Пайғамбар 1500 саҳоба жангчилар билан, ўқ-ёй ва найзалар олмасдан, фақат қилич тақиб, Байтулҳарам зиёрати вақтида қурбонликка сўйиладиган 70 туяни ҳайдаб, Макка шаҳрига яқин келдилар. Бу кичик кўшин Макка мушрикларига кўп кўриниб, улар Расулulloҳни жанг қилишга, урушга келган ҳисоблаб, шаҳарга киритмадилар. Ҳар икки тараф бир неча бор элчилар алмашиб, вазиятни тушунтирдилар. Мусулмонларнинг тинч мақсадда келганига ишонмасдан, Макка мушриклари урушга тайёрланиб турдилар. Аммо жоҳилият замонларида ҳам Байтулҳарамда - Каъба ва унинг атрофида жанг қилиш, қон тўкиш ман қилинган эди. Буни яхши билган Муҳаммад пайғамбар Усмон ибн Аффон

---

<sup>4</sup> Бу ҳақда маълумот учун қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳиҳ. 2-жилд. Т., 1997. 567-бет.

етакчилигида навбатдаги элчиларни юбордилар. Макка мушриклари буларни гаровга олиб, (асир олгандай), қайтариб жўнатмадилар. Мусулмонлар ҳам Макка вакиллари вақтинча ушлаб турдилар.

Орадаги кескин вазиятни юмшатиш учун пайғамбар Ҳудайбия деган жойда Макка раислари билан ўн йиллик сулҳ шартномасини тузишни таклиф этдилар. Ҳудайбия шартномаси мусулмонлар учун мураккаб вазиятда тузилди.

Мусулмонлар давлатининг илк тарихий хужжатларидан бўлган Ҳудайбия битимида қуйидаги шартлар ёзилди:

- *Ўн йилгача тарифлардан ҳеч бири уруш бошламайди.*

- *Шу муддат ичида мусулмонлар ва маккаликлар ўзаро алоқада бўладилар.*

- *Улардан кимки мусулмон бўлиб Маккадан Мадинага волий рухсатсиз қочиб келса, агар маккаликлар уни талаб қилсалар қайтарилади. Мусулмонлар тарафидан муртад бўлиб қочган кишилар қайтарилмайди.*

- *Ўртамизда душманлик тугатилади, талончилик ва макр-хийлаларга йўл қўйилмайди.*

- *Истаган одамлар Муҳаммад билан шартнома тузиб, иттифоққа қўшилишни истаса-қўшилаверади, истаган одамлар қурайшийлар билан шартнома тузиб, иттифоққа қўшилишни истаса қўшилаверади.*

- *Сен (Муҳаммад) бу йил Маккага кирмай қайтиб кетасан, келаси йили биз Маккадан чиқиб турамиз ва мусулмонлар уч кун Маккада туришлари ихтиёрийдир. Уша вақтда мусулмонларнинг қиличлари қинида бўлиб, бошқа ҳеч қандай қурол билан келамайдилар.*

Шартномага мусулмонлар жамоаси тарафидан Муҳаммад пайғамбардан сўнг Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн ал-Хаттоб, Абдурахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Суҳайл (Қурайш вакилининг ўғли), Саъд ибн Аби Ваққос, Муҳаммад ибн Маслама имзо чекдилар. Қурайшийлар тарафидан Суҳайл ибн Амр, Микроз ибн Хафс, Хувайлид ибн Абдул-Узза имзо чекдилар.

Ҳижратнинг 8-йили Макка фатҳ этилди. Ҳавозин, Сақиф қабилалари билан Ҳунайн жанги бўлди. Мушрикларнинг Каъба ичидаги 360 олиҳа (бут-санам)лари, хусусан Аллот, Манот, ал-‘Узза номли бутлари йўқ қилинди.

Макка фатҳидан сўнг ислом Арабистон ярим оролида тўла ғалабага эришди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Макканинг

олиниши мусулмонлар учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди, чунки шундан сўнг Мадинадаги мусулмонлар жамоаси Арабистон муҳитида ягона давлат ва сиёсий кучга айланди.

632 йили Пайғамбар ҳажга боришга қарор қилдилар. Бу у зотнинг охирги ҳажлари бўлганлиги туфайли ислом тарихида «Ҳажжатул вадо» (хайрлашув ҳажи) деб номланди. Бу сафарга тўқсон минг мусулмон отланди. Зу-л-ҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арафот тоғида Пайғамбар а.с. ислом динининг асосий шартларини баён этган «Видолашув хутбаси»ни ўқидилар. Шундан сўнг, деярли барча араб қабилалари исломни тан олиб Пайғамбар а.с.га элчи ва мактублар йўллаш бошладилар.

Ҳаждан Мадинага қайтган Пайғамбар бир оз муддатдан сўнг касалликка чалиндилар. Зотан «Моида» сурасининг 3-оятга нозил бўлган вақтда саҳобаларнинг баъзилари пайғамбар ҳаётларининг охирлашиб қолганлигини сезган эдилар. Жумладан ушбу оятда куйидагилар баён этилган:

*«...Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бениқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» (Моида сураси, 3-оят).*

Ҳижратнинг ўн биринчи йилида Пайғамбар а.с. вафот этдилар. Пайғамбарнинг вафот этган куни ҳақида тарихчилар орасида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Тарихчилар В.В.Бартольд, Муҳаммад Ҳузарий Сайид Амир Али, марҳум профессор Муталиб Усмонов, Доктор Абдулмунъим Мажид Муҳаммад пайғамбарнинг вафот этган кунларини 632 йилнинг 8 июн деб берадилар. Тарихчи Муҳаммад Ризо пайғамбарни 632 йил 9 июнда (11 ҳижрий йил, 12 рабиул аввал) вафот этганлар деб ҳисоблайди.

**Ал-Ҳулафо ар-Рошидун даври.** Пайғамбар вафотлари ҳақидаги хабар Мадина аҳли орасида ёйилгач, ансорлар Ҳазраж қабиласининг сайиди Саъд ибн Убода ёнига тўпландилар. Айни пайтда мусулмонлардан бирининг Абу Бакр олдига келиб, Бани Соида сақфасида ансорлар Расулulloҳга халифа сайлаш учун йиғилганларини хабар бериши эътиборга лойиқ. Чунки худди шу маълумот мусулмонлар ўртасида халифа сайлаш бир қатор мураккаб ихтилофий муаммолар билан амалга ошишидан хабар беради. Абу Бакр, Умар ибн ал-Хаттоб ва Абу Убайда ибн Жарроҳлар Саъднинг бетоб бўлишига қарамасдан, ансорларга маъруза қилаётган пайтига етиб келдилар.

Муҳожирлар халифани Қурайш қабиласидан сайланишини хоҳлар эдилар. Чунки Қурайш қабиласининг Арабистон ярим оролида нуфузи юқори эди. Агар халифа бошқа қабиладан сайланса, давлат ичида фитна оралаши шубҳасиз, чунки муҳожирлар биринчилардан бўлиб Пайғамбарга иймон келтирганлар ва Макка мушрикларининг азобларини бирга тотган эдилар.

Ансорлар эса муҳожирлардан кўра халифаликка ўзларини ҳақлироқ деб билардилар. Улар Пайғамбар қийин аҳволда қолганларида ёрдам қилганлар ва ўз шаҳарларининг тўрини бўшатиб бергандилар ва у зот билан бирга мушрикларга қарши елкама-елка туриб жанг қилган эдилар.

Муҳожирлар халифаликка Қурайш қабиласининг номзодини қўяр эканлар, Пайғамбарнинг *«Имомлик Қурайш ҳаққи», «Имомлик Қурайшдан, қозилик ансордан ва азон чақирини эса ҳабашдандир»* - деган ҳадисларини далил қилар эдилар. Улар халифаликка Умар ибн ал-Хаттоб ёки Абу Убайда ибн Жарроҳнинг номзодини кўрсатардилар.

Ўз ўрнида ансорлар ҳам Қуръон оятлари ва пайғамбарнинг ҳадисларига таянган ҳолда халифаликка Саъд ибн Убода номзодини қўйдилар. Улар муҳожирларнинг муайян қабиладан халифа сайлаш ҳақидаги фикрига қарши чиқиб, халифани ҳар қандай қабиладан унга лойиқ одамни топиб сайлаш мумкин деган хулосага келдилар.

Ансорларнинг асосий далиллари Қуръондаги *«Оллоҳнинг ҳузурида севимлироғингиз тақводорларингиздир»* - деган ояти ва пайғамбарнинг *«Агар боши майизга ўхшаган қора ҳабаш сизларга бошлиқ бўлса, унга итоат этинглар»* - деган ҳадислари эди.

Мазкур халифаликка номзодлар орасида Пайғамбарнинг уруғларидан халифа сайлаш тарафдорлари ҳам бор эдилар. Улар Али ибн Аби Толиб, Аббос, Зубайр, Фотима ва бошқа Ҳошим уруғининг вакиллари эди. Улар халифаликка пайғамбар оиласидан бошлиқ сайлаш иштиёқида эдилар. Бу гуруҳ халифаликка Алини, ундан кейин унинг ўғлини, кейин набирасини ва ҳ.к. сайламоқчи эдилар. Уларнинг таъбирларича, ўринбосар эмас, фақат етакчи имомгина Қуръонни шарҳ ва тафсир қилиши, ҳадисларни таҳлил этиши ва шариат ишларида ҳукм, фатво чиқариши мумкин эди. Шунинг учун улар пайғамбар издошига халифа эмас, «Имом» номини берганлар.



Шу икки гуруҳ орасидаги кичкина ихтилоф ислом умматининг *Сунний* ва *Шиа* оқимларига бўлинишига сабаб бўлди.

Абу Бакр халифаликка сайлангач, уни мусулмонлар «халифат Расулуллоҳ», яъни «Пайғамбарнинг ўринбосари» деб атадилар. Ундан сўнг халифаликка сайланган Умар ибн ал-Хаттоб пайғамбарнинг эмас, балки Абу Бакрнинг ўринбосари бўлиши керак эди. Шунинг учун мусулмонлар уни «халифат халифат Расулуллоҳ», яъни «Пайғамбар ўринбосарининг ўринбосари» деб аташлари зарур эди. Бундай қийин талаффуздан қочиш мақсадида Умар ибн ал-Хаттоб ўзини «Амирул муъминин», яъни муъминларнинг амири деб аташларини маъқул кўрган эди.

Халифалик Али ибн Аби Толибга етиб келгач, эса унинг тарафдорлари уни «Имом» деб атай бошладилар. Шундай қилиб, илк араб халифалари: халифа, амирул муъминин ва имом деб номланганлар.

#### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Ислом дининг асосий ақидаси нималардан иборат?
2. Муҳаммад алайҳи-с-салом қайси даврда ва қаерда дунёга келдилар?
3. Биринчи ваҳй қачон нозил бўлди?
4. 622 йилдаги ҳижратнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Бадр жангги қачон ва қаерда бўлиб ўтди?
6. Макка фатҳи қачон амалга оширилди?

#### *Таянч сўзлар:*

- |              |                     |
|--------------|---------------------|
| 1. Ислом;    | 8. Мусулмон;        |
| 2. Жоҳилия;  | 9. Мушрик;          |
| 3. Васанийя; | 10. Каъба;          |
| 4. Ҳанифлик; | 11. Закот;          |
| 5. Ваҳй;     | 12. Ҳажар ал-Асвад; |
| 6. Даъват;   | 13. Фатҳ;           |
| 7. Ғазот;    | 14. Рисолат;        |

## *Семинар учун мавзулар*

1. Ислом таълимоти ва рукнлари.
2. Жоҳилия даврида Арабистон ярим оролидаги ижтимоий ва диний ҳолат.
3. Муҳаммад алайҳис саломнинг ваҳйгача бўлган ҳаётлари.
4. Пайғамбарлик фаолиятининг бошланиши.
5. Ислом дини Макка даврида.
6. Мадина Ислом давлати.
7. Ал-Хулафо ар-Рошидун даврида ислом.

### **Адабиётлар:**

1. Иброҳимов Н.И. Ўрта аср араб халқ адабиёти. Т., «Фан», 1994.
2. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т., 1992.
3. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти. Туркчадан Иброҳим Йўлдош Жўрабой ўғли таржимаси. Т., 1997.
4. Большаков О.Г. История Халифата. 1-3 части. М., 1989-1998.
5. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991. - 315 с.

*«Бизнинг динимиз авваламбор Қуръони Каримга, унинг илоҳий оятларини тушунтириб, маъно-мазмунини бизга аён қилиб берадиган Ҳадиси шарифга асосланади».*

**И. А. Каримов**

## **8-Мавзу. ИСЛОМНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ**

### **Режа:**

- I. Қуръон ва ҳадис - Ислом динининг асосий манбалари;*
- II. Қуръоннинг таркиби;*
- III. Қуръоннинг жамланиши;*
- IV. Тошкентдаги «Мусҳафи Усманий» тарихи;*
- V. Ҳадис ва машҳур муҳаддислар;*
- VI. Имом ал-Бухорий - буюк муҳаддис.*

### **Қуръони Карим**

«Қуръон» - арабча «қара'а» (ўқимоқ) феълидан олинган. Қуръон суралардан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ёки ундан ортиқ оятларни ўз ичига олади. Қуръонда жами 114 та сўра мавжуд/Оятлар сони эса, Қуръон мантларини тақсимлашнинг турли йўлларига кўра, 6204га, 6232га, ҳатто 6666 тагача белгиланган. Бу нарса Қуръон нусхаларининг бир-биридан фарқли эканлигини эмас, балки ундаги оятларнинг турлича тақсимланганлигини билдиради.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра - аввал катта суралар, ундан сўнг кичик суралар тартиби Муҳаммад с.а.в. кўрсатмаларига биноан жойланган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Исломшунослик ва Қуръоншунослик хулосалари асосида сураларнинг хронологик тартибини қуйидагича шаклда тасаввур қилиш мумкин:

1. Макка даври (610-615 йиллар). Европа олимлари бу даврда нозил бўлган сураларга «Назмий суралар» деб ном берганлар.

2. Макка даври (616-619 йиллар), Муҳаммад с.а.в. ва уларнинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган, ва кўпчилик Ҳабашистонга кўчиб кетган муҳитда нозил бўлган. Бу сураларда

Оллоҳнинг «Раҳмон» сифатида кўп тилга олинганлиги сабабли Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.

3. Макка даври (610 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам Муҳаммад с.а.в. ва саҳобалар таъқиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақоидига кенг ўрин берилган.

Тарихий воқеалар аниқроқ кўзда тутилган ҳолда Мадина даврига оид 24 та сурани беш даврга ажратиш маъқулроқдир:

1-Мадина даври (622 йил октябрдан 624 йил гача). Муҳаммад с.а.в. Мадинага кўчиб келганларидан маккаликлар билан биринчи йирик тўқнашув - Бадр жангигача нозил бўлган 4 сура бу даврга киради.

2-Мадина даври (624 йил мартдан 625 йил мартигача). Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида нозил бўлган 3 сурани ўз ичига олади.

3-Мадина даври (625 йил мартада - 627 йил мартигача). Уҳуд жангидаги талофотдан кейин Хандақ жангигача ўтган икки йил ичида 5 та сура нозил бўлган.

4-Мадина даври (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Хандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида нозил бўлган 8 сура шу даврга киради.

5-Мадина даври (630 йил февралидан 632 йил майигача). Макка фатҳ қилинганидан кейин Муҳаммад с.а.в. вафотларигача ўтган икки йилдан ортиқроқ давр ичида нозил бўлган 4 та сура шу даврга киради.

Муҳаммад алайҳис-салом ҳаётлик чоғларида яна ваҳй тушиб қолар деган умидда Қуръон жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Пайғамбар вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида сақланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (572-634) бошлиқ этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) муъминлар ва муртад(диндан қайтган)лар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Ушбу жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар кўплаб шаҳид бўлдилар. Шунда Умар ибн ал-Хаттоб (585-644) Абу Бакрга «барча қорилар шу зайлда ўлиб кетаверса Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зарур» деган маслаҳатини беради. Аввалига Абу Бакр иккиланиб туради, чунки бу иш Пайғамбар ҳаётлик пайтларида қилинмаган эди. Кейинроқ Абу Бакр ҳам Қуръонни



китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етди ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб бу ишни унга топширади. Чунки, Зайд Пайғамбар алайҳис-салом билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръонни жуда ҳам яхши ёд олган ва Расулуллоҳ ҳузурларида ёзган. Пайғамбар умрларининг сўнгги йилида фаришга Жаброил алайҳис-саломга Қуръонни аввалидан то охиригача ўқиб берганларида бирга бўлган эди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қуръонни кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб чиқдилар ва боғлаб Абу Бакрнинг уйида сақлаб қўйдилар. Бу «сухуф» - *саҳифалар* деб номланди. Абу Бакр оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умар ибн ал-Хаттоб уйига, у оламдан ўтгандан сўнг, унинг қизи - Пайғамбар алайҳис-салом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан кўплаб халқлар мусулмонликни қабул қилиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасида мавжуд фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклиги борасида ихтилофлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтда халифалик қилган Усмон ибн Аффон (644-656) Ҳафса бинти Умардан Абу Бакр ва Умар давридаги *сухуф*ларни сўраб олиб ундан нусха кўчиришга буйруқ беради.

Халифа Усмон ибн Аффон топшириғига биноан Зайд ибн Собит барча Қуръон сураларини йиғиб, таққослаб чиқиб қайтадан Қуръон матнини жамлаган. Қуръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йил тақдим этилди. У асл нусха ҳисобланиб яна учта, баъзи манбаларга кўра еттита нусха кўчиртирилиб, йирик шаҳарлардан - Басра, Дамашқ, Куфага жўнатилади. «Имон» деб номланган асл нусха эса Мадинада, халифа Усмон ҳузурларида қолди. Кўчирилган нусхалар «Мусҳафи Усмон» деб аталди.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага битта қори қўшиб жўнатдилар ва ҳаммага фақат Қуръоннинг шу нусхасидан кўчиришга буйруқ беради.

Мазкур Қуръон 5553 варақдан иборат бўлиб, варақлар ўлчами 68x53 см., матн ҳажми 50x44 см.дир. Саҳифалар кийик терисидан ишланган бўлиб, ҳар бирига 12 қатордан чиройли *куфий* хатида ёзув битилган. Кўп варақлари йўқолган ва кейинчалик қоғоз саҳифалар билан тўлатилган.

Татаристонлик ислом олими Шихобуддин ал-Маржонийнинг (1818-1889) айтишича, Қуръонни қайта тиклаш Самарқандда

жойлашган «Муғак масжиди» имоми Абдурраҳим ибн Усмон (ваф. 1838 й.) тарафидан бажарилган.

Араб тарихчиларининг хабар беришларича, халифа Усмон Қуръонни мутоала қилиб ўтирганларида ўлдирилган. У кишининг қони Қуръонга тўкилган. Шу туфайли ҳам Усмон Қуръони асл нусхалиги ва халифа қони тўкилганлиги билан мусулмон дунёсида муқаддас китоб ҳисобланиб, алоҳида эътиборга сазовордир. Биздаги, яъни Тошкент шаҳридаги Усмон Қуръонида ҳам қон излари бўлиб, шу нусха халифа Усмонга тегишли деган фикрлар мавжуд.

Усмон Қуръони руслар Ўрта Осиёни босиб олгунча Самарқандда, Хўжа Аҳрор мадрасасида сақланар эди. Қуръоннинг Самарқандга келтирилиши ҳақида ҳам халқ ўртасида ҳар хил ривоятлар мавжуд. Улардан бирида муқаддас китобни Абу Бакр ал-Қафғол аш-Шоший (976 йили вафот этган, Тошкентда дафн қилинган) Бағдоддан олиб келган деб ҳикоя қилинади. Авлодлар оша Абу Бакр Қафғол Шоший меросхўрларидан Хўжа Аҳрор қўлига ўтган ва у китобни ўзи қурдирган мадрасага қўйдирган. Иккинчи бир ривоятда эса Хўжа Аҳрор муридларидан бири Маккадан ҳаж қилиб қайтаётганида Истамбулга киради ва бориб Султонни оғир ҳасталиқдан даволайди. Султон миннатдорчилик билдириб, унга Қуръонни тортиқ қилади.

Бизнинг ва арабшунос олимларнинг фикрича бу Қуръон соҳибқирон Темур томонидан Басрадан кўлаб қўлёзма китоблар ва бошқа ўлжалар билан бирга Самарқандга келтирилган ва машҳур Темур кутубхонасига қўйдирилган. Темурийлар давридаги ўзаро келишмовчиликларда Темур кутубхонаси ёндирилиб юборилган. Тасодифан шу нусха омон қолган!

Қуръонни чуқур илмий тафтиш этган, Санкт-Петербурглик шарқшунос олим А.В.Шебунин фикрича, Қуръон Басрадан Соҳибқирон Темур томонидан Самарқандга келтирилган. чунки, Шебунин Париж, Берлин ва Маккадаги бошқа нусхаларига солиштириб, биздаги Қуръоннинг Басра нусхаси эканлигини исботлаб берди. 400 йил давомида бу муқаддас китоб Самарқандда сақланади.

Минг афсуслар бўлсинки, 1868 йилда рус аскарларининг Самарқандга бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликлари тажовуз бошланди.

Албатга бу тажовуздан муқаддас ҳисобланган қабр тошлари, мақбара ичидаги ёдгорликлар ҳам, мусулмонларнинг шохона мулки Усмон Мусҳафи ҳам четда қолмади. Мусулмонлар Қурьонини тезликда бекитиб Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бироқ бу хабар Зарафшон ўлкасининг бошлиғи генерал Абрамов қулоғига етиб, «фан учун бундай нодир, бебаҳо, қадимий ёдгорликни қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чора кўрилсин» деб полковник Серовга буйруқ беради. Серов Қурьонни генерал Абрамовга келтиради. Абрамов эса уни зудлик билан Туркистон генерал-губернатори К.Н.Кауфманга етказди. У ўз навбатида зудлик билан 1869 йил 24 октябрда Петербургда - Император кутубхонасига алоҳида кузатувчилар билан юборади.

Рус ишбилармонлари қулай фурсатдан фойдаланиб Қурьон туфайли бойлик орттириш йўлига ўтдилар. Масалан: 1895 йили 2000 нусхада Қурьоннинг бир варағи чоп этилди. 1905 йили эса Илёс ибн Аҳмад Шоҳ «Ёсин» сурасининг фотонусхасини чиқарди. Шу йили С.Писарев Қурьонни факсимилда 50 нусха чоп этиб, 25 нусхасини сотишга чиқарди. Ҳар бир нусхасига 500 сўм баҳо қўйилди. У Қурьонни асл нусхасига ўхшатиш учун хажмини ҳам эскича қолдирди. Ҳозир факсимил нусхадан жумҳуриятимизда иккита бўлиб, бири Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг асосий кутубхонасида, иккинчиси - Темурийлар тарихи музейида сақланади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Бутунроссия мусулмонлар жамияти номидан Усмон Тўқумбоев РСФСР Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилиб, муқаддас Усмон Қурьони ўз эгаларига, яъни мусулмонларнинг Ўлка съездига топширилишини талаб қилади. РСФСР ХКС томонидан мусулмонларнинг талаби қондирилиб, Қурьон улар ихтиёрига берилади. 1917 йил 29 декабрь куни Петербургдаги подшо кутубхонасининг «нодир қўлёзмалар» бўлимидан олиниб, Бутунроссия мусулмонлар жамияти раиси У.Тўқумбоев жавобгарлиги остида Уфа шаҳрига жўнатилади. Қурьон 1923 йилгача Уфада сақланади.

1923 йил 23 июлда Бутуниттифоқ Марказий Ижроқўми Усмон Қурьонини Туркистонга қайтаришга қарор қилади. Муқаддас ёдгорликни Уфадан Тошкентга махсус комиссия кузатувида олиб келинади. 1923 йил 18 августда Тошкентдан

Сирдарё диний идорасига қарашли Хўжа Аҳрор жомеъ масжидига топширилади.

Муқаддас ёдгорликни ўз элига келтириш учун Уфа шаҳрига махсус комиссия юборилди. Комиссия таркибида Султонхўжа Қосимхўжаев, шарқшунос олим, профессор А.З.Шмитд ва дин пешволаридан 3 вакил бор эди. Комиссия махсус вагонда, аскарлар қуршовида, Қуръонни эсон-омон Тошкентга келтирдилар. Шундан кейин Қуръон 1923 йил 18 августда Сирдарё диний идорасига қарашли Хўжа Аҳрор жомеъ масжидига топширилади. Лекин кўп ўтмай Қуръонни эски шаҳар музейига келтирадилар ва у махсус йўлат сандиқда сақлана бошланади. Эски шаҳар музейи Биринчи ўзбек музейига айлантирилди. Музей 1926 йилнинг 1 январидан очилди. 1926 йилнинг фақат бир оyi ичида музейни 4000дан ортиқ киши келиб кўрган.

Қуръонга Шарқнинг жуда кўплаб олимлари томонидан турли тафсир(шарҳ, изоҳ)лар ёзилган. Қуръон XII асрдан бошлаб Европа халқлари тилларига, жумладан, лотин тилига таржима қилина бошлаган. XVIII аср бошларида Европа халқлари тилларидан, XIX аср ўрталарида арабча асл нусхасидан рус тилига таржима қилинган. Г.С.Саблуковнинг арабчадан дастлабки таржимаси Қозонда 3 марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. Академик И.Ю.Крачковский томонидан амалга оширилган Қуръоннинг илмий изоҳлари билан рус тилидаги адекват (сўзма-сўз) таржимаси машҳурдир. Бу таржима унинг вафотидан кейин 1962 ва 1986 йилларда нашр этилган.

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Давлат иш қоғозлари, кўплаб дарслик ва қўлланмалар ўзбек тилида ёзила бошланди.

Шу қатори Қуръони Каримни ҳам ўзбек тилига таржима қилишга киришилди. 1992 йилда Қуръон ўзбек тилига Алоуддин Мансур тарафидан таржима қилинди ва «Чўлпон» нашриётида кўп нусхада чоп этилди. }

### Ҳадиси Шариф

Муҳаммад алайҳис саломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар — ҳадислар деб аталади. «Ҳадис» сўзининг луғавий маъноси — янги, хабар, ҳикоя, сўз бўлиб, тўлиқ кўриниши — ал-ҳадис ан-Набавий (Пайғамбар сўзлари)дир.



Ҳадислар икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири исноддан иборат.

Ҳадислар Ислом динининг Куръондан кейинги иккинчи манбаси ҳисобланиб, кўпгина фикҳий масалаларни ҳал этишда уларга асосланилади.

Ҳадис икки хилдир:

- *ал-ҳадис ал-қудсий* (бу каби ҳадисда, маъно Оллоҳдан, лафз эса Пайғамбарники бўлади);

- *ал-ҳадис ан-набавий* (бунисида эса, маъно ҳам, лафз ҳам Пайғамбарникидир).

7-аср охири – 8-аср бошларидан тафсир илми билан бир қаторда ҳадис илмида муснадлар ёзила бошлади. Исломнинг аввалги вақтида фақатгина оятларни ёзма ҳолида сақлаб келинган бўлса, кейинчалик турли даражадаги сохта ҳадислар ҳам мусулмонлар орасига сингиб кетди. Бу эса олимлар олдига катта масъулиятли вазифани, яъни мана шу «мавзу» тўқима ҳадисларни ва «саҳиҳ» ишончлиларини ажратиб бериш вазифасини қўйди. «Саҳиҳ», «Ҳасан», «За'иф» каби уч қисмга бўлиб ўрганила бошланди. «Сиҳоҳ ас-ситта» (олти ишончли тўплам) номли ҳадислар мажмуаси пайдо бўлди. Уларнинг асосчилари:

- Имом Абу Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Исмо'ил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардазбеҳ ал-Бухорий (194/810 йилда Бухорода туғилган, 256/870 йили Самарқанднинг Ҳартанг қишлоғида вафот этган.), у «саҳиҳ ал-Бухорий» ёки «ал-Жоми' ас-Саҳиҳ» номли асар муаллифидир.

- Имом Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Кушайрий Нишопурий (202-261/817-875), у «саҳиҳ Муслим» асари муаллифидир.

- Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Жоруд ибн Аш'ас Сижистоний (Сийстоний) (202-275/817-889), у «сунани Аби Довуд» асари муаллидир.

- Имом Абу Абд ар-Роҳман ибн Али ибн Ша'бий Насо'ий (215-303/830-915), у «сунани Насо'ий» асари муаллифидир.

- Имом Абу Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Йусуф ибн Можжа (209-273/825-887), у «сунан Ибн Можжа» асари муаллифидир.

- Имом Абу 'Исо ат-Термизий ( ваф. 279/893 й.), у «Сунан ат-Термизий» асарининг муаллифидир.

Яна бу муҳаддислар қаторида Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий ас-Самарқандийни (181/798-255/869) ҳам айтиб ўтиш лозим. У «Сунан ад-Доримий» асари муаллифидир. Имом

Доримий ҳадис илмини Самарқандда ривожлантиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшган.

— XI-XII асрларга келиб Мовароуннаҳрда ҳадис соҳасида анча олға силжишлар бўлди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доира ижод қилиш билан кифояланмай, балки имкон қадар илмнинг кўпроқ қирраларига эга бўлишга интилганлар. Шунга кўра бирор-бир олим масалан, фақатгина муфассир ёки фақиҳнинг ўзи эмас, балки бир вақтнинг ўзида муҳаддис ҳам бўлганлар. Чунки бу даврда, юқорида айтиб ўтилгандек, диний ихтилофлар кучайган эди. Шунга кўра уламолар бу ихтилофларни олдини олиш, бартараф этиш учун ҳар тарафлама кучли билимга эга бўлишлари лозим эди.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Қуръони Карим қачон нозил бўла бошлади?
2. Қуръон нозил бўлиш даврига кўра қандай қисмларга бўлинади?
3. Қуръон қачон яхлит китоб шаклига келтирилди?
4. Қуръон қандай қисм ва бўлимлардан иборат?
5. Қуръоннинг жамланиши кимлар томонидан амалга оширилди?
6. Тошкентдаги «Мусҳафи Усмоний» ҳақида нима биласиз?
7. Машҳур муфассирлардан кимларни биласиз?
8. Қандай тафсирларни биласиз?
9. Қуръоннинг ўзбек тилига таржимаси ким томонидан амалга оширилди?
10. Ҳадис деганда нимани тушунасиз?
11. Ҳадислар қачондан бошлаб ёзила бошланди?
12. Энг машҳур муҳаддислар кимлар?
13. Қандай ҳадис тўпламларини биласиз?
14. Қандай ҳадис турларини биласиз?
15. Имом ал-Бухорий ким бўлган?

### *Таянч сўзлар:*

- |                 |               |
|-----------------|---------------|
| 1. Қуръон;      | 9. Қироат;    |
| 2. Сура;        | 10. Ҳадис;    |
| 3. Оят;         | 11. Суннат;   |
| 4. Пора (жузь); | 12. Ровий;    |
| 5. Мусҳаф;      | 13. Иснод;    |
| 6. Пергамент;   | 14. Саҳиҳ;    |
| 7. Тафсир;      | 15. Заиф      |
| 8. Ҳофиз;       | 16. Муҳаддис. |

### Семинар учун мавзулар

1. Ваҳйнинг нозил бўла бошланиши.
2. Макка даврида нозил бўлган суралар.
3. Мадина даврида нозил бўлган суралар.
4. Қуръоннинг жамланиши.
5. Тафсирилар.
6. Ҳадислар - Муҳаммад алайҳис саломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар.
7. Ҳадисларнинг жамланиши ва машҳур тўпламлари.
8. Имом ал-Бухорий - ҳадис илмининг султони.

### Адабиётлар:

1. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия/Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. – Т.: Меҳнат нашр., 1991.
2. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий/А.Абдулло таржимаси. – Т.: Ф. Фулом и. Адаб. ва санъат нашр., 1993.
3. Исмоил Махдум. Тошкентдаги «Мусҳафи Усмоний» тарихи. Т., 1996.
4. Имом ал-Бухорий. ал-Жоми' ас-саҳиҳ: IV жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳр., 1991-1993.
5. Имом ал-Бухорий. ал-Адаб ал-Муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
6. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. – Т.: А. Қодирий и. халқ мероси нашр., 1995.
7. Уватов У. Муҳаддислар Имоми. – Т.: Маънавият, 1998.
8. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991, сс. 141-144, 262-263.
9. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1.-М., 1998, сс. 47-58.
10. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского. введ. и примеч. М., 1994.

«Агар мандан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу-аввало муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим».

**И. А. Каримов**

## 9-Мавзу. ТАСАВВУФ ВА ФИҚҲ

### Режа:

- I. Исломдан аввалги даврдаги мистик оқимлар;
- II. Исломнинг илк давридаги зоҳидлик;
- III. Суфийлик - исломдаги мистик оқим;
- IV. Тасаввуфнинг келиб чиқиши ва тараққий этиши;
- V. Фиқҳ илмининг тараққий этиши;
- VI. Фиқҳ мактаблари;
- VII. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби вакиллари;
- VIII. Фиқҳ - тарихий-иҷтимоий ҳаётни ўрганишида муҳим манба.

### Тасаввуф

**Мистицизм, мистика** сўзлари қадимий юнон тилидаги *mistikos* - яширин, сирли маъноларидаги сўздан олинган бўлиб, илоҳиёт билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимот инсоннинг Худо билан ақл ва ҳиссиётдан юқори бўлган сирли алоқаси бўлиб, унинг натижасида инсонда Худони билиш ҳосил бўлади. Қадимий Шарқ ва Юнон динларида ҳам инсонни гайритабиий кучлар билан боғлайдиган урф-одатлар (мистериялар) — мистицизм элементлари бор эди. Яккахудолик динларининг барчасида мистицизм элементлари мавжуд. Ҳаётнинг барча соҳаларига диний эътиқод тегишли бўлган ўрта асрларда унинг роли катта бўлди.

Феодализм даврида мистицизмнинг икки йўналиши — мавжуд бўлиб, улар ортодоксал—черков мистицизми ва еретик мистицизм эди. Биринчисига кўра инсон бутунлай Худонинг ҳукмига бўйсунган бўлиб, унинг хоҳишига қараб унга етишиши мумкин бўлса, иккинчисининг таълимотига кўра инсон ўз ҳаракатлари билан ҳам Худога етишиши мумкин дейилади.

Суфийлик — исломдаги мистик—аскетик оқимдир. Суфий ёки мутасаввиф сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Суфий муаллифлари кўпинча унинг келиб чиқишини



СФВ(соф бўлмоқ) ўзагидан ёки «аҳл ас-суффа»га тегишли деб таъкидлайдилар. Фарбий Европа тадқиқотчилари то XX асрга қадар унинг келиб чиқишини Юнонча *софия* - «ҳикмат» сўзидан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлишган. Энциликда ўрта аср мусулмон олимлари таъкидлаган бу сўзнинг «суф» (жун) сўзидан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрлари умум қабул қилинган фикр ҳисобланади. Чунки суфийларнинг асосий белгилари уларнинг дағал жундан кийим кийишлари эди. Шимолий Арабистон ва Сурияда христианликнинг турли секталарига мансуб жаҳонгашта монах ва анахоретларни суфий деб аталар эди, деган маълумотлар ҳам бор.

**Суфийликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши.** Тасаввуфга асос бўлган таркидунёчилик кайфиятлари деярли ислом билан бир даврда юзага келди. Суфийликнинг илк намояндалари деб Пайғамбар а.с.нинг Абу-д-Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (вафотлари VII асрнинг иккинчи ярми) каби саҳобалари ҳисобланади. Аммо исломдаги аскетик-мистик оқимнинг шаклланиши VIII асрнинг ўрталари IX асрнинг бошларига тегишли. Бу даврда суфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, қуссослар, Византия билан чегара урушларида қатнашган жангчилар, косиблар, тижоратчилар, шу жумладан исломни қабул қилган христианлар кирганлар. Бу даврда суфий ёки ат-тасаввуф терминлари ҳали кенг тарқалмаган эди: унинг ўрнига зуҳд (таркидунёчилик) ёки зоҳид, обид сўзлари ишлатилар эди. Исломдаги бу мистик-аскетик оқимнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишига мусулмон жамиятидаги биринчи икки аср давомидаги сиёсий-ижтимоий беқарорлик, диний ҳаётнинг мураккаблиги, унинг натижасида келиб чиққан маънавий-ғоявий изланиш ва бошқа динларнинг, хусусан христианликнинг таъсирини кўрсатиш мумкин.

Илк давр суфийларининг, аниқроғи зоҳид ва обидларининг ўзига хос хусусиятларидан - Қуръони Карим оятлари устида чуқур фикр юритиш, Қуръон ва Пайғамбар а.с.суннатларига қатъий амал қилиш, кечаларини нафл ибодатлар билан бедор ўтказиш, кундузлари рўза тутиш, ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, гуноҳдан сақланиш, ҳоким ва ҳарбийлардан ўзини узоқ тутиш, ҳалол ва ҳаром орасини жуда узоқ тутиш (вара'), ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш (таваккул) ва ҳоказоларни таъкидлаш мумкин. Жумладан, фақр, ризо, сабр хусусиятлари уларга хос эди.

Суфийлик таълимотлари му'тазилийлардаги мавҳум илоҳиётга оид фикрлар, обрўли шахсларга кўр-кўрона тақлид қилиш, муқаддас матнларга сўзма-сўз итоат этишдан фарқли ўлароқ, инсонга асосий объект сифатида қарайди: инсоннинг амалларини бошқарадиган руҳониятининг майда қирраларини ҳам чуқур таҳлил қилиш, шахсий кечималарга эътибор билан қараш ва диний ҳақиқатларни чуқур ҳис қилиш уларга хос хусусиятлардан эди. Шунинг учун ҳам зийрак психолог, «'илм ал-қулуб ва-л-хавотир» - «қалблар ва фикрлар илми»га асос солган ал-Ҳасан ал-Басрий бекорга суфийликнинг асосчиларидан ҳисобланмайди.

Ал-Ҳасан ал-Басрийнинг асҳоблари, басралик зоҳидлар - Рабоҳ ибн 'Амр, Раби'ий ал-'Адавий, ад-Доронийларнинг (VIII-IX асрлар) ваъз ва маърузаларида Аллоҳга бўлган соф муҳаббат, унга яқинлашишга бўлган интилиш ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди.

Ушша даврдан бошлаб улар суфийликка аниқ мистик характер бағишлаб, суфийлик мафкурасининг ўзига хос хусусиятига айланди. — IX аср давомида Тасаввуф назариёти ва амалиётини ишлаб чиқиш учун қизгин ҳаракатлар давом этди. Басра билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон суфийлик мактаблари энг нуфузли мактаблар сифатида юзага келди. Уларнинг намояндалари аввалгидек суфийнинг ички дунёсига асосий эътиборни қаратар эдилар. Уларнинг «аҳвол», «мақомот»ларига батафсил тавсефлар бердилар. Бошқа мистик таълимотлар каби унга суфий босиб ўтганида «дунё гуноҳкорлигидан» покланиб, илоҳиётга яқинлашишга сабаб бўладиган йўл (*тариқ*) сифатида қарадилар. «Ниятлар» ҳақидаги таълимот янада чуқурлаштирилди. Бунда ўз-ўзини назорат (муроқаба, муҳосаба) қилишга эришиш учун унинг «ихлос» ва «садоқат» билан бўлишига асосий урғуни бердилар. Бағдодлик илоҳиётчи ал-Муҳосибий томонидан шакллантирилган бундай таълимотнинг Хуросонда кўплаб тарафдорлари топилдилар ва уларни «маломатийлар» деб атадилар.

Тасаввуфда Аллоҳга етишиш фақатгина юзиши кўриш билан эмас, унга кўшилиб кетиш (фано'/бақо') билан бўлиши ҳам мумкин деган фикр илгари сурилди. Мансур ал-Ҳаллож, ибн 'Ато, 'Айн ал-Қудот ал-Ҳамадоний каби кишиларнинг қатл этилиши бошқа суфийларни хушёрликка чақирди.

ҶТасаввуф - манбаларнинг келтиришича, баъзи мусулмонлар калом ва мантиқ илмларидаги турли кўринишдаги тортишувлардан, қуруқ баҳслардан ўз қалбларини сақлаб, Аллоҳ таолонинг муҳаббати йўлида зуҳд ва тақвони ўзларига касб қилиб олдилар. Бу каби кишиларга «суфий» деб ном берилди. Ислом динида биринчи суфий номини олганлардан Абу Ҳошим Шомий (ваф. 160/776-77 й.), тасаввуф усулига биринчи марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди бўлмиш Зуннуни Мисрий (ваф. 256/869-70 й.), минбардан туриб биринчи мартаба тасаввуфга чақирган киши Шиблий (ваф. 334/945-46 й.), тасаввуф усулини кенгайтириб тартибга солган киши Жунайд Бағдодий (ваф. 398/1007-08 й.) эди. Аёллардан биринчи суфий бўлган киши Роби'а 'Адавиййа (ваф. 135/752-53 й.)дир. Умуман олганда тасаввуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир бўлагидир.

Мовароуннаҳрга суфийлик Эрон орқали кириб келган. Мовароуннаҳрда жуда кенг тарқалган суфийлик оқими ақоид олими Шайх Абу Йа'қуб Йусуф ал-Ҳамадоний (ваф. 535/1140-41 й.) мактабидан бошланган. Йусуф Ҳамадонийнинг мактаби икки тармоққа ажралган эди,

Биринчиси, «Хуросон мадрасаси» яъни, шаҳар ва шаҳар атрофларида ривожланган ва халқ орасида кенг тарқалган. Бу оқимга Хожа Йусуф Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хожа 'Абд ал-Холиқ ал-Ғиждувоний (ваф. 1179 й.) муршидлик қилган. Кейинчалик бу оқимга Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) муршидлик қилган ва бу даврда нақшбандиййа тариқати бутун ислом оламига тарқалган.

Иккинчиси, Шайх Аҳмад Яссавий (1105- 1166) ва унинг шогирдлари номи билан боғлиқдир. Аҳмад Яссавий суфийлик тариқатининг тарғиботчиси бўлиш билан бирга шоир ҳам эди. У қадимий ўзбек (туркий) тилида ижод қилган. Яссавий асарлари мажмуаси 1878 йили нашр этилган «Девони ҳикмат» номи билан маълум. Бу асар ислом мафкурасининг содда ифодаси бўлиб, суфийлик асосларини тарғиб қилади. Унинг фикрича, дунёнинг ноз-неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки зуҳд ва тақвони ихтиёр этиб, умрини тоат-ибодат ҳамда йиғи билан ўтказган киши суфийдир. Унинг «Ҳикмат»и халқ орасида машҳурдир. Яссавиййа тариқати XII асрда Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва Эронга ҳам кенг ёйилган. Яссавийлик руҳий осойишталикка, суфийлик йўлига киришга, ширнинг раҳбарлигида «камолот» сари боришга даъват этган. Яссавиййа кейинчалик нақшбандиййа тариқати билан бирлашиб кетган.

## Фикҳ

VIII-XII асрлар бугун мусулмон жамиятида фан ва маданият, илм ва тафаккур ривожланган бир давр бўлди. Бу даврда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий илмлар ҳам ўз ривожига эга бўлди. Ислом дини - Арабистон ярим ороли дорасидан чиқиб, тараққий этган жаҳон динига айланди. Исломнинг дин сифатида шаклланиб, ривожланиши айнан шу даврларга тўғри келади. Албатта, бунга турли минтақалардаги жараёнлар ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, Мовароуннахрнинг ислом маданияти ва фаннинг алгебра, астрономия, фалсафа, тарих, ҳадис, калом ва бошқа соҳаларига кўрсатган таъсири жуда каттадир. Айниқса фикҳ илми соҳасида Мовароуннахрнинг тутган ўрни беқиёсдир. Умуман олганда ислом ҳуқуқшунослиги (фикҳ) ўзига хос ривожланиш тарихига эга.

Фикҳ - ғарбда Islamic Law, Muslim Law, Muhammadan Jurisprudence, Le Droit Musulman, Islamische Gesetz каби номлар билан юритилади. Дунёда амалдаги ҳуқуқ нормаларидан фарқли ўлароқ, фикҳ ўз ичига ибодат масалаларини ҳам қамраб олади. Буни Таврот китобининг ибодат масалаларини жамлаб олган Талмудга қиёслаш мумкин. Фикҳ - қадимдан мавжуд ҳуқуқий нормаларни ибодат ва муомала масалалари билан муштарак ҳолда маълум тартибга солинган ҳуқуқий тизимдир.

Луғатда: «ал-фикҳ» калимаси - «англамоқ, тушунмоқ» каби маъноларни беради.

Истилоҳда: «ал-фикҳ» - «Ислом ҳуқуқи» деб юритилади.

Фикҳ замонавий фанлар асосида ҳозиргача чуқур ўрганилмаган бўлиб, мутахассис олимлар олдида катта муаммоларни қўйиб келмоқда.

Фикҳ - одатда «фуру' ал-фикҳ» (сўзма-сўз: «фикҳ тармоқлари») шариатни конкрет соҳаларга тадбиқ қилишдан ва «усул ал-фикҳ» (сўзма-сўз: «фикҳ асослари») шариат ҳукм оладиган манбаларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Тарихий тадрижга кўра «ал-фикҳ» - *усул ал-фикҳ*дан аввал пайдо бўлган. Фикҳ илмининг тадрижий ривожини мутахассис олимлар томонидан бир неча даврларга тақсим этилган. Масалан:

**Пайғамбар с.а.в. даври (610-632).** Бу даврда Пайғамбар с.а.в. ҳали ҳаёт эдилар. Ваҳий келиши давом этаётган бир давр эди. Ихтилофли ва муаммоли масалаларни шахсан у зотнинг ўзлари орқали ҳал этиларди. Муҳаммад с.а.в. пайғамбар бўлиш билан бирга



давлат бошлиғи ҳам эдилар. Барча ҳуқуқий масалалар, суд жараёнлари, ижро бевосита у зотнинг бошчиликларида бўлар эди.

**Саҳобалар даври.** Пайғамбар с.а.в. вафотларидан кейинги даврда Ислом халифалиги ҳудуди тез суръатлар билан кенгая борди. Андалус, Эрон, Ироқ, Сурия, Мовароуннаҳр, Миср, Шимолий Африка мусулмонлар кўлига ўтди. Мусулмонлар у ерларга қозилар ва фақиҳларни юбора бошладилар. Бир-биридан узоқ бўлган ерларда мустақил фикҳ марказлари пайдо бўлди. Бу марказлар бир-биридан илмий жиҳатдан деярли фарқ қилмас эди. Мадина, Макка, Миср, Куфа, Басра ва Шом каби маҳаллий марказларнинг урф-одатлари, эҳтиёж ва шарт-шароитлари бошқа-бошқа эди. Фикҳни тадбиқ этувчи саҳобалар етук қобилиятли, очиқ фикрли ва кенг дунёқарашга эга эдилар. Улар бирор фикҳий қонун-қоидани жорий этишда албатта ўша ер аҳолисининг урф-одати ва шарт-шароитларини ҳисобга олар эдилар. Шу сабабдан фикҳ илми тезлик билан халқ зиёлилари орасига сингиб кетди.

Саҳобалар даврида қуйидаги фикҳ марказлари шаклланди :

- А) Мадина мактаби;
- Б) Макка мактаби;
- В) Куфа мактаби;
- Г) Миср мактаби;
- Д) Шом мактаби;

Юқорида номлари зикр этилган илм марказларида таълим бериш услуби ўша ўлканинг мавжуд маданияти ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда бир-биридан бир оз бўлсада фарқ қилар эди. Шунингдек, ибодат ва муомала масалаларидаги ижтиҳодлар (*ижтиҳод* — фақиҳнинг бирор масала юзасидан чиқарган фатвоси) ҳам турли шаклларда эди. Бу ҳолат маълум ўлкаларда турли мазҳабларнинг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилди.

**Тобиинлар даври.** Саҳобалар даври ҳақида мавжуд маълумотларга кўра, улар орасида кўплаб шогирдларга эга бўлган фақиҳлар мавжуд эди. Кейинчалик уларнинг бу шогирдлари илм соҳасида, хусусан фикҳ илмида катта хизмат қилдилар. Улар бирор муаммони ҳал этишда фақатгина оғзаки фатво бериш билан чекланмай, балки ёзма асарлар ҳам қолдирганлар. Мана шундай ёзма асар қолдирган олимларнинг биринчиларидан ‘Урва ибн Зубайр (ваф. 94/712 й.) бўлган. Бироқ, манбаларнинг

маълумот беришича, унинг барча ёзган китоблари ёниб кетганлиги сабабли кейинги авлодга етиб келмаган.

Фикҳ илмига доир асарларни боблар ва фаслларга бўлиб тасниф қилиш илк асрдаёқ бошланган эди.

Тоби'инлар даври кейинчалик муаззам асарлар ёзилиши ва минглаб кишилар қабул қилган мазҳабларнинг буюк мужтаҳидлари етишиб чиқиши учун пойдевор вазифасини ўтаган.

**Буюк мужтаҳидлар (таба'а тоби'инлар) даври.** Бу даврда Абу Ханифа, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис ан-Шофи'ий, Аҳмад ибн Ханбал, ал-Авзо'ий, Довуд аз-Зоҳирий каби буюк фақиҳлар етишиб чиққанлар. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди хусусида кўплаб илмий ишлар олиб борилганига қарамасдан, етарли эмас.

Бу даврда икки: «асҳоб ар-ра'й» (фикр тарафдорлари) ва «асҳоб ал-ҳадис» (ҳадисга эргашувчилар) оқимлари вужудга келди.

«Асҳоб ар-ра'й» оқимига Ироқда Куфа мактаби вакиллари томонидан асос солинди. Бунга аввало аҳли сунна ва-л-жамо'анинг буюк имоми Абу Ханифа (80-150/699-767) пойдевор қўйди. Муҳим фикҳ илмий академиясини шакллантира олган Абу Ханифа илмий масалаларда кўпинча «ра'й»га суянар эди. Шунга кўра «ра'й» ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва ҳаракатланишининг асосий хусусиятини ташкил этади. Ҳадис тўплашда, қиёс ва истиҳсонни кенг ёйишда, Ислом дини ақидаларини маълум бир тартибга солишда ва шу билан бирга шариат ҳукмлари ва қонушларини устувор далиллар асосида илмий тарзда таълим бериш услубини ишлаб чиқишда Абу Ханифа катта хизмат қилган. Ҳанафий мазҳабининг асосий манбалари қуйидагичадир:

Ал-Қуръон; Ас-Сунна; Ал-Ижмо'; Ал-Қиёс; Ал-Истиҳсон;

**Имом Абу Ханифа.** Ҳанафий мазҳабининг асосчиси ал-Имом ал-А'зам Абу Ханифа ан-Ну'мон ибн Собит ал-Куфий (80-150/699-767) — форслардан бўлиб, Умавийлар (661-750) ва Аббосийлар (750-1258) давлати айни авж олган даврда яшаган таба'а тоби'инлардандир. Манбаларда унинг отаси Собит асли Хуросондан эканлиги қайд этилади. «Абу Ханифанинг ўзи эса, Анас ибн Молик билан учрашган ва ундан *«Илм талаб қилиш ҳар бир муслим учун фарздир»* ҳадисини ривоят қилган, шунга кўра, у тоби'инлардан», деган маълумотни учратиш мумкин. Уни «аҳли ра'й Имоми», «аҳли Ироқ фақиҳи», «ҳанафий мазҳаби соҳиби» каби номлар билан манбаларда келтирилади. ;Касби

газлама савдоси билан шуғулланиш эди. Ёшлик чоғидаёқ Куръонни ёд олган. 18 йил устози Ҳаммод ибн Аби Сулаймондан таҳсил олган. Фикҳ илмини Иброҳим ан-Наха'ий ва аш-Ша'бийдан олган. Абу Ҳанифанинг етук шогирдларидан Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (132-189/709-805), Абу Йусуф (113-182/731-769)ларни алоҳида айғиб ўтиш зарур.

4. **Имом Молик.** «Асҳоб ал-ҳадис» оқимиға Ҳижозда Мадина мактаби вакиллари томонидан асос солинди. Бунга аҳли сунна имомларидан Молик ибн Анас (93-179/712-795) «ўз амалиётида фақат Куръон ва ҳадиста суяниш таълимоти»нинг асосчиси бўлди. Манбаларға кўра, Молик ибн Анас бугун умри давомида Мадина (қадимги номи Ясриб) шаҳридан чиқмаган. ҲИмом Молик номи билан машҳур бўлган мазкур фақих *Моликий* мазҳабининг асосчиси дир. Молик ибн Анаснинг машҳур «Китоб ал-Муваттоъ» номли асари мавжуд.

5. **Имом Шофи'ий.** Юқорида номлари ва асосчилари зикр этилган бу икки оқимни аҳл ас-сунна имомларидан бўлмиш Имом Шофи'ий номи билан машҳур Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофи'ий (151-179/767-804) назарий жиҳатдан бирлаштирган. У *Шофи'ий* мазҳабининг асосчиси бўлиб, «ал-Умм» номли асар муаллифидир.

6. **Аҳмад ибн Ҳанбал.** Кейинчалик, «ас-Салафиййун»лар оқими тарафдори бўлиб аҳл ас-суннанинг тўртинчи имоми деб эътироф этиладиган Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164-241/781-855) ўз фаолиятини олиб борди. У *Ҳанбалий* мазҳабининг асосчиси дир. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал «ал-Муснад» асарининг муаллифидир.

Буюк мужтаҳидлар даврида юқорида зикр этилган мужтаҳидлар номи билан боғлиқ асосий сунний ҳуқуқий мазҳаблар пайдо бўлди ва ўз таълимотини шакллантирди.

**Тақлид даври.** X-XII асрларға келиб фикҳ илми ўзининг ривожланиш тарихида кейинги босқич, яъни «тақлид даври»га ўтди. Бу давр фикҳ илми аввалги даврлар анъанаси таъсири остида ривожланиб, юксак бир мақомға эришган вақтга тўғри келади. Юқоридаги даврлардан маълум бўлгани каби, буюк мужтаҳидлар вужудға келдилар, уларнинг тарафдорлари пайдо бўлдилар. Турли мазмундаги асарлар ёзилди ва шарҳ этилди. Бу давр фақихларида тақлид руҳи кучли эди. Уларда асосан ўзларидан олдинги мужтаҳидларнинг фикрларини «шаръий насс» (шаръий ҳужжат) сифати қабул этар эдилар. Шундай бўлсада бу

давр фақиҳлари орасида ўзларининг илмий-амалий фаолиятлари натижасида мислсиз бебаҳо асарларлар яратган алломалар етишиб чиқди. Уларнинг бу асарлари узоқ давр мобайнида муҳим манба бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини ва қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

ҲVIII асрнинг охири - IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда (ҳозирги Ўрта Осиёнинг аксарият қисми) исломдаги аҳл ас-суннанинг Ҳанафийна мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида шу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби таркиб топди. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар теран билимлари, қимматли асарлари билан ислом дунёсида катта шуҳрат қозондилар. Фақиҳларнинг давлат ҳукмрон доиралари, халқ оммасига таъсири жуда кучли эди. Диний ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган барча муаммоли масалалар фақиҳлар орқали ечилган. Фикҳ шахс, оила ва жамият ҳаёти турли шаҳобчалари масалаларини қамраб олганлиги туфайли Мовароуннаҳр мактаби намояндалари бу ўлка халқлари анъаналари, урф-одатларини умумислом мавқеларидан туриб таҳлил қилишдек вазифани бажарганлар. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг бир неча авлодлари фаолияти орқали маҳаллий халқларнинг тарихий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида ўз аксини топди.

ҲVIII-X асрларда Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарлардаги ҳанафийликка асосланган илмий марказлар пайдо бўлди. Бунга Ироқ ва Хуросон мактабларининг таъсири катта бўлди. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (ваф. 832 й.) асос солган. Самарқанд илмий марказининг шаклланишига Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Ибн Само'а ва Шаддод ибн Ҳукайм каби Балх фақиҳларининг хизмати катта бўлди. Бухоро фақиҳлари бу даврда асосан фикҳнинг амалий масалалари (фуру' ал-фикҳ) билан, самарқандликлар эса ўз илмий фаолиятларини илоҳиёт (усул ад-дин) мавзуи билан шуғулланишга қаратдилар.

ҲXI-XIII асрларга келиб, фикҳ илми ўзининг юксак тараққиётига етишди. Қорахонийлар (999-1212) даври фақиҳлари ҳақида илмий тадқиқот олиб борган Туркиялик олим Y. Z. Kavakci бу даврда уч юзга яқин фақиҳлар етишиб чиққанлиги, йигирмадан ортиқ фатволар мажмуаси, уч юз эликдан ортиқ фикҳий асарлар яратилганлиги ва шулардан 98 % ҳанафий фикҳига оид эканлигини айтиб ўтади. Ҳақиқатан ҳам



Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳабининг «қалъаси» эди десак адашмаймиз. «Ҳанафийлик шарққа ёйилар экан, у Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўзига мустаҳкам макон топди. Бир гуруҳ машҳур ҳанафий фақиҳлари ҳам шу диёрларга мансубдир. Ҳанафий фақиҳлари сулолаларидан: Бухоро садрлари – V/XI асрдан то муғуллар даври (603-1043/1206-1634)га қадар Бухорода Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174 й.) оиласининг ҳанафий фақиҳлари мерос тариқасида келаётган «Садр» унвони билан мамлакат сиёсий идораларида ва турли ҳокимликларида юқори мансаб соҳиблари эдилар, ар-Риғдамуний, аз-Заранжарий, ал-Маҳбубий, ас-Саффор, ал-Паздавий, Самарқанд саййидлари, ал-Хайзоҳазий, ал-Ақилий, ал-Марғиноний оилалари илм ва ижтимоий ҳаётда кучли мавқега эга бўлдилар. Илм-фан ривожланди. Кўплаб йирик олимлар етишиб чиқдилар. Йирик фақиҳлар сулолалари пайдо бўлди. Бир неча авлоддан авлодга уланиб давом этган фақиҳлар сулолалари нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Ислом оламида катта нуфузга эга эдилар.

Умуман фикҳ, хусусан ҳанафий мазҳабининг ривожланиш тарихида XI-XII асрлардаги Мовароуннаҳр фақиҳларининг илмий фаолияти жуда муҳим ўрин тутади. Бу даврда етишиб чиққан ҳанафий фақиҳларидан - ад-Дабусий Аби Зайд (ваф. 430/1063 й.), ал-Ҳалвоъий (ваф. 456/1063 й.), Абу Бакр Муҳаммад ас-Сараҳсий (400-483/1009-1090), ал-Паздавий 'Али (ваф. 482/1089 й.), ас-Садр аш-Шаҳид 'Умар (ваф. 536/1141 й.), ан-Насафий 'Умар (ваф. 537/1142 й.), Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144 й.), Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174 й.), ал-'Аттобий Аҳмад (ваф. 586/1190 й.), ал-Косоний Мас'уд (ваф. 587/1191 й.), Қозихон (ваф. 592/1191 й.) ва юқорида зикр этилган ал-Марғиноний 'Али (ваф. 593/1196 й.) каби маълум ва машҳур фақиҳларнинг номларини келтириш мумкин.

Умуман олганда юқорида бир неча даврлар ва уларда мавжуд бўлган фикҳ мактаблари, бу мактабларда илмий фаолият олиб борган мужтаҳидлар ҳақида қисман бўлсада танишиб чиқиш ва фикҳ илмининг Пайғамбар с.а.в. даврларидан токи тақлид даврига бўлган тадрижий ривожланишини ўрганиш бизга:

- VII-XII асрлардаги илмий муҳит;
- Ўша даврларда мавжуд бўлган фикҳ мактаблари ва уларда илмий фаолият олиб борган муҳим шахслар;
- XI - XII асрларга келиб Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг аҳамияти;

- Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги анъанавий фикҳ мактабларининг ўзига хос қирраларини очиш ва уларнинг аҳамияти;
- XI-XII асрлардаги фақиҳлар сулолаларининг Мовароуннаҳр фикҳ мактабида тутган ўрни қандай эканлиги ҳақида қимматли илмий маълумотлар олишимиз учун имкон беради.

*Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Исломдан аввал зоҳидлик қандай шаклда бўлган?
2. Суфийлик қачон вужудга келган?
3. Суфийликнинг илк намоёндалари кимлар?
4. Суфийлик мустақил оқим сифатида қачон шакллانган?
5. Тасаввуфнинг асосий таълимоти нималардан иборат?
6. Ўрта Осиёда тарқалган тасаввуф тариқатлари қайсилар?
7. «Фикҳ» атамасининг шаклланишини тушунтириб беринг?
8. Илк фикҳ мактаблари қачон вужудга келди?
9. Қандай фикҳий мазҳаблар мавжуд?
10. Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг асосий намояндалари кимлар?

*Таянч иборалар:*

- |             |               |
|-------------|---------------|
| 1. Мистика; | 7. Пир;       |
| 2. Суфий;   | 8. Фикҳ;      |
| 3. Таваккул | 9. Фақиҳ;     |
| 4. Мурид;   | 10. Ижтиҳод;  |
| 5. Муршид;  | 11. Мужтаҳид; |
| 6. Хонақоҳ; | 12. Тоби'инг; |

*Семинар учун мавзулар*

1. Исломдан илгариги мистик ҳаракатлар.
2. Илк тасаввуф намояндалари.
3. Мовароуннаҳрда суфийлик.
4. Яссавийлик тариқати.
5. Кубравийлик тариқати.
6. Нақшбандиййа тариқати.
7. Фикҳ - ислом қонуноснослиги.
8. Исломнинг илк давридаги фикҳ марказлари.
9. Фикҳ илмида қонун чиқариш учун асосий манбалар.
10. Маншхур Мовароуннаҳр фақиҳлари.
11. Ҳозирги кунда фикҳ илмини ўрганишнинг аҳамияти.

### Адабиётлар:

1. Маҳмуд Асʼад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: Чўлпон, 1998.
2. Ал-Жазарий, Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо. Тасаввуф сирлари. Тошкент, 2000.
3. Иброҳимов Н., Мўминов А. Хоразмдаги Маъмунийлар академияси/Жаҳон адабиёти. Май, 1998. 183-186 бетлар.
4. Ибрагимов Н.И. Культ “святых” в исламе по арабским источникам XII-XIV вв. - Вкл.: «Ислам в истории народов Востока». М., 1981, с.170-176.
5. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Тошкент, 1991.
6. ‘Афифий А. Ал-Маломатийя ва-с-Суфийя ва аҳл ал-футува. Ал-Қоҳира, 1945.
7. ‘Афифий А. Ал-Тасаввуф: ас-Савра ар-руҳийя фи-л-ислом. Ал-Қоҳира, 1963.
8. Ғаззолий, Муҳаммад Абу Ҳомид. Ихйо-ул-улум/Арабчадан Алоуддин Мансур тарж.//Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. -Т.: Ёш гвардия, 1990.
9. Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари: ҳанафийлар//Шарқшунослик, № 9, 1999. 40-44 бетлар.
10. Мўминов А. Имом-и Аъзам Абу Ҳанифа//Мулоқот, №7-8, 1994. 37-40 бетлар.
11. Мухтасар: (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Насрға тайёрловчилар: Р. Зоҳид, А. Деҳқон; - Т.: Чўлпон, 1994.
12. Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература // Избранные труды: В III т. - М., 1965.
13. Ислам: энциклопедический словарь. М., 1991.

*«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».*

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг  
31-моддаси**

## **10-Мавзу. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР**

### **Режа:**

- I. Виждон эркинлиги - диний эътиқод эркинлиги;*
- II. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг қонун йўли билан кафолатланиши;*
- III. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чораларини кўриш.*

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Чунки унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда яқка тартибда ёки одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари бу масала яна бир мураккаб ҳодисани - турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутади.



Одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаганлар ва яшайдилар. Ҳар кимнинг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади.

Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари «виждон эркинлиги» тушунчасини илмий талқин қилишда миллий, мафкуравий ва маданий омилларни ҳам албатта назарда тутиш керак.

Мустақиллик, янгиланиш жараёни ҳамма соҳалар каби виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ҳам ўз ичига олди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида асрлар оша қарор топган виждон эркинлигига юксак ва самимий ҳурмат ифодаланган. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 31-моддасида ҳар бир фуқаро учун виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, кейинги йилларда давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги ўрни тикланмоқда. Диний уюшма ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатишларига имконият яратилмоқда. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар очилмоқда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида виждон эркинлиги принципларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш давр, кундалик ҳаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. 1998 йилда бу қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 15 май куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан у кучга кирди.

Мазкур Қонун 23 моддадан иборат. Унинг 1-моддасида ушбу қонуннинг мақсади нималардан иборат эканлиги очиқ ва равшан баён этилган: «Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъиназар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат».

Қонуннинг 3-моддаси виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳақида бўлиб, унда ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқ эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан кафолатланажаги таъкидланди.

4-моддада фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъиназар, тенг ҳуқуқлилиги ҳақида сўз боради. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги кўрсатилган. Бу дегани давлат диний масалалар билан шуғулланмайди, диний ташкилот ва диний бошқарма ишларига аралашмайди. Дин ва диний ташкилотлар ҳам давлат ишларига аралашмаслиги лозим. Лекин диний ташкилотлар жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, мазкур моддада давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга, хусусан, бир диний конфессиядаги диндорни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, миссионерликка йўл қўймаслиги таъкидланган.

Диний ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар тузиш, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини очиш ман этилади.

Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг бундай фаолиятлари тақиқланади.

Фуқаролар динга бўлган муносабатларидан қатъиназар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллаши мумкин. Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, диний

ташкiлотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийларни ва ўзларига зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхат ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний таълим берувчилар махсус диний маълумоти бор кишилар бўлиб, болаларни ўқитиш учун диний бошқарманинг ёки марказнинг рухсатномасига эга бўлиши керак. Хусусий диний таълим беришга йўл қўйилмайди. Бу қонун-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавобгардирлар.

Диний ташкiлотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлар ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

Диний ташкiлот - бу маълум динга ишонувчилар ва уларнинг жамоаларининг уюшмасидир (масжид, черков, синагога, диний ўқув юртлари ва ҳ.к. каби). Уни ташкiл этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 100 киши аъзо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси 18 ёшга тўлганидан кейин маълум диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин.

Диний ташкiлотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкiлотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкiлотларнинг мулки ҳисобланади. Диний ташкiлотларга тушадиган молиявий ва мулкий хайриялардан, шунингдек фуқаролардан тушган маблағлардан давлат солиғи ундирилмайди.

Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан тақиқланмайди. Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилишича, динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар давлат, жамоат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи хизматчилари билан барабар солиқ тўлайдилар, ижтимоий таъминланиш ва суғурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар. Умумий асосда нафақа олишга ҳақлидирлар.

Қонуннинг охириги 23-моддасида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни бузган кишилар қонун олдида жавоб беришлари кўрсатилган.

Конституцияда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Унда диннинг тарбиявий аҳамиятига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Унинг ҳудудида 15 та диний конфессия вакиллари истиқомат қиладилар. Юқоридаги қонунда келтирилганидек, улар Конституция олдида ҳуқуқ ва мажбурият юзасидан тенгдирлар. Конституциянинг 12-моддасида таъкидланишича, ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Шунга кўра, ҳеч қандай конфессия бошқаларидан устун деб қаралиши ёки уларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин эмас.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. Диний эътиқод эркинлиги ҳақида Конституциянинг қайси Қонунида сўз юритилади?
3. «Диний ташкилотлар» деганда нималар назарда тутилади?
4. Диний ташкилотларга кимлар аъзо бўла олади?
5. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?

### *Таянч сўзлар:*

1. Диний жамоа;
2. Диний ташкилот;
3. Конфессия;
4. Виждон;
5. Диний идора.



## Семинар учун мавзулар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигининг кафолатланиши.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири.
3. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар.
4. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фаолияти.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992. - 48 бет.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири)/ Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19.Т., Адолат, 1998, 224-234-бетлар, Халқ сўзи, 1998, 15-май, 2-бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992.

«Бугун ҳар бир маърифатли, виждонли инсон ақиданарастлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу тафаккуруни ҳимоя қилиши зарур».

**И. А. Каримов**

## **11-Мавзу. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ**

### **Режа:**

- I. Фундаментализмнинг вужудга келиши;*
- II. Экстремизмни келтириб чиқарувчи омиллар;*
- III. Терроризмга қарши курашда диннинг роли;*
- IV. Радикал диний оқимлар.*

Диний экстремизм - муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолияти мафкураси. Фанатизм ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни бузишда айблаб, уларга қарши уруш очишга олиб борадиган омиллардандир. Диний фанатизм диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди.

Фундаментализм - маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари сурувчиларнинг йўналиши. Диний фундаментализм - ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, ваҳй ва мўъжизаларнинг муқаддас китоблардаги баёнининг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таянган мантиқий далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган истилоҳдир.

Фундаментализм ибораси биринчи бор I Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса Библиянинг

мутлақо мукамаллигига ишонишни мустақамлашни, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб кетди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб эса, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошланди. Ислом фундаментализми замонавий исломдаги уч йўналишдан биридир (қолган иккитаси - традиционализм ва модернизм). Ислом фундаментализмининг асосий ғояси - «соф ислом» принципларига қайтиш, мақсади «исломий тараққиёт» йўлини жорий этишдир.

XX асрнинг 80-90-йилларида бутун дунёда диний омилнинг фаоллашуви собиқ советлардан кейинги ҳудудда ҳам ўз аксини топди. Бу давр жамият тараққиётида, бир жиҳатдан, диний эътиқоднинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги табиий мавқеи тикланаётган, иккинчи томондан, мазкур асосда айрим мафкуравий зиддиятлар туғилиши вақти бўлди.

Асосий қонунимизда яна шу нарса қатъий қилиб белгилаб қўйилганки, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (57-модда).

Ўрта Осиёдаги республикалар ўз мустақиллигига эришиши ва унинг мустақамланиши даврида «ислом омили», «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени» каби иборалар тобора кўпроқ ишлатилиб, бу ҳол уларнинг беқиёс фаоллашувини ўзида акс эттирди. Бунга сабаб собиқ Совет давлатининг мафкуравий тасаввурлари ва қадриятларининг емирилиб, муайян вақт давомида ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш зарур эди. Коммунистик мафкура маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзига хос мутаассиблиги ва муайян миллатлар манфаатларига қарши қаратилганлиги билан шўро ҳокимиятидан кейинги маконда диний фундаментализм учун қулай шароит туғдирди.

Собиқ иттифоқдаги ҳукмрон партиянинг намояндалари диний жамоаларни халқларнинг ақл идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблаши диннинг

пинҳониятга чекиниши ва ҳатто унинг муайян маънодаги муҳолиф кучга айланишига олиб келди. Ҳа даврда диннинг таъқиб остида бўлиб келгани, ислом динининг энг салоҳиятли уламолари қатағон қилиниши, минглаб масжид ва мадрасаларнинг бузиб ташланиши диний таассубни йўқотишга эмас, балки унинг илдиэларини озикдантирувчи хатарли омилларнинг кучайишига олиб келди. Миллатлар орасида ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилишлари беқийс кучайди.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди ақидапарастликни ёйиш, бу йўл билан мусулмонларни ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотишга уринишда ўзини намоён этмоқда! Бундай гуруҳлар мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқдалар. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган.

Бинобарин дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдамга келган.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён, у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган».

Кейинги йилларда юртимизда миллий ва диний қадриятларнинг тикланишига катта эътибор берилиб, бу нарса ҳукуматимизнинг устувор сиёсатига айланди. Кўплаб диний байрамларга оммавий тус берилди, телевидение ва матбуот томонидан диний масалалар тез-тез ёритила бошланди. Фуқаролар ўртасида диний илм ва анъаналарга қизиқиш кучайди. Бундан фойдаланиб, баъзи ғаразли шахслар маълум



манфаатлар эвазига чет элдан юртимизга сукулиб кирмоқчи бўлган экстремистик оқимлар «даъватчи»ларига айландилар. Улар хорижликлар томонидан истаганларича маблағ ва диний адабиётлар билан таъминландилар. Бу ҳаракатлар тезда ўз оқибатини кўрсатди. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида уя қуриб олган «Ваҳҳобийчилик» ҳаракати, жумҳуриятимизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларига етиб боришга улгурган «Ҳизбут таҳрир» каби гуруҳларнинг кейинги йилларда Ватанимизнинг турли жойларида уюштирган фитна-фасод ҳаракатлари шундан дарак беради.

Модомики, биз ёшларимизни, Президентиз айтганидек Имом Бухорийлар, Нақшбандийлар ва Яссавийлар таълимоти асосида тарбиялар эканмиз, биз уларни турли ислом ниқоби остидаги ғаразли гуруҳлар билан буюк аجدодларимиз амал қилган ва бизларга ҳам тавсия этган мусаффо ислом ўртасини ажрата оладиган даражада билимли қилишимиз зарур бўлади.

**Ваҳҳобийлик.** Ваҳҳобийлик XVIII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган дини-сиёсий оқимдир. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1703 йили Арабистон ярим ороли Нажд ўлкасининг ал-‘Уйайна деган жойида таваллуд топган. Бу даврда унинг отаси Абд ал-Ваҳҳоб ибн Сулаймон мустақил маҳаллий амир ҳокимиятида қозилик лавозимида хизмат қилар эди. Муҳаммад ёшлигидан диний илмларни ўз отаси раҳбарлигида ўргана бошлади. У анъанага кўра, Қуръонни ёд олди, тафсир ва ҳадис илмлари билан таниша бошлади. Бир неча бор Миср, Сурия, Курдистон, Ироқ, Эрон мамлакатларида бўлиб, кўпинча уламолар суҳбатида ўзининг жанжалкашлиги ва мутаассиблиги билан ажралиб турган. У ўз тарғботчилик фаолиятини 1730 йилларда бошлаб, биринчи мақсади ўзига муносиб ҳомий топиш бўлди.

1745 йили Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ад-Дир‘ийа водийсига унинг амири Муҳаммад ибн Са‘уд таклифига биноан кўчиб ўтди. Бу билан Муҳаммад ибн Са‘уд ўз ҳокимиятини кучайтиришда ваҳҳобийликдек мафкуравий қуролга эга бўлди. Ваҳҳобийлар ўзлари хоҳлаган жамоани куфрда ёки ширкда айблашлари ва унга қарши жиҳод эълон қилишлари мумкин эди. Ибн Са‘уд эса бу жиҳодни амалга ошириб, ўз ҳокимияти чегараларини кенгайтиришни бошлади. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1792 йили вафот этди. Ибн Са‘уд ва унинг сулоласи ваҳҳобийлик байроғи остида олиб борган урушлари 1932 йилда Саудия Арабистони давлатининг тузилиши билан якунланди.

Ваҳҳобийлик таълимоти диний масалаларда дин фундаменти, яъни Пайгамбар даври воқеийликларига қайтишни талаб этди. Улар барча муҳолифларини бидъатчиликда, яъни динга янгилик киритганликда айбладилар, ўзларининг сиёсий душманларини эса мушрикликда айблаб, уларга қарши жиҳод олиб боришга фатво бердилар. Ахлоқий масалаларда назарий жиҳатдан, гарчи шахсий камтарлик, мол-мулкка ҳирс қўймаслик, дунёвий ҳаётда тоат-ибодатга аксарият вақтни сарфлашни тарғиб қилсаларда, лекин амалда сарой аҳлининг босқинчилик урушлари қўшни қабилалар мол-мулкларини талаш оқибатида гап билан амал ўртасида зиддият пайдо бўлди.

Ваҳҳобийлик ҳаракатлари Усмонийлар империяси (1453-1924) ҳудудларида вужудга келганлиги ва империя билан бу ҳаракат ўртасида бир неча қонли тўқнашувлар юз берганлиги туфайли бу оқимда турк исломига қарши бўлган кучли кайфият ўз аксини топди. Империянинг марказий ҳудудларида ҳанафийлик мазҳаби мутлақ ҳукмрон мавқега эга бўлганлиги учун мазкур мактаб қоидалари қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, ваҳҳобийлик ҳаракати мафкурасининг марказида аввалига Арабистон ерларини бирлаштириш орқали, кейинчалик бутун ислом дунёсида ислом давлатини шакллантириш гоёси ҳам мавжуд эди. Улар бу мақсад йўлида ҳар қандай қурбонликларга тайёр эдилар.

Ваҳҳобийларнинг чет элларда кўплаб ташкилотлари бўлиб, улар фаол ҳаракат олиб борадилар. Уларнинг кўпчилиги яширин сиёсий фаолият олиб боради. Иш услублари - диний ҳиссиётлари кучли бўлган фуқароларни жамиятларига тортиб, уларни қайта тарбиялаш, сўнг улардан ташвиқот ва ижтимоий тартиббузарлик, экстремистик ҳаракатларда фойдаланиш. Бу ишларга, айниқса, ёшларни, болаларни, ҳаёт тарзидан норози бўлган шахсларни жалб қиладилар. Хайрия фондлари орқали майиб-мажруҳларга, етим-есирларга ёрдам, диний таълим бериш, турли диний адабиётларни тарқатиш каби йўллар билан кенг тарғибот ишларини олиб борадилар. Кишиларга фанатизм, муросасизлик, ўзгалар фикрлари ва манфаатларига ҳурматсизлик руҳини сингдиришга уринадилар.

**Ал-Ихвон ал-муслимун.** XIX аср дастлабки йилларидан ислом дини тарқалган мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгараётган янги шароитларга диний-фалсафий, ҳуқуқий нормаларнинг XIX аср ярмидан бошланган мослашуви фанда «Исломиий ислоҳотлар» номини олди. Лекин бу жараён ҳаддан

ташқари чўзилиб кетди ва кўп соҳаларда зиддиятли ҳолларни келтириб чиқарди. Улар орасида панисламизм ва мусулмон жамоаларининг бошқа конфессиялардан ажратиш ғоясини айтишимиз мумкин. Панисламизм ғоясини биринчи бўлиб илгари сурган Жамолиддин ал-Афғоний (1839-1897) ҳисобланади. У диний-сиёсий арбоб бўлиб, 1884 йили Парижда Муҳаммад Абдуҳ (1849-1905) билан биргаликда «ал-Урват ал-вусқо» журналинини нашр этди ва унда панисламизм ғояларини тарғиб қила бошлади. Афғонийнинг ғояларини кейинчалик «Мусулмон биродарлар» («ал-Ихвон ал-муслимун») радикал шаклларида ривожлантирилди.

Ал-Ихвон ал-муслимун - 1928 йили Мисрнинг Исмоилия шаҳрида Мисрлик шайх Ҳасан ал-Банно томонидан ташкил этилган диний-сиёсий ташкилот. Ҳасан ал-Банно Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абдуҳ, Рашид Ризо асарларидан таъсирланиб, панисламизм ғоясида «жиход», «исломий миллатчилик», «исломий давлат» таълимотларини ишлаб чиқди. Ал-Ихвон ал-муслимун бу таълимотлар асосида ислом дини тарқалган мамлакатларда Қуръон ва шариатда ифодаланган қоидаларга тўлиқ риоя қилувчи, «исломий адолат» принциплари ўрнатилган жамият қуриш учун сиёсий курашни бошлаб юборди.

Ал-Ихвон ал-муслимун ўз тарихида бир неча босқичларни босиб ўтди. 1928-1936 йиллардаги даврни хайрия ва маърифатчилик босқичи деб атаса бўлади. Кейинчалик у кураш услуби сифатида террорни қўллаш даражасига етган сиёсий ташкилот сифатида майдонга чиқди. Кўплаб давлатларда унинг фаолияти тақиқланди. Кейинги даврда ал-ихвон ал-муслимун орасида бўлиниш юз бериб, улар 3 йўналишга бўлиниб кетди:

1) «мўътадиллар» - Ҳасан ал-Банно ва Саййид Кутб тарафдорлари;

2) «ислом демократлари» - «ислом социализми» таълимоти тарафдорлари;

3) «ат-Такфир ва-л-ҳижра», «ал-Жиход», «Ҳизб ат-Таҳрир ал-исломий» каби террор услубини қўлловчи ташкилотлар.

**Ҳизб ат-Таҳрир ал-исломий (Ҳизбут таҳрир).** Ҳизбут таҳрир 1952 йили Қуддус шаҳрида фаластинлик илоҳиётчи Тақий ад-дин ан-Набаҳоний (1909-1979) томонидан асос солинган диний-сиёсий партия. У Ҳайфада туғилиб ўсган, Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университетига таълим олган.

Ҳизбнинг асосий мақсади - аввал араб давлатлари миқёсида, кейин ислом дунёси миқёсида ва ниҳоят жаҳон миқёсида халифалик шаклидаги ислом давлатини тузиш. Уларнинг асосий



даъвоси - Мустафо Камол Отатурк томонидан 1924 йили Усманий халифа Иккинчи Абдулмажид (1922-1924) халифаликдан ғайриқонуний четлатилди. Давлат диний-исломий қонунлар асосида халифа томонидан идора этилиши лозим. Ҳизб дастури 187 банддан иборат бўлиб, асосий мақсади - ҳокимиятга эришиш. Бундаги асосий йўл - исломий фикрловчи шахсларни шакллантириш. Уларга исломий таълим-тарбия бериш икки босқичдан иборат: 1) у билан ислом таълимотини ўргатиш йўлида маданий-маърифий ишлар олиб бориш; 2) сиёсий фаолиятга тортиш.

Мақсадга эришиш учун кураш уч босқичдан иборат:

- ғоявий-фикрий кураш;
- жамиятда ғоявий инқилобни амалга ошириш;
- ҳокимиятга фақатгина умма - жамоанинг тўлиқ розилигидан сўнг келиш.

Ҳизбут таҳрир тарафдорлари кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятларини яширин олиб бормоқдалар. Унинг ҳозирги кундаги раҳбари Абд ал-Қадим аз-Заллумдир.

Ҳизбут таҳрир тузилиш жиҳатидан пирамида шаклидадир. Ҳар бир гуруҳ (ҳалқа) алоҳида-алоҳида бўлиб, 5-6 кишидан иборат. Гуруҳларнинг ўқув ишига «мушриф» раҳбарлик қилади. Ундан ташқари гуруҳда яна бир раҳбар - «амир» бўлиб, у мушрифга машғулотларни ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатади. Мушриф бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳда таълим ишларини олиб бориши мумкин. Ўқиш давомида тингловчилар диний мавзудаги машғулотлар билан бирга сиёсий, жумладан, мусулмон давлатларида содир бўлаётган воқеаларни диққат билан ўрганадилар.

Ўзбекистон ҳудудида 1992 йилдан бошлаб партиянинг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошлаган. Ҳизб сафига кирувчилар ўз партиялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошкор этмасликка ўз мушрифи буюрган вазифаларни сўзсиз бажаришга Куръон билан қасам ичадилар. Ҳизб мугасаддилари ўз тарафдорларини кўпроқ зиёлилар, илмий ходимлар, талаба ёшлар орасидан қидирадилар.

Етарли таълим олган шахслар кейинчалик ўзлари мустақил гуруҳ тузишлари лозим. Таҳрирчиларнинг таълими босқичма-босқич олиб борилади. Биринчи босқичда «Ислом низоми» ва «Иzzат ва шараф сари» китоблари бўйича ўқитилади, «ал-Ва'й» журналидаги маълумотлар муҳокама қилинади. Кейинги босқичларда «Демократия куфр низоми», «Сиёсий онг»,



«Халифаликнинг тугатилиши», «Ҳизбут таҳрир тушунчалари», «Исломий даъватни ёйиш вазифалари ва сифатлари» каби китоблари ўқитилади. Бу адабиётлар партия манфаатларини кўзлаб, Куръон оятлари ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиб диндорлар онгига таъсир қилиш мўлжалланган. Ушбу нашрлар диндорларни сиёсийлаштирилган исломга тарғиб этиб, уларни фуқаровий бўйсунмасликка ва муомаладаги умумий қоидаларни инкор этишга чақиради.

Ҳозирги замон ислом уламолари – Юсуф Қарзовий, Саййид Муҳаммад ат-Тантовий, Носир ад-дин ал-Албонийлар Ҳизбут таҳрирни оҳод ҳадисларга, қабр азобига, *сирот* кўпригига ишонмасликлари учун уларни *аҳл ас-сунна ва-л-жамо‘а* сафидан чиққан ҳисоблайдилар.

**Акромийлар.** Республикамиз ҳудудида ташкил топиб, ҳозирда фаолияти деярли тўхтатилган ноанъанавий ҳам ислом таълимотига ҳам конституциявий давлатчилик асосларига зид бўлган гуруҳ «Акромийлар»дир.

Акромийлар 1996-1997 йилларда Андижонда ташкил топиб, унинг номи гуруҳ асосчиси - 1963 йилда туғилган Йўлдошев Акром номи билан боғлиқ. А. Йўлдошев Ҳизбут таҳрирнинг етакчиси ан-Набахоний гоёлари асосида 12 дарсга мўлжалланган «Имонга йўл» рисоласини ёзган. Шу сабабдан акромийларни «Имончилар» деб ҳам юритилади.

Акромийлар ҳам давлат тепасига чиқиш каби ғаразли мақсадларни кўзлайдилар. Бироқ, улар таҳрирчилардан фарқли ўлароқ, халифалик давлатини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, аввало Андижонда, сўнг Фарғона водийсида амалга оширмоқчи бўлдилар. Акромийлар сиёсий ҳокимиятта эришишнинг 5 босқичини режалаштирганлар - «сирли», «моддий», «узвий», «майдон» ва «охират». Тўртинчи ва бешинчи босқичлар тамомила исломлаштириш даври тутагач бошланиши ва очикдан-очик ҳокимият учун кураш босқичлари бўлмоғи лозим эди.

Бу гуруҳ аъзолари асосан ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар расмий ишхоналардан бўшаб, жамоа маъқуллаган меҳнат фаолияти билан шуғулланганлар. Зарурат туғилганда «биродарлари»га «жамоа банки»дан моддий ёрдам берганлар. Ундан ташқари жамоа аъзоларига ташкилий равишда озиқ-овқат моллари тарқатиб турилган. Қуда-андачилик фақат «биродарлар» ўртасида амалга оширилган.

### *Ўтилган мавзу бўйича саволлар*

1. Фундаментализм илк бор қайси динда ишлатилди?
2. Экстремизм деганда нимани тушунасиш?
3. Исломда қандай радикал оқим ва гуруҳлар мавжуд?
4. Экстремистик гуруҳларнинг мақсадлари нималардан иборат?

### *Таянч сўзлар:*

- |                   |                    |
|-------------------|--------------------|
| 1. Фундаментализм | 6. Модернизм;      |
| 2. Мутаассиблик;  | 7. Традиционализм; |
| 3. Фанатизм;      | 8. Ваҳҳобийлик;    |
| 4. Файридин;      | 9. Панисломизм;    |
| 5. Терроризм;     | 10. Экстремизм.    |

### *Семинар учун мавзулар*

1. Исломдаги радикал оқимлар.
2. Ваҳҳобийликнинг тарқалиши.
3. «Ал-Ихвон ал-муслимун» ташкилоти.
4. «Ҳизб ат-тахрир ал-исломий» гуруҳи.
5. «Акромийлар» гуруҳининг фаолияти.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999.
3. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли./ Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 12-б.
4. Эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлсин./ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1998, 5-май.
5. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. Т., 1992.
6. Борисов. А. Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). М.: Наука. 1991.- 213 с.
7. Чураков М.В. Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма. М.: Наука, 1990.-208 с.

## ИЛОВА

### ТАЯНЧ СЎЗЛАРНИНГ ШАРҲЛАРИ

**АБХИДҲАРМА-ПИТАКА** — Трипитаканинг фалсафа ва психологияга оид қисми.

**ЎЕСТО** — (қад. эрон-пахлавий. *ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар*) Зардуштийликнинг муқаддас китоби.

**АЛТАРЬ** — (лот. *баланд*) Христиан черковида ибодатхонанинг меҳроб ва минбар ўрнатилган энг баланд қисми.

**АЛ-ҲАЖАР АЛ-АСВАД** — (араб. *қора тош*) Каъбанинг жану-нуби-шарқий бурчагида ердан 1,5 м. баландликда ўрнатилган муқаддас тош.

**АТАРХУРРА** — Зардуштийликнинг муқаддас олови.

**АХРИМАН** — Зардуштийликдаги ёвузлик худоси.

**АХУРАМАЗДА** — Зардуштийликдаги энг олий яхшилик худоси.

**БИБЛИЯ** — (юнон. *китоблар*) Христианликнинг муқаддас китоби.

**БРАХМАН** — Ҳиндистондаги олий каста (табақа) вакили. Брахманлик ва ҳидуийликдаги дин арбоби.

**БУДДА** — (санскр. *нурланган, олий ҳақиқатга эришган*) Буддавийлик асосчиси Сиддхартха Гаутамага берилган ном.

**ВАСАНИЙЯ** — (араб. *васан — ёғочдан ишланган бут*) Бутпарастлик.

**ВАҲӢ** — Худо билан инсонларнинг пайғамбарлар орқали мулоқот йўли.

**ВАҲҲОБИЙЛИК** — XVIII асрнинг ўрталарида Арабистон ярим оролида вужудга келган фундаменталистик оқим.

**ВЕДА** — (санскр. *башорат*) Қадимий Ҳиндистоннинг шимолида яшаган халқларнинг муқаддас китоби.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** — Диний эътиқод эркинлиги.

**ВИНАЯ-ПИТАКА** — Трипитаканинг раҳбонийлик одоби ва хоनाқоҳ низомига бағишланган қисми.

**ВИШТАСПА** — Зардуштийликни қабул қилиб, уни тарқалишида Зардуштга яқиндан ёрдам Бактрия подшоси.

**ГАЛАҲА** — Яҳудийликдаги диний, оилавий ва фуқаролик қонунлари мажмуи.

**ДАО** — Даосизм динидаги олий худо.

**ДАЪВАТ** — (араб. *чақириш*) Динга тарғиб қилиш.

**ДИАКОН** — христианликдаги энг қуйи табақа руҳоний.

**ДИНИЙ ЖАМОА** — Диний ташкилотнинг бошланғич шакли бўлиб, диний маросимлар ва бошқа диний фаолиятлар учун бирлашган.

**ДИНИЙ ИДОРА** — Диний ташкилот маркази.

**ДИНИЙ ТАШКИЛОТ** — Диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси.

**ЕПИСКОП** — (юнон. *назорат қилувчи*) Кўп христиан черковларида олий иерарх. Барча архиерейларнинг (патриарх, митрополит, архи-епископ) умумлашган номи.

**ЕССЕЙЛАР** — Қадимий яҳудийликдаги оқим.

**ЁСИН** — Авестодан бизгача етиб келган тўрт китобнинг иккинчиси.

**ЖОҲИЛИЯ** — (араб. жоҳиллик, билмаслик) Арабистон ярим оролининг Ислом динидан аввалги даври шундай аталган.

**ЗАИФ** — (араб. кучсиз, касал) Ишончли эканлигига шубҳа бўлган ҳадис.

**ЗАКОТ** — (араб. тозаланиш, покланиш) Исломнинг беш асосий арконларидан бири. Мол-мулк нисобига (муайян миқдорга) етгач унинг қирқдан бирини камбағалларга садақа сифатида бериш.

**ЗАРДУШТ** — Милoddан аввалги VI-V асрларда яшаган илоҳиётчи, файласуф, шоир. Зардуштийлик динининг асосчиси.

**ИБТИДОИЙ ФАЙЛАСУФ** — эволюцион позитивистларнинг чиқарган хулосасига кўра борлиқ ва коинот ҳақида фикрлар юритиб, диннинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ибтидоий одам.

**ИЖТИҲОД** — Исломда янги пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос усули.

**ИКОНА** — Христианликдаги авлиёлар портрети туширилган расмлар. Улар черковларда ибодат буюми бўлиб хизмат қилади.

**ИНДУЛЬГЕНЦИЯ** — Католик черкови томонидан диндорларга қилинган ёки қилиниши мумкин бўлган гуноҳларни кечирish ҳақида бериладиган гувоҳнома. У пул ёки черков олдидаги хизматлар эвазига берилади.

**ИСНОД** — (араб. *суяниш*) Ҳадисни ривоят қилган ровийларнинг кетма-кет занжири.

**ИСРОИЛ** — (қад. иврит. *исро* - банда, *ийл* — худо) Ўаъқуб пайғамбарнинг иккинчи номи, яҳудийлар унга нисбат берилиб, «Исроил болалари» деб аталади.

**ЙОМ-КИПУР** — яҳудийлик динида нишонланадиган гуноҳлардан покланиш байрами.



**КАРМА** — (санскр. *ҳаракат, бурч, фаолият*) Ҳиндларнинг диний таълимотларида алоҳида мистик куч, инсонни қайта дунёга келишига ҳал этувчи таъсир кўрсатадиган амаллар тўплами.

**КАСТА** — Браҳманлик ва ҳидуийлик динларидаги ижтимоий табақаланиш.

**КАЪБА** — (араб. *куб*) Макка шаҳрида Байтул Ҳарам (Муқаддас Масжид) ичида қурилган Ислом динининг қибласи ҳисобланмиш бино. Уни Нуҳ тўфонидан сўнг Иброҳим пайғамбар ўғли Исмоил билан қайта тиклаган.

**КОНФЕССИЯ** — (лот. *эйтироф, эътиқод*) Дин, диний эътиқод.

**КОНФУЦИЙ** — Қадимги Хитой файласуфи ва педагоги конфуцийчиликнинг асосчиси.

**КРИШНА** — Ҳиндуийликдаги эътиборли худолардан бири.

**МАГИЯ** — (юнон. *магус*, араб. *мажус*) Сехргарлик.

**МАЗҲАБ** — (араб. *йўл*) Исломдаги шариат қонунлари тизими ва йўналиши.

**МАССОНИЗМ** — Дунёда яҳудий ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида милоднинг бошларида ташкил этилган махфий диний-сиёсий оқим.

**МАХАЯНА** — (санскр. *катта ғилдирак*) Буддавийликдаги оқим.

**МЕДИТАЦИЯ** — (лот. *фикрлаяпман, ўйлаяпман*) Шахснинг руҳи фаоллиги чуқур берилиш ҳолати.

**МИСТИКА** — (қад. юнон. *mistikos* — *яширин, сирли*) Илоҳиёт олами билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот.

**МИТРА** — Зардуштийликдаги қуёш худоси.

**МИТРОПОЛИТ** — (юнон. *бош шаҳар, пойтахт, митрополиа одами*) Православ черковининг пойтахт шаҳарларидаги олий руҳонийлик унвони.

**МИФ** — (юнон. *myth* - *ҳикоят, ривоят*) бирор халқ орасида машҳур бўлган ҳикоят, ривоятлар.

**МОДЕРНИЗМ** — Диндаги замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланишни ёқлаб чиқувчи оқим.

**МОНОТЕИЗМ** — (юнон. *моно-ягона, тео-худо*) Яккахудолик.

**МУЖТАҲИД** — Ижтиҳод қилиш даражасига етган фақиҳ олим.

**МУРИД** — (араб. *хоҳловчи*) Тасаввуф йўлига кириб, муршидга қўл берган шогирд.

**МУРШИД** — (араб. *тўғри йўлга бошловчи*) Тасаввуф йўлига кирганларни ҳидоятга бошловчи устоз, шайх.

**МУСУЛМОН** — Ислом динига эътиқод қилувчи киши.

**МУСҲАФ** — (араб. *саҳифаланган*) Қуръоннинг бир номи.

**МУТААССИБЛИК** — Ўз ғоясини тўғри деб, бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш.

**МУШРИК** — Ислом таълимотига кўра, Аллоҳга ширк келтириб, турли нарсаларни илоҳ қилиб тутган киши.

**МУҚАДДАС РУҲ** — Христианликдаги Худонинг уч кўринишидан бири.

**МУҲАДДИС** — (араб. *ҳадис сўзловчи*) Ҳадисларни тўплаб, уларни тартибга келтирган ва уларни тўплам ҳолатига келтирган олим.

**НИРВАНА** — (санскр. *сўлиши*) Буддавийлик ва жайнизм диний фалсафаларига кўра, руҳнинг сансара кишанларидан тўла озод бўлиши ва олий мақомга эришиш.

**ОХИРАТ** — (араб. *бошқа, охирги, иккинчи*) Бу дунё охирига етганидан кейин барча қайта тирилиб, бу дунёда қилган амалларига яраша мукофот ёки жазо оладиган иккинчи ҳаёт.

**ОЯТ** — (араб. *белги; мўъжиза*) Қуръон сураларини ташкил этувчи жумлалар.

**ПЕРГАМЕНТ** — Қоғоз кашф этилгунига қадар ёзув материал сифатида ишлатилган тери.

**ПАНИСЛОМИЗМ** — XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган ислом миллатини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан оқим.

**ПАПА** — Католик оқимининг бош руҳонийси.

**ПАСХА** — Хочга миҳланган Исонинг қайта тирилиши хотирасига бағишлаб ўтказилдиган христианликнинг энг йирик байрами.

**ПАТРИАРХ** — (юнон. *ота, асос солувчи*) Православиедаги олий диний мартаба бўлиб, ундаги 14 та автокефал — мустақил черковлар бошлиқлари шу ном билан аталадилар.

**ПЕСАХ** — Яхудийларнинг Мисрдан қочиб чиқиб, озод бўлиши муносабати билан нишонланадиган байрам.

**ПИР** — Муршид.

**ПОЗИТИВИЗМ** — Философияда XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган, позитив (аниқ) фанларни бирдан-бир ҳақиқий билимлардир деб эътироф этган оқим.

**ПОЛИТЕИЗМ** — (юнон. *поли-кўп, тео-худо*) Кўпхудолилик.

**ПОРА (ЖУЗЪ)** — (форс. *пора*, араб. *жузъ* - қисм, бўлим) Қуръоннинг ўттиздан бир қисми.

**ПОСТ** — христиан динидаги рўза. Пост кунлари христианларга фақат ўсимлик махсулотларини ейиш рухсат этилади.

**РАВВИН** — Яхудий дин арбоби.

**РИСОЛАТ** – Пайғамбарлик.

**РОВИЙ** – (араб. *ривоятчи*) Ҳадис ривоят қилувчи киши.

**РОШ-АШОНА** – Яҳудийликдаги янги йил байрами.

**САДУҚИЙЛАР** – Қадимий яҳудийликдаги оқим.

**САҲИҲ** – (араб. *соғлом; тўғри*) Ишончли, тўғри деб топилган ҳадис.

**СИДДАХАРТҲА** – Будданинг асл исми.

**СИНАГОГА** – Яҳудийлар ибодатхонаси.

**СИОНИЗМ** – Яҳудийликдаги ирқчилик ғоясини илгари сурувчи диний-сиёсий оқим.

**СУННАТ** – Пайғамбар а. с. ўзлари қилган ва мусулмонларга қилишни буюрган амаллар.

**СУРА** – (араб. *девор, тўсиқ*) Қуръоннинг ташкил этувчи матнлар. Қуръонда суралар 114 та.

**СУТГА-ПИТАКА** – Трипитаканинг дин мазмунига бағишланган қисми.

**СУФИЙ** – Исломдаги мистик-аскетик оқим суфийликнинг вакили.

**ТАВАККУЛ** – ўз иродасини Аллоҳга ишониб топшириш.

**ТАЛМУД** – (қад. яҳуд. *ламейд – ўрганиш*) Тавротга ёзилган шарҳлар тўплами.

**ТАФСИР** – (араб. *баён қилиш*) Қуръон оятларига ўзига хос равишда маъно бериш.

**ТЕРРОРИЗМ** – Ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суиқасд, қўпоровчилик каби усуллардан фойдаланиш.

**ТИПИТАКА** – Трипитака сўзининг ўзгарган шакли.

**ТОБИЎИН** – (араб. *эргашувчилар*) Пайғамбар асҳобларини кўрган ва уларга эргашган кишилар.

**ТОРА** – (араб. *Таврот*) Мусо алайҳис саломга нозил бўлган «Бешкитоб».

**ТОТЕМ** – (Шимолий Америкадаги *Ожибва* қабиласининг тилида «*унинг уруғи*») Ёсимлик ва ҳайвонларга сиғиниш.

**ТРАДИЦИОНАЛИЗМ** – Анъанавийлик. Диний ақидаларни ва концепцияларни фан-техника ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қараб қайта кўриб чиқишни рад этувчи оқим.

**ТРИПИТАКА** – (қад. санскр. *уч сават*) Буддавийликнинг муқаддас китоби.

**ФАРЗИЙЛАР** – Қадимий яҳудийликдаги оқим.

**ФАРИШТА** — нурдан яратилган нафс ва хоҳишга эга бўлмаган, фақатгина уларга Худо томонидан буюрилган муайян вазифаларни оғишмай бажарадиган, инсонлар кўзига кўринмайдиган махлуқлар.

**ФАНАТИЗМ** — Мутаассиблик.

**ФАТВО** — Фақиҳнинг исломда пайдо бўлган янги муаммоларни Қуръон ва ҳадисга зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукми.

**ФАТҲ** — (араб. *очиш*) Бирор шаҳар ёки мамлакатга исломни олиб кириш.

**ФАҚИҲ** — Фиқҳ илмининг олими.

**ФЕТИШ** — (фр. *fetich* — бут, санам, тумор) Табиатдаги жонсиз предметларга сифиниш.

**ФИҚҲ** — (араб. *тушуниш*) Шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи фан.

**ФУНДАМЕНТАЛИЗМ** — маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш.

**ХИНАЯНА** — (санскр. *кичик гилдирак*) Буддавийликдаги оқим.

**ХОНАҚОҲ** — 1. Суфийлар жамланиб зикру сано билан машғул бўладиган махсус бино. 2. Масжиднинг меҳроб ва минбар ўрнатилган қисми.

**ХОЧ** — Крест, чормих.

**ШАМАН** — (тунгус. *сехргар*) Шаманлик амалларини бажарувчи шахс.

**ШОПУР** — 243-273 йилларда ҳукмронлик қилган Сосоний ҳукмдорлардан, Авестонинг бизгача етиб келган нусхасини тартибга солган.

**ЭКСТРЕМИЗМ** — Ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

**ЭРАН-ВЕЖ** — Авестода зикр қилинган Зардуштнинг ватани.

**ЭЪТИҚОД** — Дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш — уни ҳақ деб билиб, уни таълимотини тан олиш.

**ЯШТ** — Авестонинг 1-қисми.

**ЯҲВЕ** — Яҳудийликка кўра дунёларни яратувчи ягона қудратли худо.

**ЯҲУДО** — Йаъқуб пайғамбарнинг фарзандларидан бири. Унинг авлодларини «яҳудийлар» деб аталади.

**ҚИЁМАТ** — (араб. *туриш*) охиратда барча ўлганларни қайта тирилиши ва бир жойда туриб қилган амалларидан ҳисоб бериши.



**ҚИРОАТ** — (араб. *ўқиш*) Қуръонни ўзига хос қоидаларига мувофиқ ўқиш.

**ҚУРЪОН** — (араб. *ўқиш*) Ислом динининг муқаддас манбаи.

**ҒАЗОТ** — Исломда динни тарқатиш учун кофирларга қарши эълон қилинган муқаддас уруш.

**ҒАЙРИДИН** — Бир дин вакиллари томонидан бошқа дин вакилларига нисбатан ишлатиладиган атама.

**ҲАДИС** — (араб. *янги; сўз*) Муҳаммад алайҳис саломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар.

**ҲАНИФЛИК** — Исломдан аввал Арабистон ярим оролида мавжуд бўлган яккахудолик ғояси.

**ҲОФИЗ** — Қуръонни ёд олган қори.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу: «Диншунослик» фанига кириш.....	8
2-мавзу: Диннинг ибтидоий формалари.....	15
3-мавзу: Миллий динлар.....	25
4-мавзу: Зардуштийлик.....	38
5-мавзу: Буддавийлик.....	45
6-мавзу: Христианлик.....	54
7-мавзу: Ислом.....	74
Жоҳилия.....	74
Ислом таълимоти.....	76
Макка даври.....	77
Мадина даври.....	83
Ал-Хулафо ар-Рошидун даври.....	85
8-мавзу: Исломнинг асосий манбалари.....	89
Қуръони Карим.....	89
Ҳадиси Шариф.....	94
9-мавзу: Тасаввуф ва фикҳ.....	98
10-мавзу: Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.....	110
11-мавзу: Диний экстремизм ва фундаментализм.....	116
Илова.....	125